

24942

ДУЛЛА АМИНОВ, ЖУРАБЕК ЮСУПОВ

АБЛАҢ КАРАҒИНИ



ҲАМИДУЛЛА АМИНОВ, ЖўРАБЕК ЮСУПОВ

УВАЙС ҚАРАНИЙ

(Тўлдирилган, қайта ишланган нашри)

УЗР ФА

Шарқшунослик
институтига

Тақдим қиламан



11.11.11.

Тошкент – 2011
“Ноширлик ёғдуси”

А.А.А.

Ушбу рисолада Набигамбаримиз (с.а.в.) давларида яшаб ўтган, улуғ зот Увайс Қараний ҳақидаги адабий, тарихий, илмий хабарлар ҳамда халқ орасида юрган ривоятлар жамланган. Тўплам ЎзР ФАШИ кўлэмалар фондида сақланаётган рисолашарҳдан олинган Увайс Қараний ҳақидаги энг янги маълумотлар билан бойитилди.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:

*тарих фанлари номзоди,
ЎзР ФАШИ илмий ходими, доцент*
М.М.ИСМОЙЛОВ,

*филология фанлари номзоди,
Тошкент ислом университети, доцент*
И.ОСТОНАҚУЛОВ

ISBN 978-9943-310-40-7

© Ҳ.Аминов, Ж.Юсупов
© “Ноширлик ёғдуси”, 2011 йил

ТАҚДИМ

*Увайс ҳурматига Робиъ ва Музар
қабиласи қўйларининг юнги саногича
гуноҳкор умматга шафоат қилинган.*

Султон Увайс Қараний Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замондоши бўлиб, бизнинг юртга ташриф буюрган улуғ авлиёларнинг биринчисидир. Султон Увайс бобомиз Пайғамбаримизни шахсан кўрмаган бўлсалар ҳам у зотга муҳаббатлари чексиз эди. У Расулulloҳ суннатларини каттик ушлаган тақводор зотлардан бири бўлган. Султон Увайс бобомиз Расулulloҳ тишларининг синганини эшитиб, ўз тишларини синдиради. Бу муҳаббат ва ҳурматнинг кучлилигидан эди.

Пайғамбаримиз даврида саҳобалар у зотни кўрганликлари, табаррук суҳбатларидан баҳраманд бўлганликлари, бирга ўтириб-турганликлари, ул зоти шарифнинг улуғ ахлоқ соҳиби эканлигини кўриб турганликлари сабабли у зотни каттик севардилар. Қалбларида бир шубҳа пайдо бўлса, Пайғамбаримиздан келиб мўъжиза кўрсатишини сўрардилар. Ажойиб мўъжизаларни кўриб, иймонлари мустаҳкам ва бакувват бўларди. Шу сабаб улар Пайғамбаримиз алайҳиссалом учун жонларини беришга ҳам тайёр эдилар.

У зотни кўрмасдан туриб севиш, унга жонфидо бўлиш бўлакчадир!

Увайс Қараний ҳазратлари мана шундай ғойибона севгига соҳиб эдилар. Бу ғойибона муҳаббатнинг сабоғи кейинчалик умматларга ўрнак бўлди. Имом Молик ибн Анас Пайғамбар алайҳиссалом юрган, дафн қилинган юрт бу деб Мадина шаҳри кўчаларида от-уловларда юрмаган эди. Аҳмад Ясавий бобомиз эса Расулulloҳ олтмиш уч ёшларида вафот этиб, ер остига кирган деб, олтмиш уч ёшдан кейинги ҳаётини ер остида чилла ўтириб ўтказган эди.

Увайс Қараний ҳаёти ва ижоди Ўзбекистонда ҳам кўп ўрганилган. Биздан олдин бу мавзуга – Султон Увайс бобомиз ҳаётларига бағишланган асарларида Абдураҳим Аминжон эшон ўғли ва Ҳасанжон махсум Маткарим эшон ўғли «Султон Увайс Қарайнин мақбараси тарихи» (Тошкент, 1991 й.) рисоаларида

хамда Давлатёр Раҳим «Султон Увайс» (Тошкент, 1992 й.) китобчаларида қўл урган.

Биз томонимиздан эса Увайс Қараний ҳақида иккита рисола (2000 йилда Нукус шаҳрида, 2004 йилда Тошкентда) ва бир қанча мақолалар эълон қилинди.

Султон Увайс бобомиз ҳақида Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Абдулҳақ Дехлавийнинг «Ашъат ул-ламаот», Ибн Саъднинг «Табакот», Абу Нуъаймнинг «Хулийя», Абулқосим ал-Ҳазакийнинг «Фавойид» ва Имом Суютийнинг «Жамъ ул-жавомеъ» ҳамда Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида батафсил маълумотлар бор. Ибн Асокир ва Хатиб Бағдодийнинг тарихий асарларида ҳам бу тўғрида маълумотлар учрайди. Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида, Абдулҳай Лакнавийнинг «Умда» асарининг муқаддимасида ва Алиййул Қорийнинг «Мирқот» асарида қисқача маълумотлар берилган. Яна Мавлоно Алиййул Қорий Султон Увайс Қараний ҳақида тўлиқ бир китоб (рисола) ҳам ёзганлиги маълум.

Собир Сайқалий Ҳисорийнинг «Вайсул Қаран» номли шеърий достони қўлёзмалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Бундан ташқари мазкур қўлёзмалар фондида Султон Увайс бобомиз ҳақида катта-кичик ҳажмдаги қўлёзмалар ҳам бор. Бу қўлёзмалардан «Қиссаи Увайс» деб номланган (халқимиз орасида бу шеърий қисса «Султон Увайс бобо меърожи» ёки «Меърожнома» деб ҳам юритилади) қиссанинг баъзи қисмларини Давлатёр Раҳим ўз рисоласида келтирган.

Шунингдек, Султон Увайс бобомиз ҳақида айtilган ҳадисларни муҳаддислардан Имом Байҳақий, Имом Муслим, Ҳоким ва Ибн Адийлар ҳам ўз асарларида келтирганлар. Яқинда туркиялик адиб Мустафо Нажотий Бурсалининг “Ҳазрати Увайс Қараний” рисоласи (2007 йил) ўзбек тилида нашр этилди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг “Миллий ашулалар” тўпламида “Миллат деганларнинг оқар кўз ёши” деб бошланадиган етти бандлик мухаммасини: “Эски Хоразм оҳангида бир ашуладир, Увайс ал-Қаран оҳангида бир ашуладир. Аслида бу оҳангни Вайс ал-Қаран ашъорини

мактабда айтувчилардан олинмишдир” деб баҳо беради¹. Бу хабарга кўра Хоразмда азалдан Увас Қараний ҳақида кўшиқлар, ашулалар айтиб юрилган, мохир гўяндаларнинг дастурларида Увайс Қараний ҳақидаги қиссалар ҳам жой олган.

Биз ушбу рисоламизда аввалги нашр этилган ишларга кўшимча равишда мазкур манбаларни ўрганиб, кўлимизга келганларини Сиз азизлар билан баҳам кўрмоқчимиз. Изланишлар давомида Увайс Қаранийнинг ўзлари ёзган қасидалари ҳам топилди. Уларни ҳам кўлингиздаги ушбу китобчада ўқишингиз мумкин.

Ҳамидулла АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, ЎЗР ФАШИ илмий ходими
Жўрабек ЮСУПОВ,
Тошкент ислом университети битирувчиси

¹ ЎЗР ФА ШИ тошбосмалар фонди, №7628. 6-7бетлар.

УЛ КИШИНИНГ НАСАБЛАРИ

«У зот тобеъинларнинг қибласи, чилтанларнинг пешвоси, пинхоний куёш, Раҳмон нафасидир», деб Фаридиддин Аттор томонидан мадҳ қилинган Султон Увайснинг тўлиқ исми **Сухайл ибн Омир Қараний**дир. Аттор унинг исмини Сухайл Яманий – Увайс Қараний дейди. (Лекин бу **сухайл юмно** – баракотли юлдуз деган мактов ҳам бўлиши мумкин). Манбаларда у зотнинг боболарини Қаран ибн Румон ибн Ноҳия ибн Мурод дейилиб, у зот Яман ўлкасининг Қаран шаҳри пастроғида жойлашган Муродий қабиласидан эканлиги айтилади.

Бир улуғ зотни кўрмасдан, ундан рухий таълим олган бузрукни Увайс (хоксор, камтар кимса) дейилади. Бу лақаб илк бора Пайғамбаримиз (с.а.в.) томонларидан мазкур зотга берилган эди. Бу ҳақда Алишер Навоий «Насойим ул-мухаббат» асарида шундай дейди: «... Ва Ҳазрати Рисолат (пайғамбаримиз)ни кўрмабдур эрди ва ул ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи била кўрмабдур эрдилар. Маъни ва руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин, ҳар кишинингки, бу тоифадин зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи они тарбият қилғон бўлса, они Увайсий дерлар».

Ул зотнинг Султон дейилишига сабаб, авлиёлар султони, аълоси бўлганлар. Чунки, ул зотни Пайғамбаримизнинг ўзлари «Тобеъинлар яхшиси» деб зикр қилганлар.

Қараний ва Яманий сўзлари эса ул зотнинг туғилган жойларига нисбат. «**Қорайнин**», «**Қорайин**», «**Қарн**» деб келтирилиши хатодир. Чунки, Жавҳарийнинг «Қомус»ида айтилишича, Увайс «Қаран» «ро» ҳарфининг «фатҳа»си билан бўлган жойда туғилган. «Қарн» эса «ро»нинг «суқун»и билан бўлган қишлоқ номи бўлиб, ҳожилар эҳром боғлайдиган жой (мийқот) номидир. Баъзи манбаларда ҳам бу икки жой алмаштирилиб келтирилган. Аслида Қарн ҳозирги Саудия Арабистонига қарашли катта қишлоқ номидир. Ҳожилар Маккага ҳаж учун борганларида у ерда тўхтаб, эҳромларини кийиб оладилар. Увайс Қараний эса Яманда туғилганлар. Бинобарин, унинг туғилган жойини чалкаштирмаслик керак.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, Султон Увайс бобо туғилган шаҳар ва қабила номи у зотнинг боболари номига қўйилган, демак у зотнинг шажараси бадавлат ва обрўли бўлган.

УЛ КИШИНИНГ ТУҒИЛИШЛАРИ

Султон Увайс бобо тарихини ёритган биздан олдинги муаллифлар унинг туғилган йилини меърож воқеасига боғлаб, хижратнинг учинчи йили (625 мелодий йил) деб кўрсатганлар. Аслида меърож воқеаси Муҳаммад Ҳузарийнинг «Нур ул-яқин», Собит хожи Маккийнинг «Сийрати Хотамин Набийийн» асарларида кўрсатилишича, хижратдан бир йил олдин, яъни 621 мелодий йилга тўғри келади. Демак, Султон Увайс бобонинг туғилган йили 625 йил эмас, 621 йил бўлиб чиқади.

Увайснинг туғилиши ҳақида бир ривоят келтирилади: Пайғамбаримиз (с.а.в.) меърожга чикқанларида Аллоҳ таолодан бир дўст тилаганлар. Шунда Парвардигор Пайғамбаримизга Султон Увайсни беришини башорат қилган.

Аввалига биз ҳам шу фикрга қўшилган эдик. Аммо, кейинчалик топилган бир қиссада Увайс Қараний тилидан мана булар хитоб қилинади:

Вайс айди: “Кўтармасман бошимни,

Йўлингда ўткариб етмиш ёшимни.

Тилогон йўк эрдим сандин, илоҳи.

Ўтарсан эмди умматни гуноҳи.

Увайснинг вафот йиллари бир мунча аниқ. Демак, шунга караганда, Увайс Қараний меърож воқеасидан анча олдин туғилган бўлиб чиқади. Мустафо Нажотийнинг рисоласида ҳам Увайсни анча ёши улуғ қилиб тасвирланади.

«Тазкират ул-авлиё»нинг Ҳиндистонда чоп қилинган форсий нусхасида: «Пайғамбаримиз баъзан муборак юзларини Яман тарафга қаратиб: «Мен Парвардигорнинг раҳмат насимини Қаран тарафдан сезаяпман»,— дер эканлар»,— деб зикр қилинган.

Хожа Муҳаммад Порсо устози, пири муршиди Баҳоуддин Нақшбандий айтган гапларни тўплаб “Қудсийя” номли рисола

ёган. Унда айтилишича, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари бундай деган эkanлар:

“Увайс Қараний (р.а.)нинг руҳониятига таважжуҳ асари унинг зоҳирий ва ботиний алоқалардан тамоман холи ва мутлақ узилишига сабаб бўлди”².

Фаридиддин Аттор ривоят қилишича Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат этганлар: «Қиёмат кунида Худойи Таоло Увайс суратида 70 минг фаришта яратади. Увайс уларнинг орасида Аросатга келиб жаннатга киргай, ҳеч кимса уни танимас». Чунки у зот дунёда махфий ибодат қилганлар. Сахро ва ўрмонларда тоатга машғул бўлганлар, шуҳратни ёмон кўрган. Шунинг учун охиратда ҳам Парвардигор уни ниятига яраша машхурликдан асраб, ҳеч кимсага билдирмас.

Султон Увайс тўғрисида ҳадисга бағишланган «Мишкот» асарида Имом Муслим ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда бундай дейилган: «Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинадикки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай марҳамат қилганлар: «Сизларнинг олдингизга Ямандан бир киши келади, унинг исми Увайс. У онасисиз Яманни тарк қилмайди. У кишининг юзларида оқ холлари бўлиб, аммо у касаллик аломатидан эмас эди. Кимки унга йўликса, ундан ўзига истиғфор, мағфират сўрашини (яъни дуо қилишни) илтимос қилсин».

Яна бир ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

«Албатта, тобеъинларнинг (саҳобаларни кўрган кишилар тобеъин дейилади) яхшиси бир кишидурки, у Увайсдир. Унинг фақат онаси бор эди. Бас (у билан учрашсанглар), ундан илтимос қилингки, сиз учун истиғфор сўрасин».

Пайғамбаримизнинг ушбу тавсияларига биноан Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Али Увайс Қаранийни зиёрат қилганликлари манбаларда келтирилган. Бир шоир бунни мохирона тасвирлайди:

Он кас зи мадҳи у чу шавад мухбираш набий,
Бар тавфи у равад Ҳазрати Форук бо Алий.
Аз мадҳи у чи нависад қаламки уст,
Фоний ба-зоти ҳақ шудаи бегумон валий³.

² ЎзР ФА ШИ кулёмалар фонди, №3644. 126-13а варақлар.

³ ЎзР ФА ШИ кулёмалар фонди, №5810.

Мазмуни: Унинг мадҳидан Пайғамбар алайҳиссалом хабар бергувчи бўлса, Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Алидек зотлар бирга унинг зиёратига келса, шаксиз, Ҳақ йўлда фоний бўлган бу авлиё ҳақида, унинг мадҳида қалам нималарни ҳам ёза оларди!

Баъзи манбаларда Увайс Қараний масжиддан чиқмайдиган обид сифатида тасвирланса, баъзиларида у саҳронишин кимса сифатида талкин қилинади. Баъзи ривоятларда у ҳамма, ҳатто амакисининг ўғли ҳам масхаралаб куладиган, болалар тош отиб ўйнайдиган дали-девона кимса деб тасвирланса, баъзида яхши кийиниб юрадиган, халққа араллашиб, уларнинг хизматини қиладиган солиҳ инсон сиймосида кўрсатилади. Аксар ҳолларда чўпон одам сифатида тасвирланади.

Султон Увайс Қараний бобомизнинг Қадим Хоразм тупроғига келганлиги тўғрисида аниқ маълумотларни учратмадик. Лекин Ҳазрати Умар ҳаммадан сўраб суриштиравергандан кейин ва Ҳазрати Али билан келиб хирқаи шарифни топшириб кетганларидан кейин машҳур бўлиб кетдим деб, шухратдан қочиб, ўз юртидан чиқиб кетганлигини манбалар таъкидлайди.

Ривоятларда Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Алининг хирқаи шарифни топшириш учун келганда Увайс билан учрашуви ўз туғилган қишлоғида ёки Кўфа шаҳрида бўлганлиги ихтилофли тарзда тасвирланади. Лекин халқимиз бу табаррук учрашув Қорақалпоғистон худудида Султон Увайс бобо тоғида юз берган дейди ва тоғдаги баланд қояни Султон Увайс Аллоҳга муножот этган жой ҳисоблаб, «Муножот тоғи» деб ихлос қилишади.

Демак, Султон Увайс бобомиз машҳурликдан қочиб, ўз шаҳридан кетиб, бир оз Кўфа шаҳрида яшаб, кейинчалик Хоразмга келган бўлиши мумкин.

УЛ КИШИНИНГ ИБОДАТЛАРИ

Султон Увайс бобомиз Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламни кўрмаса ҳам у зотга ниҳоятда ошиқ, у зотнинг суннатларини маҳкам ушлаган, шариатига мутлақ бўйсунган зотлардан бири бўлган. Абдулҳай Лакнавий Султон Увайс бобомизнинг ҳар куни минг ракъат намоз ўқиганлигини ёзади. Баъзи ривоятларда Увайс Қаранийнинг (икки марта) ҳаж зиёратига борганлиги ҳам айтилган. Султон Увайс бобомизнинг ўқиган (ва ўқишга тавсия қилган) бир намози ҳам ўзлари ёзган икки қасидасини кейинги саҳифаларда ўқийсиз.

Фаридуддин Аттор шундай ёзади: Ҳазрати Раббий деган шайх нақл қилур: «Ҳавас қилиб Увайсни кўргали бордим. Зуҳо намозини ўқир эди. Намоздан фориг бўлгач, тасбеҳ ила машғул бўлди. Тамом бўлиши билан салом бераман, дедим. Ҳеч бир томонга қарамасдан пешин намозини ўқиди. Шундай қилиб, уч кун кутдим. Узлуксиз намоздан фориг бўлмади, ҳеч нарса емади, ичмади, ухламади. Тўртинчи кеча муножотини тингладим. Ҳақ Таолога (бундай деб) ёлворар эди:

– Илохи, кўп ухлар кўздан ва кўп еяр қориндан ўзингдан паноҳ тилайман!

Бу сўзларни эшитиб, менга шу ўғитлар етгайдир, дедим».

Увайс Қараний бирон кеча тўйиб ухламаган. Кеч тушиши билан бу кеча қиём кечаси, бошқа кеча рукуъ кечаси, бошқа кеча сажда кечаси деб ибодатдан бош кўтармас эканлар.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламни жуда севганлиги учун Уҳуд тоғидаги кофирлар билан бўлган жангда ул зотнинг муборак тишлари синганлигини эшитиб, Султон Увайс бобомиз ҳам ўз тишларини синдиради. Алишер Навоий айтганидек: «Ҳар бириники ушотур эрди, дер эрдик, шояд бу тиш эрмас эрди экин. Яна бирини ушотур эрди. То мундоқ қилиб барча тишларини ушотти». Халқимиз бу воқеани ҳам ўз диёримиз билан боғлаб, Муножот тоғидаги қизил доғларни Султон Увайс бобомизнинг тишларини синдирганида оққан қоннинг излари, деб эътиқод қилади.

Бу Пайғамбаримизнинг ҳаётларига, зоҳир ва ботинларига ўзини мувофиқ қилишнинг юксак намунаси эди.

Яна Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан Уккоша деган саҳоба ўртасида бўлиб ўтган воқеага ҳам Султон Увайс бобони

боғлашади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охирларида: «Кимнинг менда ҳаққи бўлса олсин», дейдилар. Уккоша ул зотнинг орқаларидаги муҳри нубувватни кўриш мақсадида: «Менда бор. Мени бир жангда қамчи билан урган эдингиз» деб, Пайғамбаримизнинг кийимларини ечтириб муҳри нубувватни кўрган экан. Чунки, муҳри нубувватни кўрган одамни дўзах ўти куйдирмаслиги ҳақида саҳих ҳадисларда айтилган. Бундай йўл тутиш беадабона иш бўлганидан Султон Увайс бобомиз эшитиб, Уккошадан жуда газабланган эканлар.

УЛ КИШИНИНГ ВАФОТЛАРИ

Султон Увайс бобомиз 656 мелодий йилдаги Ҳазрати Али билан Ҳазрати Муовия ўртасидаги ихтилоф сабабли чиққан жангда Ҳазрати Али тарафида туриб иштирок қилади. Бу баъзилар айтганидек, кофирлар билан бўлган жанг эмас, балки ислом тарихида мусулмонлар орасидаги энг биринчи фитна эди. Бу аянчли воқеа Шомнинг Сиффин (Суфён ёки Сафин эмас) деган ерида юз берган. Ушбу жангда Султон Увайс бобомиз шаҳид бўлади.

Фаридуддин Аттор Увайс Қаранийнинг вафот қилган йили ҳақида шеърини тарих ёзиб қолдирган:

Умдаи авлиё, Увайси Қаран,
Кудваи даҳр, муқтадои заман.
Соли нақлаш ба-иттифоқ бихон:
«Ҳайф ҳодий бурун шуда зи жаҳон».

Мазмуни: Авлиёлар устунни Увайс Қараний давроннинг пешвоси, замонанинг раҳнамосидир. Унинг оламдан кетган вақтини шундай ўқи: «Ҳайф, ҳодиймиз жаҳондан чиқиб кетди».

Бу ерда «ҳодий» сўзини абжад ҳисобидаги миқдорини чиқариб, «жаҳон» сўзининг миқдоридан айириб ташласак, Султон Увайс бобомизнинг вафот қилган йиллари келиб чиқади. «Ҳодий» сўзи абжад ҳисобида 20 рақамига тенг. «Жаҳон» сўзи эса 59 рақамига тенг. 59 дан 20 ни чиқариб ташласак, 39 қолади. Бу Султон Увайс бобомиз 39 ҳижрий йилда вафот қилганлигини билдиради.

Лекин Султон Увайс бобомизнинг туғилган йили сингари, вафот қилган йили ҳақида ҳам фикрлар турличадир. «Сафинат ул-авлиё» китобида Увайс Қаранийни 643 м. 22/28 майда ўлган, бир ривоятда 37 х. /657-58 м. йилда вафот қилган дейилади. Баъзи манбаларда у зотнинг вафоти йилини 22 ҳижрий (643 м.) йил дейилган бўлса, Сомийнинг «Қомус ул-аълум» (Истанбул, 1889-1899) асарида 38 ҳижрий (659 м.) йил деб кўрсатилган. Сомий яна Султон Увайс бобо қабрини Шомнинг Сўфа деган ерида, деб ёзади. Баъзи ривоятга қаралса, у зотнинг қабри Суриянинг Сибон шаҳрида эмиш. Суриянинг Раққа шаҳрида ва Туркияда ҳам Султон Увайс бобомизнинг қабрлари борлиги маълум. Баъзи ривоятларда уни Озарбойжонга дафн қилинган, деб зикр этилади. Яна Ўзбекистонда Наманганда ҳам Султон Увайс бобомизнинг қабри бор.

Бироқ, аксар манбалар Увайс Қаранийнинг Сиффин жангида шаҳид бўлганлигини таъкидлайди. Сиффин жанги эса, 37 ҳижрий йилда бўлиб ўтган. Аммо, Сиффин воқеаси учга бўлинади: 1) Жамал воқеаси – Пағамбаримизнинг аёллари Ойиша онамиз билан Ҳазрати Али ўртасидаги келишмовчилик. 2) Шомда Ҳазрати Муовия билан Ҳазрати Али ўртасида бўлиб ўтган Сиффин воқеаси. 38 ҳижрий йилда бу икки саҳобани келиштириб қўйиш мақсадида ҳакамлар муҳокамаси бўлиб ўтади. 3) Шундан кейин Исломда ажралиб чиққан биринчи оқим – Хаворижлар хуружи бошланади. Бунинг натижасида Ҳазрати Али ҳам шаҳид қилинади. Султон Увайс бобомизнинг вафот қилиши, Атторнинг кўрсатишига қараганда, Хаворижлар хуружи пайтига (39 х./660 м.) тўғри келади.

Баъзи ривоятларда Султон Увайс бобомиз 93 ёшида вафот қилганлиги айтилади. Бу ва бунга ўхшаш ёшининг катталигини кўрсатадиган ривоятлардан Султон бобо меърож воқеасидан олдин таваллуд қилган, деган гап чиқади.

Халқ орасида юрган ривоятларда айтилишича, шаҳид бўлган Увайс Қаранийни Хоразм тупроғига дафн қилишни Ҳазрати Али кўрсатма берган эканлар.

Ривоятларда айтилишича, шаҳид бўлган Султон Увайс бобомизнинг жасадини мусулмон давлатларининг бошлиқлари беҳад ҳурматлари сабаблик ўз мамлакатларига олиб кетмоқлик учун бир-бирлари билан тортиша бошлайдилар. Шунда ҳазрати Али орага тушиб, бир кун муҳлат сўраб баҳсга чек қўяди. У

кечаси тушида Пайғаримиз (с.а.в.)ни кўради, гўёки ул ҳазратнинг қўлларида Султон Увайснинг кесилган боши бўлиб, уни жаноби Расулulloҳ (с.а.в) силаб ўтирган бўладилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Султон Увайснинг ватани Хоразмдур, уни шу ерга дафн этинглар, дейдилар.

Эрталаб ҳазрати Али уйкудан туриб, подшоҳларга буюрадики, барчангиз тобут ясанглар, еттита подшоҳ буюриб тобут ясатади. Пайғамбаримиз (с.а.в) мўъжизаси ҳамда ҳазрати Алининг каромати туфайли уларнинг кўзига Султон Увайс бобомизнинг жасаdlари кўринади. У зотнинг ҳақиқий жасаdlари эса Хоразм мамлакатига жўнатилади.

Бу ривоятни ўқиган баъзи тарихчи олимларимиз шубҳаланиши мумкин. Чунки, Ислom дини Хоразмга, умуман Мовароуннаҳрга 712 мелoдий йилдан кейин Қутайба томонидан кириб келганлиги тарих китобларида зикр қилинади. Бу воқеадан 50–60 йиллар аввал зардушт динида бўлган Хоразм халқи ва унинг подшоҳи Султон Увайс бобо жасадини талаб қилмаган, албатта. Лекин араблар бу юртга бостириб келмасдан қанча йиллар аввал ўз мусулмон вакилларини юборган эди. Уларга шу юртларда Ислom динини тарғиб қилиш ва халқни мусулмончиликка тайёрлаб туриш вазифаси юклатилган эди. Зеро, Ҳазрати Усмон халифалиги давридаёқ бизнинг ўлкаларга қизиқиш кучайган эди. Ана шу вакиллар қаторида Султон Увайс бобомизнинг ўзлари ҳам келган бўлиши мумкин. У зотнинг жасадини мана шу мусулмон вакиллар Хоразм тупроғига олиб кетиш учун талаб қилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Узоқдаги араб диёрларидан Увайс Қаранийнинг жасади келтирилгунча чириб кетмаганини кароматга йўйиш мумкин. Нима бўлганда ҳам Қорақалпоғистон республикаси Беруний тумани заминида (Қадимий Хоразм худудида) Султон Увайс тоғи мавжуд, бу жойда Султон Увайс номи билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳ вужудга келган.

УЛ КИШИНИНГ МАҚБАРАЛАРИ

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ буйруғига биноан Султон Увайс дафн этилган жойда катта мақбара қурилади. Аммо, Чингизхон томонидан Хоразмга қилинган босқин туфайли 1221 йилда бу мақбара вайрон қилинади. Хоразмшоҳ қурдирган мақбара Чингизхон давридан кейин ҳам ярим вайрона ҳолатда сақланиб қолган. «Қарақалпақстандаги муҳаддес орўнлар» (Нокис–1994) китобида айтилишича, бу ҳақдаги маълумотларни граф Воронцовнинг архив дафтарида учратиш мумкин.

1800 йили Султон Увайс бобо зиёратгоҳида бўлиб, уни харитага туширган инженер Величко мақбара-масжиднинг бор эканлигини эслаб ёзади. Демак, XVIII-XIX асрларда ҳам ўша Хоразмшоҳ қурдирган масжид-мақбара қолдиқлари сақланиб қолган экан.

Орадан қарийб 600 йил ўтгандан кейин Хива хони Элтузархон томонидан 1805–1806 йилларда мазкур мақбара қайта тикланади. Аммо, Хоразмда бўлган қаттиқ zilзила ва сув тошқинлари туфайли у қулаб тушади.

Академик С.К.Камолов, Ж.Бозорбоев ва Г.П.Снесаревнинг кўрсатишига қараганда, ушбу воқеадан кейин орадан 30 йил ўтгач, Муҳаммад Раҳимхон I нинг ўғли Оллоқулихон 1836–1838 йилларда мақбарани қайта тиклайди. Оғзаки ривоятларда айтилишича, Оллоқулихон шахзодалик пайтида Оренбургда таълим олган (аслида, у ҳеч қачон Оренбургда бўлмаган). У таҳсилни тугаллаб, Хивага қайтаётганда, Султон Увайс тоғида дам олади, шу жойда у бир туш кўради. Тушида Султон Увайс бобомиз унга айтадиларки, сен юртингга боргач, бир ҳафтадан кейин хон бўласан. Оллоқулихон ўрнидан тургач, шу ерда чўпонлик қилиб юрган одамдан: «Бу ерларда қандай хосият кўрдингиз»,– деб сўрайди. Чўпон: «Менинг отам ҳам бу ерларда чўпонлик қилган, у бу жойда Султон Увайс деган бузрукнинг мақбараси бўлганлигини айтар эди. Мен ҳам бу ерларда 20 йилдан кўпроқ чўпонлик қилиб юрибман. Ҳақиқатдан ҳам кўйларим бир жойни ҳеч ҳам босишмайди, нуқул айланиб ўтишади»,– дейди. Оллоқулихон ўша жойни кўрсатинг, дейди ва кўйларни ўша тарафга қараб ҳайдашини буюради. Ҳақиқатдан ҳам ўша жойга

келишганда, кўйлар айланиб ўта бошлайдилар. Оллоқулихон ўша табаррук жойни белгилаб кўяди. Бу ўша зилзила ёки сув тошқинида вайрон бўлган мақбара ўрни эди.

Оллоқулихон Хивага келгач, Муҳаммад Раҳимхон I вафот этади ва халқ уни хон қилиб кўтаради. Туши ўнг келганини кўрган хон буйруғига биноан Султон Увайс бобомиз шарафига мухташам нақшинкор мақбара қурилади бошланади. Лекин орадан бир оз муддат ўтгач, Оллоқулихон яна туш кўради. Тушига Султон Увайс бобомиз кириб шундай дейди: «Мен бир оддий одамман, умр бўйи камтар, хоксор яшадим. Шунинг учун одамларга айт, менинг ўзимга яраша камсуқум мақбара курсинлар». Шундан кейин Оллоқулихоннинг амрига мувофиқ бизгача етиб келган мақбара барпо этилган. Оллоқулихон бу мақбарани курдиришдан аввал Хоразм халқини чақириб, ўша ерда катта сайл байрам уюштиради. Султон Увайс бобога яқин жойда «Чилпиқ» деган тепалик бор. Бу аслида «Чилпу(ф)»– «Қирк сурнайчи» бўлиб, сайл пайтида бу тепаликда сурнай ва карнайчилар халқни сайлга – ҳашарга чорлашган эмиш.

Мақбаранинг бош меъмори ва устаси Вали ота Хоразмий эди. Қари отахонларнинг айтишига қараганда, у мақбара ғиштларини Султон Увайс бобога яқин (7км.ча) Амир тўба деган жойда (қизил жангал олови ёрдамида) пиширтирган. Пишган ғиштларнинг устидан от-арава юргизиб, пишиқлигини синаб кўрган. Синовдан ўтган ғиштларни мақбара қурилишига ишлаттирган.

Мақбаранинг ташқари эшигига ушбу сўзлар ёзилган:

Соҳт ин қор ба лутфи қарим,
Усто Худойберган бин Муҳаммад Раҳим.

Маъноси: Муҳаммад Раҳимнинг ўғли уста Худойберган қароматли зотнинг (Аллоҳнинг) лутфи билан бу ишни қилди (яъни, эшикни ясади). (Ҳозирги кунда ушбу устанинг авлодлари Беруний туманида, Бийбозорда яшашади).

Бу дайр бангин айлаган эҳтимом,
Чу тарих солида қилди тамом.
Набий ҳижратидин ўтуб эрди, эй туз,
Минг олтмиш тўрт билан икки юз.

Байтдаги бу санадан 1848 мелодий йил келиб чиқади. Хонақоҳ эшигига эса 1271 ҳижрий (1854 мелодий) санаси ёзилган бўлса, (агар бу рақамни 1221 ҳижрий деб ўқилса, унда 1806 мелодий йил келиб чиқади), мақбаранинг ичкари эшигига 1279 х./1862 м.(агар буни 1229 х. деб ўқилса, унда 1813 м. йил келиб чиқади) йили кўрсатилган. Демак, мақбаранинг ўзи Оллоқулихоннинг даврида қурилгани билан унинг эшиклари кейинги даврда қурилганлиги англашилади ёки Оллоқулихон мақбарани янгидан солдирмасдан, балки Элтузархон солдирган мақбарани қайта таъмирлатган, деган хулоса чиқади.

Султон Увайс мақбараси яқинида яна усто Вали ота мақбараси бор. Аслида Вали отанинг асл номи Вали оталиқ бўлиб, у Элтузархон ва ундан олдинги хоннинг даврида оталиқ лавозимида катта мансабда бўлган. У асли шовотлик бўлиб, шаҳзодаларга оталиқ қилган. Вали оталиқ Элтузархон даврида қурилган мақбара қурилишига раҳбарлик қилган ва шунда Султон Увайс мақбараси ёнида ўзига ҳам мақбара қурдирган. Лекин ўзи у ерга дафн қилинмаган. Сабаби 1806 йил Хоразм лашкарлари Элтузархон раҳбарлигида бухороликлар билан Шоббоз ҳудудида (Симота мавзеида) жанг олиб борадилар. Жангда хоразмликлар енгилди. Қоча-қочда Элтузархон ўз аъёнлари билан кемада Амударёдан ўтаётганда барчалари сувга ғарқ бўлишади. Булар орасида Вали оталиқ ҳам бор эди. Ғарқ бўлганларнинг жасадлари топилмаган, албатта. Шунинг учун Вали оталиққа ўзи қурдирган мақбарага дафн қилиниш насиб қилмаган.

Султон Увайс бобомизнинг ходими деб аталадиган Абдуллоҳ Яманийнинг мақбараси ҳам бор. Мақбараси энг баландда жойлашган Абдуллоҳ Яманийни Увайс Қараний ҳазратлари «Чинорим» деб эрқалар эканлар. Шунинг учун бу мақбара Чинор бобо мақбараси деб аталади. У Увайс Қаранийнинг шогирди бўлиб, унга холис хизмат қилар ва буни беъминат ишлар эди.

Яна Султон Увайс мақбарасига яқин жойда Шайиммат охун (Шайх Муҳаммад охунд Хоразмий) мақбараси ҳам бор бўлиб, у зот (тахминан XIII асрлар бошларида) Хоразмда етук мударрислардан бўлган экан. Хоразмда авлиёлар қабри атрофида қирқ таноб ергача масофада қўмилган ҳар қандай инсонни ушбу авлиё ҳурматида мағфират қилинади, деган

эътикод юради. Шайиммат охунд ҳам Хива хонидан ер сўраб олиб, ушбу жойга дафн қилинишини васият қилиб кетган эканлар. Бу мақбаралар ҳам Султон Увайс бобо мақбараси билан бир вақтда қурилган.

Яна Занги ота мақбараси ҳам Увайс Қараний қабристони худудида мавжуд. Занги отанинг ҳақиқий мақбараси Тошкентда эканлиги барчага маълум. Бу жой эса Занги отанинг қадамжоси бўлса ажаб эмас. Зотан, Занги отанинг Хоразмга келганлигини барча манбаларда зикр этилади.

Султон Увайс бобо мақбараси жуда чиройли, маҳобатли қилиб, баланд жойда бунёд қилинган. Собиқ мустабид тузум даврида олтиндан ясалган қандил, олтин суви юритилган панжара олиб кетилган. 1932 йилда гумбази устига қўйилган олтин кубба ҳам ўша давр ҳукуматининг номаълум кишилари томонидан олиб кетилган.

Мустақиллигимиз шарофати билан Султон Увайс бобо зиёратгоҳида жуда катта ишлар қилиниб, ободонлаштирилмоқда. Ушбу даргоҳда зиёратчилар ўтирадиган бинолар қурилди, ичимлик суви билан таъминланди, электрлаштирилди. Янги мажмуа қурилиши давом этмоқда. Янги, маҳобатли, чиройли масжид барпо этилиб, мусулмонлар ихтиёрига топширилди.

СУЛТОН УВАЙС БОБОМИЗНИНГ ҶУҚИГАН НАМОЗИ

Кўпчилик Султон Увайс бобомизнинг табаррук қабрларини зиёрат қилар экан, кўнглида ўзининг орзу-истаклари амалга ошишини истайди. Аллоҳ таолодан, қолаверса, Увайс Қаранийни васила қилиб, беморлар касалликларига шифо, бепарзандлар фарзанд, иши юришмаганлар ишлари юришиб кетишини, хуллас, ҳар ким ўз нияти ижобат бўлишини сўрайди.

Кимнингки кўнглида ҳар қандай нияти бўлиб, бу азиз даргоҳга келса, фақат куруқ зиёрат қилиб кетавермасдан, улуғ авлиё ўқиган намозни ўрганиб, яхши ният билан ўқиса, кўнглидаги ниятлари рўёбга чиққай, иншааллоҳ.

Увайс Қараний ҳазратлари дуолари ижобат бўлиши учун бир намоз ўқиганлар ва бошқаларга ҳам тавсия қилганлар. Биз қуйида Султон Увайс бобомиз ўқиган ўша намоз тартибини «Канз ул-ибод» китобининг 389-саҳифасидан келтирамиз:

«Увайс Қараний ҳазратларининг ўқиган намозларини Ражаб ойининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи кунлари ёки ўн учинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи кунлари давомида уч кун кетма-кет ўқилади. Ушбу намоз уч салом билан ўн икки рақъатдир. Ким ушбу намозни ўқишни хоҳласа, чоштгоҳ вақтида ғусл қилиб покланади ва тўрт рақъат намоз ўқийди. Зам сурага хоҳлаган сураларни қўшади. Саломдан кейин етмиш марта Ла илоҳа иллаллоҳул маликул ҳаққул мубийн. Лайса камислиҳи шайъун ва ҳувас-самеъул басийр дуосини ўқийди. Кейин яна тўрт рақъат намоз ўқийди. Ҳар рақъатига Алҳамду бир марта, Изажоа сураси бир мартадан ўқилади. Саломдан кейин етмиш маротаба Иннака ақво мубийн ва аҳдо далил, бихаққи ийёка наъбуду ва ийёка настаъийн дуоси айтилади. Кейин яна тўрт рақъат намоз ўқилади. Ҳар рақъатига “Алҳамду” бир марта, Ихлос сураси уч марта ўқилади. Саломдан кейин “Аламнашроҳ” сураси етмиш марта ўқилади. Кейин қўл кўтариб, неки нияти бўлса, Аллоҳдан Увайс Қаранийни васила қилиб сўралади. Кимки ушбу тартибда ўқиса, қўлларини туширмасдан туриб хожатлари раво бўлади».

Ушбу намозни «Султон Увайс бобомиз ўқиган тўрт рақъат нафл намози» деб ният қилинади.

**УЛ КИШИНИНГ ПАЙҒАМБАР
АЛАЙҲИССАЛОМГА АЙТГАН САЛОВАТ
ҚАСИДАЛАРИ**

ЎЗР ФА ШИ инв №3602-3603. Босма “Мажмуа”
Кониपुर: “Разақий” матбааси, 1323 ҳ. 53-56 бетлар

Бу Увайс ал-Қоранийнинг мадиналик пайғамбар
Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган
саловат қасидаси:

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Солли, ё Раб, ғало раъси фариқи-н-нос,
Минху лил-холқи амонун би-замони-л-бос!

(Ё Раб, одамлар гуруҳининг боши бўлган зотга
саловат айт! Ноумидлик вақтида Ул зотдан халқ учун омонлик
бор!)

Солли, ё Раб, ғало ман ҳува фий ҳарри ғодин,
Куллу ман язмау ясқиҳи раҳиқи-л-кос!

(Ё Раб, эрта (киёмат) иссиғида ҳар бир чанқаган
кимсага қадаҳда тўлатилган жаннат шарбатидан бериб
кондирадиган зотга саловат айт!)

Солли, ё Раб, ғало ман би-рижои-л-карам,
Хосса ман жоъа илайҳи ли-умуми-н-нос!

(Ё Раб, умуминсоният учун карам умиди ила хос
бўлиб келган зотга саловат айт!)

Солли, ё Раб, ғало мунису кулли-л-башар,
Мубаддил ул-вахшати фил-қобри би-истийнос!

(Ё Раб, қабр ичида улфат бўлиши ила ваҳшатларни
(қувончларга) ўзгартирувчи барча башариятнинг мунисига
саловат айт!)

Солли, ё Раб, ғало руҳи раиси-р-русул,
Нақтадий наҳну ғало аржулиҳи бир-рос!

(Ё Раб, пайғамбарлар раисининг рухига саловат айт! Биз ул зотнинг оёқларига бошимиз ила иктидо этурмиз!)

Солли, ё Раб, ьало зий ниъамин доиматин,
Анъамал явма аълал холки би-ло микёс!

(Ё Раб, ўшал кунда халойикқа ўлчовсиз неъматлар берадиган доимий неъматлар соҳиби бўлган зотга саловат айт!)

Солли, ё Раб, ьало соҳиби шаръин ҳасан,
Фаррақа-н-носа мато жоа мина-н-наснос!

(Ё Раб, қачон наснос шайтондан бирор нарса келса, одамларга (яхши-ёмонни) ажратиб берадиган чиройли шариат соҳиби бўлган зотга саловат айт!)

Солли, ё Раб, ьало зий карамин умматах,
Тадхулу-л-жанната фил-ҳашри би-ло васвос!

(Ё Раб, умматига (беҳад) карамли, саховат соҳибига саловат айт! Маҳшаргоҳда уммати васвасаларсиз жаннатга кирур)

Солли, ё Раб, ьало ман хува лавлоху камо,
Яшмулу-н-номияту-л-кавна маъа-л-ханнос!

(Ё Раб, шундай зотга саловат айтгинки, ул зот бўлмасалар коинотни ханнос номли шайтон билан (ифлос) шиш ва ғурралар қуввати камраб олган бўларди!)

Солли, ё Раб, ьало ман хува мин исматиҳи,
Яъсиму-л-Ҳаққу муҳиббиҳи ва мин ал-ханнос!

(Ё Раб, шундай зотга саловат айтгинки, ул зотнинг маъсумлигидан Ҳақ таолонинг муҳибларини (гуноҳдан ва шайтондан ўзи) асрагай!)

Солли, ё Раб, ьало ман хува ман ьода биҳи,
Лам тасил қатту илайҳи ядаи-л-васвос!

(Ё Раб, шундай зотга саловат айтгинки, ким ул зотга қайтса (тавба қилса), ҳаргиз унга васвасалар қўли етмайди)

Солли, ё Раб, ьало ман хува мин бориқатин,
Ас-сайфи код азҳаба катаъа-н-басару-ш-шаммос!

(Ё Раб, ҳақиқатдан ҳам Шаммос – ғайридин руҳонийларнинг кўзи (диний) қиличи ялтирашидан мутлақо кетган (кўр бўлиб қолган) Зотга саловат айт!)

Солли, ё Раб, ғало соҳиби навъи-ш-шараф,
Маййаза-н-носу биҳи-л-фасла мин ал-амнос!

(Ё Раб, шарафнинг (барча) турларининг соҳибига саловат айт! Одамлар ул зот сабабли жинслардан турларни ажратар эди)

Солли, ё Раб, ғало ман ин-наҳили-л-карам,
Фий Риёзи-л-умами-л-явма лано-л-ғаррос!

(Ё Раб, саховату карам дарахти бўлган зотга саловат айт! Бул кунда (ул зот) бизлар учун уммат боғларидаги ҳақиқий боғбондир)

Солли, ё Раб, ғало ман би-ғинои-л-карам,
Мин буюти-л-фуқарои язҳабу бил-ифлос!

(Ё Раб, (ўзининг) саховат бойликлари ила фақирлар уйларидан қашшоқликни, хонавайронликни кетказадиган, супуриб йўқ қиладиган зотга саловат айт!)

Солли, ё Раб, ғало ьитратиҳи-т-тоҳира,
Ва ғало-с-саҳби маъа-л-Ҳамзати вал-Аббос!

(Ё Раб, ул зотнинг покиза авлодлари (аҳли байтларига) ва Ҳамза-ю Аббос билан бирга (барча) саҳобаларига саловат айт!)

Солли, ё Раб, ғало ман ли-Увайсин минҳу,
Таҳура-л-қолабу вал-қалбу мин ал-аднос!

(Ё Раб, улардан бўлган Увайсга ҳам саловат айт! Токи, гуноҳ кирларидан қалбу баданлар пок бўлсин!)

ОШИҚЛАРНИНГ РАИСИ УВАЙС АЛ-ҚАРОНИЙ (ҚУДДИСА СИРРУҲУ)НИНГ АВРОДИДАН БИР ҚИСМ

(Ушбу аврод Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал-Бурсавийнинг “Авроди Қуръоний” китобида келтирилган. Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Баҳриддин ибн Сафар ан-Нурий. -Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2005. 274-275 бетлар)

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

Илоҳий, анта-р-роббу ва ана-л-ъабду,

Ва анта-л-холиқу ва ана-л-маҳлуку!

(Аллоҳим, Сен Раббдирсан, мен эса кулман. Сен яратувчи, мен эса яратилгандирман)

Ва анта-р-розику ва ана-л-марзуку,

Ва анта-л-молику ва ана-л-мамлуку!

(Сен ризқ берувчи, мен ризқланган. Сен Моликсан (ҳамма нарсанинг эгаси), мен эса мамлукман (Сенинг қўл остингдаги заиф, ожиз бир кулман)

Ва анта-л-ъазизу ва ана-з-залилу,

Ва анта-л-ғониййу ва ана-л-фақиру!

(Сен азизсан, мен эса залил. Сен бойсан (фазлу қарам соҳиби), мен эса фақирман. (Ҳар вақт, ҳар қачон Сенинг фазлу қарамингга муҳтожман)

Ва анта-л-ҳаййу ва ана-л-маййиту,

Ва анта-л-боқий ва ана-л-фоний!

(Сен (доимо) тириксан, мен ўладиган (бир кулман). Сен боқийсан, мен эса фоний)

Ва анта-л-қариму ва ана-л-лаиму,

Ва анта-л-муҳсину ва ана-л-мусиу!

(Сен қаримсан, мен паст(каш)ман. Сен яхшилик қилишни севсанг, мен эса (ўзимга ҳам) ёмонлик қилурман)

Ва анта-л-ғофуру ва ана-л-музнибу,

Ва анта-л-ъазиму ва ана-л-ҳақиру!

(Сен кечирувчисан, мен гуноҳкорман. Сен улутсан, мен эса ҳақирман...)

Ва анта-л-қовиййу ва ана-з-зоъифу,

Ва анта-л-мўътий ва ана-с-соилу!

(Сен кавий (кучли, қудратли)сан, мен заифман. Сен берувчисан, мен эса бир тиланчи)

Ва анта-л-амину ва ана-л-хоифу,

Ва анта-л-жаводу ва ана-л-мискину!

(Сен Амин зотсан (ҳеч нарсадан кўркмассан), мен эса кўрқокман. Сен жўмардсан, мен эса мискин). (Сенинг лутфу эҳсонинга, раҳматингга кўз тиккан бир гадоман)

Ва анта-л-мужибу ва ана-д-добий,

Фағфир-лий зунубий ва тажоваз ʻанний!

(Сен (дуо-илтижоларни) қабул, ижобат қилувчисан, мен эса сўрагувчиман. Биру борим, Аллоҳим, раҳматинг билан гуноҳларимни афв эт ва мени жазолашдан воз кеч!)

Би-роҳматика, ё арҳама-р-роҳимийн!

(Эй, марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси!

Раҳматингдан умидворман)

МЕЪРОЖНОМА

(Аҳмаджон Умматий)

(ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида №6633-II тартиб рақами билан сақланувчи қўлёзмадаги Фидоий асари деб кўрсатилган назмий қисса “Илтимиоси Увайс Қараний” ёки хотима (колофон)да “Илтимиоснома” деган ном остида қайд қилинган бўлиб, аслида Умматий Хонақоҳий асари эканлиги маълум бўлди. Ушбу нусха 1284 х. -1867 м. йилда кўчирилган. Яна №11197-IV тартиб рақамли қўлёзмада “Маноқиби Вайс ал-Қаран” деган ном билан берилган назмий қисса ҳам Умматий асари эканлиги ва у тўлиқлиги аниқланди. Кейин Умматнинг “Мухаммаси Султон Вайс Қараний раҳматуллоҳи алайҳининг баёни” дейилган мухаммаси китобат қилинган. Ушбу қўлёзмани Мулло Бекниёз валади Муҳаммад Ҳусайн девон Хоразмий 1348 х. -1929 м. йилда кўчирган).

Сарвари коинот Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) меърожга чикқонларида Аллоҳ таоло даргоҳида Мусо калимуллоҳ бирлан сўзлашади. Ул зот айтадиларки, мен Худой таолодан Девонаи Бурх деган дўст тилаб олғонман. Сиз ҳам бандаларнинг гуноҳини тиловчи бир дўст тиланг. Шул вақтда Пайғамбаримиз Аллоҳ таолодан Увайс Қаранийни тилагонларининг баёни:

Бир китоби муътабарда ушбу сўз,
Бор экандур ўқиғонда тушиди кўз.

Бордилар Ҳазрат кеча меърожга,
Бошлари бўлди мушарраф тожга.

Бўлдилар Байт ул-муқаддасда имом,
Анбиё арвоҳи уйдилар тамом.

Соҳиби дин қилди само сари уруж,
Эрди анинг шаънида «Зотил буруж».

Сидрага бориб ўқиди витрини,
Андин ўтди ҳақ кўтарди сатрини.

Раф-рафа бўлди суваро ул замон,
Бордилар бир жойга эрди ломакон.

Қоба қавсайн, ав-аднога етиб,
Бордилар ярим самовотдин ўтиб.

Тўксон тўққиз минг айтиб розни,
Кўрдилар андоқ улугъ эъзозни.

Ҳар наким қилди таманно ул Расул,
Барчасини айлади Тангрим қабул.

Айтди Тангриға бу сўзни ул замон,
Деди: “Эй, Парвардигори инсу жон!

Бурхни Мусога уммат айладинг,
Сарвари аҳли саодат айладинг.

Эрка айлабмишсан ани ўзинга,
Ул мутеъ ўлган эмишдур сўзинга.

Ҳолдин огоҳ айлабсан ани,
Маҳрами даргоҳ айлабсан ани.

Сирлашур экан Мусо билан мудом,
Ҳам санинг ёдингда экан субҳу шом.

Жазбаси пур, зўр экан ҳоли қавий,
Сенга кўп густоҳ экандур ул валий.

Менга ҳам шундоғ бир уммат қил карам,
Умматим ичра бўлсин ул муҳтарам.

Ани ҳам ўз даргоҳингға хос қил,
Авлиёлар ичра хосул хос қил.

Ул Калим ўлса сенга, мен ҳам Ҳабиб,
Менга андоқ бир уммат қилгайсан насиб”.

Ҳақ таоло деди: “Эй, шоҳи расул!
Осий-у гумроҳлара ҳодий расул!

Сенга ҳам бир уммат инъом айлайин,
Подшоҳи хос ила ом айлайин.

Бурҳдин юз ҳисса ҳолинда зиёд,
Ҳам вилоятда юзи анча, шод бод!

Ўзинга бўлсин муносиб ул валий,
Айлайин авлоди одамнинг гули.

Тупроққа тушса кўзи тилло бўлсин,
Мисга тушса назари кимё бўлсин.

Шафеъ бўлсин осий-у гумроҳга,
Ҳодий бўлсин мудбири бироҳга.

Айласун ул мансӯх Бурх отини,
Сан нечук қилдинг расуллар динини.

Бўлсин оламда Увайс од анга,
Икки олам кўзи бўлсин шод анга.

Ҳар ерга қўйса қадам бўстон бўлур,
Манзил-у маъвоси тоғистон бўлур.

Лолалар битгай кўзининг ёшидан,
Ҳурмат айлаб учмагай куш бошидан.

Кезгай оламини қилиб тайи замон,
Турфат ул-айн ичра сайри осмон.

Кўрмагай бир пулча олам махзанин,
Бир ҳовуч тупроққа жамъи маъданин.

Икки оламга урубон пушти по,
Мендин ўзгани демас ул босафо.

Зохири бўлғай гадолар суврати,
Лек ботинда малоийк сийрати.

Унс тутмас одам авлоди била,
Ўткарур авқот Ҳақ ёди била.

Емиши уммат учун қайғу бўлур,
Демиши оғзида дойим хув бўлур.

Ул билур элни, ани билмас киши,
Ҳеч киши бирла анинг йўқдур иши.

Олғай ул уммат гуноҳларин тилаб,
Мен берурман ҳар на қилса ул талаб”.

Деди Ҳазрат: “Эй, Худоё ломакон!
Келгай ул эр олама қайси замон?

Не вилоятда вужудға келгай ул?
Қай шаҳар ичра онадин бўлгай ул?”

Деди Ҳақ: “Шаҳри анинг бўлғай Яман,
Мавлуд-у маъвоси ҳам бўлғай Қаран.

Топгай олам шодлигу мотам адам,
Тездур оламға ул қўйгай қадам”.

Деди Ҳазрат: “Мен кўрурманму юзин,
Эшитарму сомёим дурдек сўзин?”

Деди Тангрим: “Сенга кўрсатмас ўзин,
Кўрсатурму ошиққа маъшуқ юзин!?”

Бўлибон бу мужда бирлан шодмон,
Ломакондин ёндилар суйи макон.

Ғунча бордилар, гулистон келдилар,
Қатра бориб баҳри уммон келдилар.

Ўқибон ҳазрат намози бомдод,
Қилдилар меърожни асҳобга ёд.

Сидк ила тасдиқ қилдилар ҳама,
Жону дил бирла инондилар ҳама.

Ўтди ул меърождин бир неча кун,
Бўлмади ул эрдин оламда ун.

Ҳазрати Султон Увайснинг оналардин туғилгонликларини
Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи
васалламнинг билгонликлари баёни:

Бир куни эрди Расули покбоз,
Чикди масжиддин ўқиб эрта намоз.

Тўрт тарафга боқибон турдилар,
Ҳар тарафни бўй этиб исқодилар.

Сўрдилар асҳоблар, эй фаҳри жаҳон,
Нега айларсиз тавакқуф бул замон.

Дедилар: “Келур Ямандин яхши ис,
Оламга келди магар Султон Увайс.

Мушк иси тутмиш жаҳон айвонини,
Келтирубдур Ҳақ умам султонини.

Бу кеча оламга келмишдир магар,
Жаннатосо бўлмиш олам сарбасар”.

Бўлдилар асҳоб хайратда бари,
Не дедилар икки олам сарвари.

Бир куни келди Ямандин карвон,
Олдиға чикди ҳам пир-у жавон.

Карвондин сўрдилар, ул чиққан улус:
“Келдиларму олама Султон Увайс?

Мушк иси тутмиш жаҳон айвонини,
Келтирибдур олама султонини”.

Карвон айтди: “Ул Расул айтган куни,
Онадин бўлди Қаранда ўғлони.

Билмадик оти не эркандур анинг,
Ота-онаси ким экандур анинг.

Айтишурлар эл ул ўғлон сўзини,
Боқса номаҳрам юмармиш кўзини.

Қизлар олса илгига йиғлар эмиш,
Эркак ўғлон олса сўз тинглар эмиш.

Рўзада онасини эммас эмиш,
Шом бўлгунча нимарса емамиш.

Субҳи содиқдин доғи шомға,
Эмчак эммас, ётмиш ул оромға.

Қирқ кунликда эмиш бу ҳол анга,
Эл орасинда бу қийл-у қол анга”.

Эшитиб бул сўзни таҳқиқ этдилар,
Ул Расул сўзиға тасдиқ этдилар.

Эй Худовандо, Пайғамбар хурмати,
Бу шарофатлик валийлар хурмати,

Уммати осийни солғил туз йўла,
Урваи вусқони бергайсан қўла.

Ярлиқоғил барча авлоди била,
Раҳмат эт обу аждоди била.

Наслидин қатъ айламагил илмни,
Ҳам адаб бирла ҳаё-у ҳилмни.

Ҳазрати Умар розияллоху анхунинг бир куни Яманнинг Қаран деган жойидин келгон кишидин Султон Увайснинг феъл-хулқларин сўрагонликлари баёни:

Бир куни қўлима «Кимён саодат» ни олиб,
Ўқир эрдим яхши сўз, яхши ҳикоят ахтариб.

Кўрдим анда зўр ҳикоят, бир куни Ҳазрат Умар,
Масжиди жомеъда ёронлар бирла жам эрдилар.

Сўрдилар: “Борму Қарандан ё Ямандан бир киши?
Бўлса келсун олдима, ундан сўрарман бир иши”.

Турди бир одам жойидин, берди Умарға салом,
Дедилар Умар саломиға Аълайкум ассалом.

Сўрдилар андин: “Бўлурсан не вилоятдин дегил,
Асли жойинг ҳам маконингни баёнин айлагил”.

Деди: “Бўлурман Ямандин, эй халифа одили,
Келмишам бу ерға мен сизни зиёрат қилғали”.

Сўрдилар андин: “Яманда бор эмиш бир яхши кул,
Ул эмиш қутби замон, авлиёи жузви кулл.

Бер хабар бизға ул эрдинким недур аҳвол анга,
Шаҳр аро недур халойик бирла қийлу қол анга”.

Деди ул одам Умарға: “Эй, халифаи замон!
Отини ул банданинг айланг биза бар аён”.

Дедилар: “Султон Вайс дермишлар ул эр отини,
Халк қилмиш раҳматидин Ҳақ таоло зотини”.

Деди ул одам табассум бирла: “Билгил, эй Умар!
Сўрганинг бир юрган овворайдур дарбадар.

Бош очик, оёқяланг, жисмида йўқдур либос,
Ким бараҳнадур гоҳи, эгнида бир эски полос.

Жисми бўлмишдур қора, кундуз қуёшнинг тобидан,
Кўк юзидур тийра ҳар дам, оҳининг қуллобидан.

Шаҳрға кирса қилур атфоллар бирла маош,
Йўл берур ўғлонлара, ҳар дам отинг деб менға тош.

Ки ёнғоқ олиб берур атфолларға сарбасар,
Қувлангизлар мен қочай, деб кўчаларда югирар.

Ҳар кун атфол шовқини бирла ғавғолар қилур,
Шаҳар аҳли аҳволиға онинг тамошолар қилур.

Ки васийят айлар ўғлонлараким, эй ёшлар,
Бохабар бўлинг манга отганда кесак-тошлар.

Бошима ёхуд оёғима тегиб қонатмасун,
Қон оқиб теккан еридин таҳорат кетмасун.

Урсалар ҳар чанд этмасдур дуойи бад ила,
Ҳар ким анинг юзиға дашном қилса ул кула.

Кўчаларда излаюр пора, латта поралар,
Топса қўйниға солур, банд айламакка ёралар.

Кафшлардин сўкилиб тушган ямоқларни олур,
Фойитобо кўҳнасин ҳам топса қўйниға солур.

Кўймас, алқисса, кўзиға учраган ифлосни,
Кўзиға илмас ва лекин кийим ила атлосни.

Ганжи Қорун учраса, олдига ул қилмас назар,
Ўқибон «Лоҳавла» устидин ўтар айлаб ҳазар.

Атласи гардунни латта порача илмас кўзға,
Бермас ул йиққон сафолин ой, кун-у юлдузға.

Билмас ул яхши-ёмонни, йўқдур анда имтиёз,
Англамас иссиқ-совук, юрур бараҳна қишу ёз.

Ёрилиб қолмиш совук захри бирла оёқлари,
Канд ўлибдур қошимок бирла узун тирноқлари.

Кўз очиб асло қарамас хоҳ яхши, хоҳ ёмон,
Босиб ўтар олдиға чиқса самон-у заъфарон.

Латта пораларни жам айлар гузарларда юриб,
Юз қўяр дарё сариға жайб-у доман тўлдириб.

Нил дарёси канориға борибон ўлтирар,
Бир чивик олиб кўлиға латталарни ўтқураар.

Солибон дарёға бир неча кун қатрон этар,
Бир-бириға ипи хурмо бирла сўнгра банд этар.

Неча кун ул пораларни тикгали меҳнат қилур,
Неча юз пора ниймадин ўзиға кайсут қилур.

Мубтало қилмиш ани Тангрим бу янглиғ меҳната,
Бўриёнинг парчасин топса ямар ул кайсута.

Ақли-хуши йўқ ўзинда, юргани ҳар жойидур,
Бошида маъни паришон, бўлғон бир савдойидур.

Ухламасдур кечалар, кундуз эмас ором анга,
Кўз ёши, оғзида «Ё хув» эрур мудом анга.

Бир нафас оғзида тарк этмас истиғфорни,
Ёд айлар дойимул авқот «Ё Гаффор» ни.

Ваҳшийлар атрофида сахроға чиқса жам бўлур,
Тайрлар ҳам жам бўлиб, боши узра соя қилур.

Унс тутмасдур жаҳонда болиғу оқил била,
Ҳамнишин бўлур йўлукса телбаи жоҳил била.

Ё Умар, будур, деди, сўрсанг анинг ҳолини,
Шоҳдин сўрмоқ не лойиқ телбалар аҳволини?!”

Ушбу сўзларни, Умар бу бандадин тингладилар,
Садка, ё Мустафо, деб турфа сайха урдилар.

Сўрдилар асҳоблар ул дам воқеаи сайҳани,
Дедилар Умар: “Расулдин эшитиб эрдим ани.

Қилди бу банда Расулуллоҳ қилгон сўзни ёд,
Сўзидин кам қилмади, демади бир нуқта зиёд”.

Хислати эр-авлиёни бошдин оёқ англади,
Хоси қуллар, деб Умар афсус бирла йиғлади.

Уммато, бас қил каломинг сўзлама кўп телбираб,
Ғош қилма эрлар асрорини кўп сақла адаб.

Келса илкингдин дуойи хайр қилғил беадад,
Ким алар арвоҳидин шояд сенга етгай мадад.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўзларининг
муборак либосларини Ҳазрати Султон Увайсга
юборғонлиқларининг баёни турур:

Бир куни эрди ул Расули кавнайн,
Ул соҳиби авжи қоба қавсайн.

Боқиб дедилар, рафиқи ғора
Ўз оғзидин айди чаҳорёра:

“Сизларга берай бори либосим,
Амримни тутинглар асру посим.

Султон Увайсга боринглар,
Ҳар на деса хизматин қилинглар.

Бориб дейингиз аввало саломим,
Сўнгра етқуринг анга паёмим.

Кийиб буларни каромат этсун,
Умматларимни шафоат этсун”.

Рухсат олиб анда тўрт ёри,
Ҳар бир қилиб, ўзича оҳ-зори.

Ул эрни қачон кўрурмиз ахир,
Васлиға қачон етурмиз ахир.

Деб, бир неча йўлни айлабон той,
Охир Қаранға етурдилар пой.

Тоғ сари азимат айлаб онлар,
Бир-бирға дедилар, эй ёронлар,

Ул эрни топарға бизда ҳад йўқ,
Бу тоғ йўлиға ҳисоб адад йўқ.

Бу ерда туриб, бир оз замони,
Макс айлалум, бу ерда они.

Шояд бизга айлабон тараҳхум,
Ўзи келиб айлағай такаллум.

Ҳайрон-у саросима бўлиб зор,
Ҳеч бирисида йўқ эрди гуфтор.

Тоғ ичинда айлаб онча эҳмол,
Ул тўрт мусофир ўлди беҳол.

Ул вақтда келди бир нодойи,
Хув-хув дейибон ажаб садойи.

Тоҳ саридин ўлди нур пайдо,
Нур ичра бор эрди ҳувайдо.

Хув-хув демак эмиш анға одат,
Оёқ ялангу тавил қомат.

Эгниға солиб бир эски шолни,
Сакраб келур эрди, ло-уболи.

Оғзида сано ва кўзда ёши,
Кўнглида Худо эди яланг боши.

Кўз ёши чашмалардек оқибон,
Сайҳа чекар эрди, кўкка боқибон.

На ерни билур эди, на кўкни,
На кавкаб-у ойни, куну фалакни.

Истар эрди ҳар нафас Худони,
Айласун эрди кўзга мосивони.

Хора тушибон икки оёқин,
Бўйлаким, ёра босиб икки соқин.

Билмай они шавк шиддатидин,
Қолмай нафасе ибодатидин.

Ўз ҳолича эрди тақвиятда,
Ғарқ эди макоми айниятда.

Кўрдилар ани бу тўртта ёрон,
Ёшлар тўкибон жавоҳир борон.

Олдиға келиб саломлар берди,
Ул эр боқибон алийк олди.

Кўзин очиб, ул азизи олам,
Кўрдилар олдида тўртта одам.

Кўзларида ёш, бағри бирён,
Фурқат юрагида, кўнгли нолон.

Олдида адаб бирла турибдур,
Билдики йироқ ердан келибдур.

Йўл гарди алар юзидин маълум,
Маънийи дур сўзидин маълум.

Хулқи доғи ошноға ўхшар,
Атворлариям авлиёға ўхшар.

Ақвол фасех-у каломи рангин,
Одоб малех-у савти ширин.

Кўнглиға деди, бу тўрт шохбоз,
Бу тараф боли пар килиб боз.

Ошёни баладдан учибдур,
Ҳақ ризкини бу тараф сочибдур.

Келганлар эмас ўз ихтиёра,
Маъмур эрурлар ўзга ёра.

Кўнглида замон тафаккур этди,
Улар ишин тахайюр этди.

Охир деди онларға боқиб ул:
“Бўлсин сизға, эй азизлар, йўл.

Қайдин келибон, қаён борурсиз?
Бу паллада сиз ким ахтарурсиз?

Нега келибон ушбу ерда хайрон,
Бўлдингиз, аё рафику ёрон!

Шаҳар одамисизму ё мусофир,
Мухзуммисиз ва ё акобир?

Ақвому қабилангиз айтингиз ёд,
Сизларға недур азизлар од?

Инсонингизни баён қилинглар,
Асрорингизни аён қилинглар?

Бу хирқа-ю бурду амома,
Фирдавс иси тегур машома.

Қайси улуғнинг табаррукидур,
Бир яхши эрнинг муборакидур?”

Таъзим ила қилди тўрт ҳамроз,
Мақсуд дуррининг ҳуққасин боз.

“Ки, эй тайри ошёни қудс,
Султони тариқат Увайс!

Сардафтари барча авлиёсан,
Ҳам раҳбари аҳли атқиёсан.

Йўқдур ўзингдек, эй шаҳаншоҳ,
Ғабро юзида уливви даргоҳ.

Рифъатда муқарраби Худосан,
Рутбада ҳабиби Мустафосан.

Маъбад сенга арш ҳам матофинг,
Каъба қилур ҳар нафас тавофинг.

Тегрангда фаришталар хужуми,
Ой гирдида чун фалакнинг нужуми.

Жаброил ўлибон кўйингда дарбон,
Тангри худ эрур санга нигоҳбон.

Жаннат эшигида бир чамангул,
Ғилмон ила ҳур анда булбул.

Равза қопингда бенавойи,
Ризвон ила ҳулд икки гадойи.

Солмадинг назаринг алар сари ҳеч,
Ҳақ ёдида эдинг эрта-ю кеч.

Тоҳ бағрини савмаъа қилибсан,
Ҳақдин ёнани абас билибсан.

Болин-бошинг остида бўлиб хишт,
Олам назарингга кўриниб зишт.

Мардуд санга қабули олам,
Илмай кўзингга хусули олам.

Кўз ёшинг этиб жабални водий,
Ул водий бўлиб, улусга ходий.

Ул водийга кирса ҳар қаю кул,
Албатта топар Худо сари йўл.

Болин санга хишт, бисторинг хок,
Тоғ бағрини кўз ёшинг этиб чок.

Лола битиб анда ўйлаким боғ,
Оҳингдин асар ичиндағи доғ.

Тонг отғунча бу сифат тоат,
Кун ботғунча айлабон ибодат.

Ҳақ наздида кимё бўлибсан,
Аъмолара тўтиё бўлибсан.

Биз тўрт Расул чаҳор ёри,
Ҳамроз рафиқи, ғор ёри.

Бизларга макон Мадина шаҳри,
Бо-тахти Расул биз баҳри.

Десак сизга аслимиз арабдур,
Қурайший, ҳошимий насабдур.

Абу Бакр, Умардур бизга от,
Усмон ила Ҳайдар, эй неку зот.

Бизларни Мадинадан Муҳаммад,
Юборди сизга Расули сармад.

Аввало сизга кўп салом деди,
Сўнгра доғи бу паём деди:

“Кийсин бу қобани эгнига ул,
Солсун бу ридони бўйнига ул.

Кийсин бу амомани бошига,
Жабҳа урубон жабал тошига.

Уммати шафоат айласунлар,
Осийлара шафкат айласунлар.

Ҳар ерда калимагўй бўлса,
Осийи сиёхрўй бўлса.

Олсун тилаб уларни Худодан,
Қилсун ўтинч ул карамли шохдан.

Афтодага дастгир бўлсун,
Бедиллара дилпазийр бўлсун.

Бечорага чорараслик этсун,
Дармондага ҳамнафаслик этсун.

Маҳрамлара ул шафоат этсун,
Гумрохлара ул ҳидоят этсун.

Мен ҳўб билурман ул муқарраб,
Тангри берур ҳар на қилса матлаб”.

Чаҳорёр ила суҳбат қилгондин сўнг Султон Увайс
бобомиз Аллоҳдин бандаларнинг гуноҳларин тилагонларининг
баёни турур:

Бу сўзни эшитгач ул шаҳаншоҳ,
Беҳуд бўлиб, урди оҳи жонгоҳ.

Бўйнига ридо, танига хирқа,
Кўйиб доғи ул амома фирқа.

Титраб деди барги ганданодак:
“Сизлар туринг ушбу ерда андак”.

Хув деб кетаберди, қолди ул хайл,
Водийлара юз урди ўйлаким сайл.

Хув-хув дейибон юрур эди бот,
То боргунча тоғи Муножот.

Ул паллада ҳам таҳорат этди,
Шукрона учун ибодат этди.

Икки рақъат намоз ўқиб ул,
Илкин кўтариб кўкка боқиб ул.

Девонаи Бурхдек анда бўлиб маст,
Оҳиға бериб фалак сари сас.

Абвоби самони мунаффақ этди,
Гардун юзини мушаббақ этди.

Оҳи асари етиб малакка,
Говға солибон тўққиз фалакка.

Курсий бирла Арш бўлди ларзон,
Каррубийлар бўлди барча ҳайрон.

Қуддусийлар бўлди ҳайратда ғарқ,
Арз ила самода бўлмади фарқ.

Ер юқори, осмон тушиб паст,
Нола қилур эрди ўйлаким маст.

Илгига олиб жабал тошини,
Ёриб ул ҳажар била бошини.

Йиғлаб деди: “Эй, Карими саттор!
Раҳми кўп, қаҳри оз – Гаффор!

Раҳмонур раҳимсан муаззам,
Ҳам ҳозиру нозиру мукаррам.

Халлоқи осмону заминсен,
Раззоқи жамийи инсу жинсан.

Эй, Қодиру воҳибул атоё!
Эй, Мунъиму холикул бароё!

Курсийни васеъ айладинг сен,
Торимни рафеъ айладинг сен.

Амринг била бўлса мойи сижож,
Нурингдин бўлиб сирож ваҳхож.

Жаннатни вуфури неъмат этдинг,
Дўзахни касири меҳнат этдинг.

Жаннатда яратдинг хуру ғилмон,
Дўзах аро неча нору сўзон.

Жаннат аро асру нозу неъмат,
Дўзаҳда азоб ила укубат.

Жаннатда шажар, ёри сиймин соқ,
Дўзах аро вайл ичинда ғасоқ.

Одамни, йўқ эрди, бор қилдинг,
Абри караминг нисор қилдинг.

Бу мунча мазоҳир айладинг бор,
Иймон ила куфр, зулмату нор.

Мақсуд эди барчадин Муҳаммад,
Куллиси туфайли нури Аҳмад.

Ё раббий, Муҳаммад хурматидин,
Ул нури азал саодатидин.

Ахлоқ ила ҳусну ҳалим ҳаққи,
Атвори лутфу илм ҳаққи.

Тил бирла деган саноси учун,
Қўл бирла қилган дуоси учун.

Бергил менга осий умматини,
Афв айла алар шақоватини.

Ҳар чанди гуноҳкор бўлса,
Осий-у табаҳкор бўлса.

Ҳар чанди гуноҳга бўлса косиб,
Бўлса ғазаб ўтига муносиб.

Лойиқ эрса қайси дўзахингга,
Маъмур эрса қайси барзахингга.

Айла барисини менга инъом,
Эй, Қодири зулжалоли вал-икром!

Бергил менга осийлар барини,
Ярлиқа жавону ҳам қарини.

Афв айла унс ила зуқурин,
Нуринг била равшан эт қубурин.

Кавнайни қай куни айладинг халқ,
Раҳмат қописин қилмадинг ғалқ.

Раҳмат ёгинин сочиқ қилибсан,
Афвинг қописин очик қилибсан...”

Йиғлаб тўқар эрди кўзда ёш,
Олмас эрди ердин асло бош.

Боши узра тайрлар йиғилди,
Оху доғи анда жам бўлди.

Саҳрони тутиб садойи «Ё хув»,
Ўздин кетиб анда тайру оху.

Анда қилибон малак тамошо,
Онлар доғи нола айлаб ифшо.

Айлар эди Худойиға тазарруъ,
Мақсудини айлабон таваккуъ.

Ҳақдин бўлиб ул замон башорат:
“Ё Вайс, сенга недур бу ҳолат.

Фигон солибсан ваҳший-у тайрни,
Ғарк айлади кўз ёшинг бу дайрни.

Бўйниға солиб ридойи Аҳмад,
Бошингда амомаи Муҳаммад.

Эгнинг узра хирқаи расулим,
Ҳар на тиласанг бўлар қабулим.

Мақсуд недур бу можародан,
Ҳар на тиласанг тила Худодан”.

Вайс айди: “Тиларман осий уммат,
Берсанг менга ушбудур саодат”.

Келди мундаки: “Афв этдим,
Учдин бирининг гунойин ўтдим”.

Вайс айди: “Қабул қилмон они,
Бас айломон оҳ ила фиғонни.

Берсанг менга барчасин берурсан,
Ҳар на деганим қабул қилурсан.

Учдин бири кирса жаннат ичра,
Сулусон қолиб қиёмат ичра.

Топса мани анда тутса доман,
Улар юзиға боқиб не деюрман.

Афғонини фаровонроқ айлади ул,
Қиссани узунроқ айлади ул.

Келди яна бир нидойи ширин:
“Нисфин сенга бердим, бўлма ғамгин.

Хушвақт бўл энди, эй гузиним,
Хуш бўлдими кўнглинг, эй ҳазиним”.

Деди Вайс: “Эй, Худойи акбар!
Амринг била бўлса рўзи маҳшар,

Кўприк чакилиб, қурилса мезон,
Кўринса беҳишт-у нори сўзон.

Нисфини беҳишта амр қилсанг,
Нисфини жаҳаннама буюрсанг.

Осий ҳар иша эрур муносиб,
Сенда кўп эрур бу номуносиб.

Ўтсанг барининг гуноҳин ўтғил,
Фарёдима, эй Карим, етғил!

Эй Худоё, бо-каромат,
Осон сенга, бандаға машаққат.

Валлоҳи, Ғаний ул-оламинсан,
Акрами жамиъ ул-акраминсан”.

Кўз ёшини этди сўйлаб султон,
Ашки ила тўлди ул биёбон.

Раҳми келиб ул замон Худонинг,
Қудратли, карамли подшонинг.

Айди: “Икки ҳиссасин гуноҳин,
Афв айладим айлаган табоҳин.

Бўл рози бу ишға бўлма гирён,
Ох урма кўп ўртанур биёбон.

Кўп ларзаға солма аршу фаршни,
Ҳам хайратға солма тайру ваҳшни.

Хуш тут ўзингни, хотирингни шод,
Бундан нари қилма оху фарёд.

Тасбеҳингға бўлғил эмди машғул,
Ҳожатларинг энди бўлди мақбул.

Кўнглингни маълул тутмагайсан,
Ҳақ ёдини ҳеч унутмагайсан.

Мунда эди Тангри роздори,
Ул ерда Расул чаҳор ёри.

Кўп турганидин алар толиқди,
Кеч қолганидин алар ошиқди.

Суръат била бордилар юриб бот,
Вайс аларға боқиб айди хайҳот.

“Бесабрлик этдингиз ёронлар,
Сабр ила мудом бўлур ёронлар.

Андак агар этсангиз тавфиқ,
Ҳақдин доғи кўп эди талаттуф.

Афв эшигин очиб эди вой,
Нега бу ерга етурдингиз пой.

Баҳри карам анча тошиб эди,
Бу кул доғи ҳаддин ошиб эди.

Ҳақдин тиладим тамоми уммат,
Очиб эди Тангри боби раҳмат.

Икки ҳиссасин бериб эрди ул,
Қолганини доғи олурди бу кул.

Тақдир эса бу биза не тадбир,
Тақдирни қилурми кимса тағйир.

Ҳақ ёзғонидин канора йўқдур,
Тақдири Худоға чора йўқдур.

Рухсат дурур энди борингизға,
Борғайсиз омон диёрингизға.

Турманг бу масканда, энди қайтинг,
Кўрганни бориб Расулға айтинг.

Бизни доғи уммат десунлар,
Маҳшарда шафоат айласунлар.

Биз доғи умидвордурмиз,
Биз бандаи шармисордурмиз”.

Бориб дедилар Расулға ул сўз,
Ҳазрат тикибон асҳобларға кўз.

Дедилар, аё саҳобайи сиз,
Илкингиз очинг дуо қилай биз.

Султон Вайс учун пайғамбар,
Кўп қилди дуо улли-киччилар.

Илкин кўтариб дедилар омин,
Ҳақ ёрликосин алар тамомин.

Ё раб, бу улуғлар хурматидан,
Ул нури азал шафоатидан.

Умматга насиб айлагайсан,
Ўзингга қариб айлагайсан.

Раҳмат қил анинг гузаштасини,
Хоки лаҳадда сариштасини.

Авлодини айла хуш маишат,
Авқотларини кечур фароғат.

Тавфиқларини рафик қилғил,
Лутфинг аларға шафик қилғил.

Тоатга барини роғиб айла,
Ўзингга барини толиб айла.

Рўзиларини анча эт фаровон,
Афтодаларға бўл ўзинг нигоҳбон.

Ё раб, карам эт аларға беҳад,
Ғам кўрмасун асло насли Уммат.

Аҳмадни доғи сан айла мағфур,
Авлодини қил ҳар ишда мансур.

Жаддиға дуо қилиб бу мухлис,
Уммат қўйиб ўзиға таҳаллус.

Этти бу ҳикоятни тамом ул,
Сўз ҳаққида қилди эҳтимом ул.

Деди неки бор эди биликда,
Тарих минг икки юз элликда.

Ҳар ким ўқитиб эшитса они,
Қилсин дебам ҳаққимға дуони.

Ё раб, ўқиғонни айла беғам,
Доғи ўқиғон эшитғонни ҳам.

Ухуд тоғида Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам
кофирлара қарши ғазот қилғонларида, муборак тишлари шаҳид
бўлади. Бул воқеани эшитиб, Увайс Қараний ўзининг
тишларини синдирғонининг баёни:

Бир кун эрдиким Расул инсу жин,
Яъни, ул Пайғамбари рўйи замин.

Масжид ичра эрдилар асҳоб ила,
Неча минг асҳобу шайху шоб ила.

Келди Жаброили амин даргоҳдан,
Амр бирлан Ҳазрати Аллоҳдан.

Амри будурким, Худойи ло яном,
Яъни, Аллоҳдан бизга келди салом.

Борғайсиз кўҳи Ухуд сари бу кун,
Лашкари кофир ила айланг ўйун.

Анда қилғайсиз ғазоти сахтни,
Келтиринг иймона кўп бадбахтни.

Фориғ ўлди ваҳийдан ул дам Расул,
Дедилар асҳоба, қилдилар қабул.

Олти минг бўлди бари жонбозлар,
Жон фидо қилмок учун шаҳбозлар.

Ҳодий эрди Саййиди аброр анга,
Ҳамза, Умар эрдилар сардор анга.

Неча кун қатъи мароҳил қилдилар,
Токи айтғон ваъдагоҳға бордилар.

Чун етушди кўхи Уҳудға Расул,
Ёнида асҳобу ёрони қабул.

Белни маҳкам бойлаб айларға ғазот,
Тушди майдонға Расули коинот.

Бир тарафда габрларнинг лашкари,
Бад назар, бад насаблардур бари.

Ётдилар ул кеча икки лашкари,
Бир-бирига қайғу солиб ҳар бири.

Барча чобуклар неча андешада,
Шер янглиғ ётдилар ул бешада.

Орада эрди Уҳуд тоғи ҳижоб,
Бир тараф дуд эрди, бир ён офтоб.

Эрди Бу Суфён, Холид ул тараф,
Ҳамза бирла Умар эди бу тараф.

Ул икков сардори куффор эрдилар,
Бу икки исломға сардор эрдилар.

Холиду Суфён доғи бир дил эди,
Мисли Ҳамза-ю Умари одил эди.

Ҳар бири монанди арслон эрдилар,
Балки ҳар бири шери ғаррон эрдилар.

Бу кеча ором топтилар бари,
Ул маконда ҳам жавону ҳам қари.

Чикдилар тоғ устига айёрлар,
Синакашлик қилғоли маккорлар.

Лашкари куффорни кўп кўрдилар,
Мустафо ёнига кўркиб келдилар.

Арз қилдилар Расула ул замон,
Лашкари куффор эркан бегарон.

Деди Ҳазрат аларга бу сўз деманг,
Ҳамза бўлса лашкар ичра ғам еманг.

Бургалар сонинча бўлса гар адув,
Олам аҳли бир тараф қилса ғулув.

Ҳамза бўлса бир тараф барҳам урар,
Бир нафасда барча кофирни кирар.

Бу сўз айтиб иншааллох демади,
Ушбу сўз Аллоҳга хуш кемади.

Ҳазрат ул сўздин пушаймон бўлди зуд,
Ким иш ўтган сўнг пушаймондин не суд.

Тонг отиб ериндин чикди офтоб,
Икки лашкар келди чун дарёи об.

Қатл учун майдон аро от солдилар,
Икки ёндин ҳам нағоро чолдилар.

Кирдилар майдонга қотиллар ҳама,
Қолмайин майдонга бордилар ҳама.

Тушди икки лашкара жўш-у хуруш,
Нола чекмак бирла бошдин учди хуш.

Бир-бирини найза бирла санчибон,
Гоҳи гурзи бирла бошин янчибон.

Ки учуб бошлар танадин тиг ила,
Гар табар солиб бош узра сиғ ила.

Ки тушиб лашкар ичра ҳой-ҳой,
Гоҳи ул лашкар ичинда вой-вой.

Охир ўлди жанг мағлуб басы,
Поймол ўлди бандалар чун хасы.

Лашкари исломга етди шикаст,
Шердиллар бўлди ул кун ерга паст.

Куфр эли бирдан хама от солдилар,
Ҳамза атрофини куршаб олдилар.

Наъра бирла Ҳамза айлаб катлу кин,
От солиб гоҳи ясорга, гоҳ ямин.

Чун казо етса фаланглар мўр бўлур,
Пашшалар ҳам филлардан зўр бўлур.

Вақти етса аждаҳо бир риштадур,
Кўхитан бўлса мисоли пистадур.

Ҳамзанинг вақти етиб эрди бу дам,
Солди неча габрий шамширин баҳам.

Ўртага олиб ҳам ул дам Ҳамзани,
Етмиш икки пора қилдилар ани.

Сойиқа эсди, тутилди доғи кун,
Бир тараф бўлди равон дарёи хун.

Дил шикаста бўлди мусулмон хама,
Йиғлади асҳобу ёронлар хама.

Туриб эрдилар Паямбар ул замон,
Келди бир кофир кейнидин ногаҳон.

Илқида бор эрди бир санги базд,
Урса пўлатга бўларди гард-гард.

Отди Ҳазратга бокиб ул ноумид,
Бир муборак тишлари бўлди шахид.

Лаълидек қон этди дурдек тишларин,
Банда не билсин Худонинг ишларин.

Келди ул дамда Умар гирён бўлиб,
Аҳли Ислому ҳаққида нолон бўлиб.

Бир кўлинда гурзи, бирисида тиғ,
Кўзида ёши, тилида “Во дариғ!”.

Деди: “Эй, Пайгамбари охир замон!
Бир дуо айланг кирилсун кофирон.

Ер ютиб, йўқ бўлсин улар бариси,
Қолмасун оламда кофир бариси”.

Деди Ҳазрат: “Ё Умар, бу сўз деманг,
Ҳеч бир одамга дуоийи бад қиманг.

Яхшилар шанинда яхши яхшилиқ,
Бадлара бўлғай муносиб бад қилиқ.

Урсалар бошимга кофир тиғи кин,
Мен тиларман ҳаққида Исломи дин”.

Қўл кўтариб ул расули инсу жон,
Айлабон юзини суйи осмон.

Қилдилар кофир ҳаққида дуо,
Дедилар: “Эй, Холиқи арзу само!

Бандалар ҳолиға раҳминг бирла бок,
Лашкари ислом тоқати бўлди тоқ”.

Илкига олиб муборак тишини,
Очибон қонга бўёлғон бошини.

Деди: “Эй Ғаффор, эй Саттор эгам!
Ҳар на қилсанг ихтиёринг бор эгам.

Бу Муҳаммаднинг тишининг хурмати,
Ҳамза бандангнинг бошининг хурмати.

Барча кофирни мусулмон айлагил,
Кофир элни аҳли иймон айлагил”.

Бўлди Пайғамбар дуоси мустажоб,
Олди ҳақ куфр аҳли кўнглидин ҳижоб.

Холиду Суфён мусулмон бўлдилар,
Лашкари ҳам аҳли иймон бўлдилар.

Узр айдилар Пайғамбарга келиб,
Ўт гуноҳларни бу кун деб ёлбориб.

Айтди Ҳазрат сиздин эрмасдур бу иш,
Ҳақ азал кунда бу тақдир айламиш.

Сидки дилдан қилдилар Ҳазрат яно,
Холиду Суфён ҳаққида дуо.

Амр қилдилар Умарға ул замон,
Жам айланг сиз шаҳидларни равон.

Бордилар Умар уруш майдониға,
Кўрди мўъминлар бўёлғон қониға.

Баъзисининг жисмида йўқдир боши,
Баъзининг оғушта қонға кўз ёши.

Баъзининг илки баданда қолмайин,
Баъзиларнинг жисми маълум бўлмайин.

Баъзиларнинг сийнасидур чок-чок,
Баъзилар жисмида қотган хун-хок.

Нечалар жисми ушолғон зарбдан,
Нечалар юз заҳм кўрғон ҳарбдан.

Кўрдиларким, Ҳамзада йўқдур жасад,
Пора-пора айламишлар беадад.

Илки бир ерда, оёғи бир тараф,
Сийнаси бир ерда, соки бир тараф.

Панжаси бир сари, тирсак бир сари,
Гардани бир сари, энгак бир сари.

Боши бир ён, сони бир ёнда эди,
Устихону пушти майдонда эди.

Кўрди Умар кўзларидин тўқди об,
Сайҳа урдилар, тутилди офтоб.

Олибон қалқон уза жам этдилар,
Етмиш икки устихонин топдилар.

Кўтариб ул порани қалқон билла,
Ҳазрата келтурдилар афғон билла.

Кўриб Ҳазрат урдилар бир оҳни,
Тийра қилди офтоби моҳни.

Олибон илкига бир-бир порасин,
Кўрдилар тиғ-у табарнинг ёрасин.

Дедилар: “Парвардигоро, раҳнамо!
Бу жасад учун бер умматни манго.

Кўнгли учун кўнглини сен шод қил,
Боши учун бошини озод қил.

Илки учун илкига қилма азоб,
Қони учун умматимға бер савоб.

Оёқ учун оёқини ёрлиқа,
Соки учун икки соқин ёрлиқа.

Руҳи учун руҳини мабрур қил,
Жисми учун жисмини мағфур қил.

Қил қизил қони каби уммат юзин,
Сол биҳишт ичра барин жону кўзин”.

Олдилар, алқисса, бир-бир поралар,
Ҳар бири ҳаққида айлаб нолалар.

Уммати узвини ҳар узви учун,
Қилдилар Тангри таолодан ўтин.

Жам этиб етмиш шаҳидни кўйдилар,
Барчасига бир жаноза қилдилар.

Қони бирла дафн этиб ул тоғда,
Гуллар ўрнатғон каби бу боғда.

Ёндилар андин Мадина сориға,
Шукр айлаб Ҳазрати Жабборига.

Суръат ила неча кун йўл юрдилар,
Нусрату иқбол бирла келдилар.

Тушди бу овоза чун олам аро,
Барча махлуқи бани одам аро.

Барча маскуна етиб ушбу вайд,
Сарвари олам тиши бўлди шаҳид.

Деб бари оламға бўлди машварат,
Қолмади ҳеч бир ерда мастазат.

Эшитиб Султон Вайс бу қиссани,
Ҳазрат учун едилар кўп ғуссани.

* * *

Сарвари оламини кўп кайғурдилар,
Ўтга тушгон қил каби тўлғондилар.

Бўзлабон тоғни кўтарди бошига,
Ғарқ қилди даштни қондек ёшига.

Беқарор бўлди ўтирмак бўлмади,
Неча кунлар ётмак-турмак бўлмади.

Деди: Ўз-ўзига ул кони сафо,
Сен эурсан уммати ул Мустафо.

Не раво ул Ҳазратга умматман десанг,
Сендаги бир тишни не синдирмасанг.

Олди бу андеша бирла тошни,
Тўлдириб икки кўзига ёшни.

Қайси бўлғай деб бу андеша билан,
Бир тишин синдирдилар ул тош билан.

Яна айлаб фикр бир соат баса,
Бу тиш ўлмай шояд бўлғай ўзгаси.

Деб яна оғзига урди ул ҳажар,
Тушди бир дандони чун барги шажар.

Бу эмас деб яна бирга урдилар,
Доғи бир дурни уриб синдирдилар.

Тўртланжи тишига бўлдилар мақош,
Бешланжи қонидин лаъл ўлди тош.

Олтиланжи тишига қилдилар жадал,
Они ҳам синдирдилар қилмай ҳаял.

Бу эмас деб етгисин айлаб гумон,
Саккиз-у тўққизни қилдилар ҳамон.

Яна ул эрнинг гумони тўлмади,
Ўнланжи тишини қонға булғади.

Ўн бир-у ўн иккисига етди шикаст,
Жазбайи шавқи илохий берди даст.

Оғзидин кўпик сочиб маст бўлди ул,
Айният айнига пайваст бўлди ул.

Дедилар кўнглига ул марди худо,
Айла оғзингдин бари тишни жудо.

Бўлғай алар ичида шояд бир тиши,
Ул паямбарнинг шаҳид ўлғон тиши.

Ушбу андеша била бомарҳабо,
Тошни урмоқ бирла бўлди боибо.

Тўкди оғзидин тамоми дурларин,
Синдириб гард этдилар гавҳарларин.

Кўр, не ишлар қилди ул кони шараф,
Хукқа холи қолди, дур бўлди талаф.

Шарти умматликни мавжуд айлади,
Ўттиз икки тишни нобуд айлади.

Ё илохий, ул паямбар ҳурмати,
Мундоқ иш қилғон ёронлар ҳурмати.

Барча мўъминга иноят айлагил,
Рост йўлингга сен ҳидоят айлагил.

Ёрлиқоғил омий-у хосийни ҳам,
Улар ичра Уммати осийни ҳам.

Мунда авлодини солғил туз йўла,
Анда аъмолини берғил ўнг қўла.

Ҳимматин тоатға қилғил сен баланд,
Илми раббонийдин айла аржуманд.

Мен каби осий-у расво қилмағил,
Матмойин қил тоши кийбо қилмағил.

Уммато, муъминлара қилдинг дуо,
Шояд этғайлар дуо онлар санго.

Сен кетиб, қолғай сўзинг олам аро,
Аҳли авлодинг қолар мотам аро.

Бу ҳикоятни ўқиб ёд айлағай,
Фотиҳада руҳингни шод айлағай.

Қилдим ушбу қиссани, эй хоси ом,
Минг икки юз эллик иккида тамом.

Этиб тарихи тозани шайху шоб,
Мустаҳиқ раҳмат этсунлар ҳисоб.

СОБИР САЙҚАЛИЙ ҚАЛАМИГА МАНСУБ НАЗМИЙ ҲИКОЯТ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

(Собир Сайқалий қаламига мансуб ушбу назмий ҳикоят ЎзР ФА ШИ қўлёмалар фондида №378-VI тартиб рақами билан сақланади. Уни Абдулғофур ибн Домла Адуссаттор ал-Булғорий деган котиб кўчирган. Шунингдек, мазкур фондда ушбу назмий ҳикоятнинг №1057-II тартиб рақами билан тўлиқ ва №5740-III тартиб рақами билан охири нуқсонли нусхалари ҳам мавжуддир)

Сано ул холиқи арзу самоға,
Дуруд ул тождори анбиёға.

Деди Ҳақ: “Барчадин афзал ҳабибим,
Икки дунё қариблардин қарибим”.

Муҳаммад Мустафодур ул шаҳи дин,
Ки, ондин тобти равнақ дини ойдин.

Эшитгил, дўстлар, мандин бу қисса,
Кўнгилдин шод, кетгай дарди ғусса.

Худойи ваҳдатдин бўлса иноят,
Қилойин бир ҳикоятдир ривоят.

Билинг ул Мустафо кунларда бир кун,
Сочибон кўзларидин ашки гулгун.

Дедилар ўлтурубон асҳоблариға,
Басе гирд ёнидаги аҳбоблариға:

“Билинглар, сизлара ман бир сўзим бор,
Қабул айласа, ҳар эр айлай изҳор.

Уч ойлик йўл эрур бул хизматим бас,
Бас, бу иш ҳар эрни кори эрмас”.

Бу сўзни айди ул султон икки йўл,
Ҳамма не диёрни билмай қолди ҳайрон.

Уч айғон сўнгра ул султони аброр,
Еридин турди Сиддиқ ила Каррор.

Дедилар йиғлашиб: “Эй, шоҳи олам,
Борайлик хизматингда иккимиз ҳам. (666).

Нечук хизмат баён айланг они сиз,
Борайлик ҳар қаён бўлса иккимиз”.

Деди ул Саййиди султони олам,
Ки, ул сардафтари авлоди одам:

“Сўзим улдур, эшитинг икки барно,
Икки олий карам, олий таманно.

Басе бир шоҳиким, оти Қарандур,
Ўшалким жониби шаҳри Ямандур.

Уч ойлик йўл эрур мундин биза ул,
Ки, бордур онда бир севар қул.

Вайс эрур онинг оти билинглар!
Ки, ман ҳар на десам ондоқ қилинглар!

Боринг, эмди, менинг хирқамни олиб,
Ўзи кийсун ўшал Тангрига толиб.

Муборак бул анинг қаддиға бўлсун!
Гуноҳи умматим Ҳақдин ўтунсун!”

Бу сўзларни эшитиб, онда асҳоб,
Туруб йиғлаштилар кўздин тўкуб об.

Йиғидин масжид ул-ҳайй кўл бўлди,
Мусаллолар бориси ҳўл бўлди.

Магар бўлди ўшал дам рўи махшар,
Боқиб асҳоблар суйи Пайгамбар.

Дедилар: “Эй, Расули Холики тоқ!
Бу мискин умматингга нечук қўрқмоқ?!”

Расул ул дамки йиғлаб зор-зори,
Деди: “Бўлмай Худога шармсори.

Чаро умматларим барча гуноҳкор?!
Худо ўткармаса, ул кор душвор.

Бас, ул Вайс эрур ул хос фарзанд,
Борингиз, эмди, сиз этмай жигарбанд. (67а).

Дейун сизга они билгуларини,
У фарзандимиз хулқи хўйларини.

Худони бир азиз этган кулидур,
Муҳаббат боғини бир булбулидур.

Кўрар кўзга ажаб девонадур ул,
Шароби ваҳдатдин мастонадур ул.

Худони зикридин ўзга иши йўқ,
Муборак оғзида ҳаргиз тиши йўқ.

Либосидур танида пора-пора,
Муҳаббат ўти бирла кўкси ёра.

Юрур “Ху!” деб ҳамиша кўкка боқиб,
Даҳонидин ба-ҳар сў кўфики оқиб.

Ҳақиқат ўти бирлан бағри куйган,
Тириклайин нафсини кўзини ўйган.

Они девона деб ҳар ким қачорлар,
Гўдаклар бошига туфрок сочорлар.

Эрур кўксига ишқи Зул-жалоли,
Худони ишкидин куйган у холи.

У холни кўрса ҳар бир одамизод,
Бўлур дўзах ўтидин жисми озод.

Басе, у холким мухри Худодур,
Сивойи Тангридин ул ҳам жудодур.

Худо дер, ўзгани ҳаргиз демас ул,
Бу ерга сизни кўргани келмас ул.

Нечукким, сизга бул амри Худодур,
Яқинийдур, гарчи ул мандин жудодур.

Боринглар, сиз анга икки кироми,
Дейингиз ангаки, мандин кўп саломи”.

Муни деб бердилар бир номаи хўб,
Ки, ул шоҳаншаҳи оламга марғуб. (676).

Видоъ айлаб аларни йўлга солди,
Дуога ёр бўлубон мунда қолди.

Абу Бакру Алий тебранди йўлга,
Юзин кўрмай кўнгул берди у қулга.

Суруб саъйи ила отин ул икки нур,
Борурдилар Худо зикрига мағрур.

Кезиб, чўллар ошиб боғу биёбон,
Ул икки раҳнамойи инс ила жон.

Дер эрдилар: “Аё, эй Холиқи кулл!
Қилибмиз, токи зотингга таваккул.

Бошимиздур сенинг солғон йўлингга,
Қачон етгаймиз ул севган қулингга.

Ўзинг еткурмасанг анга саломат,
Ажаб йўллар эрур сонсиз аломат”.

Буларни деб ул икки мағзи ислом,
Юрубон токи уч ой лайлу айём.

Қарон шаҳрига етдилар сарафроз,
Қарон шоҳи эшитиб, чиқти пешвоз.

Кўруб Сиддиқ бирла ул Алийни,
Зиёрат қилдилар икки валийни.

Тушурдилар, бориб бир жойи хоса,
Қилиб хизматлар ихлос ила ул шоҳа.

Азизлаб дер эдиким: “Эй, азизлар!
Атойи Ҳақ бўлуб хуш келдингизлар.

Деди шоҳи Қаронга анда Сиддиқ:
“Биродар, англа бу сўзни ба-таҳқиқ.

Ки, биз бир бандани истаб келомиз,
Тоғиб берсанг, анга бир ошномиз”.

Дедилар халқ аро белгуларини,
Тамоми тарзу гуфтугуларини. (68а).

Онингдек, амр қилди халқига шоҳ,
Бўлунглар, деб бу сўздин огоҳ.

Ўшал одамни излаб топинг, акнун,
Мусофирдур бул икки дурри макнун.

Қидурур эрдилар ҳар суй ба-суйи,
Қилиб бу сўзни ҳар ён гуфтуғуйи.

Сўролди ҳар сори шаҳр ила саҳро,
Вайс топилмади ул элдин асло.

Абу Бакру Алий икки неку рой,
Қарор олди Қаронда токи уч ой.

Вайс отлик кишидин ҳеч хабар йўқ,
Жаҳонда йўқни топмоқдин батар йўқ.

Вайс деб он қадар бўлдилар илҳок,
Бўлубон бедимок ул икки мушток.

Дедилар: “Биз они тобмай кетормиз,
Муҳаммад олдиға бориб не дермиз?!”.

Кўруб бул эрлар аҳволидин ул шох,
Чикорди жону дилдин оташин оҳ.

Ғазаб қилди, ҳамма халқи йиғилди,
Йигиту қарриси ҳам шаҳр ичра бўлди.

Дедилар, ҳар киши қўйсун ишини,
Топиб келсун ўшал айғон кишини.

Басе, етти яшор-етмиш яшорлар,
Сўрошиб ҳар тарафни ахтарурлар.

Яна ул шохни навкарлари ҳам,
Ки, уч ўғли қарошиб онда ҳам.

Сўродилар Вайсни ҳар қаёндин,
Кўрунган ҳар печук яхши-ямондин.

Ва лекин ул Вайс топилмади ҳеч,
Киши ул марди Ҳақни билмади ҳеч. (686).

Неча шаҳар, диёрларни қидириб,
Сўроғчилар тамоми келди қайтиб.

Алий айди: “Они ҳеч киши билмас,
Бу ерга турғопимиз суд қилмас”.

У ерда кўзига ёш олди йиглаб,
Ки, “Бисмиллох” деб ул турди сачраб.

Юруб ул шаҳр арода бозора кирди,
Турубон Ҳайдари бир наъра урди.

Йиғилди наърасини барча англаб,
Садоси бирла тоғлар турди жанграб.

Басе таҳқиқ ила ул шери Яздон,
Бўлубон жону дилдин онда жавлон.

Баланд овоз ила қичқурур эрди,
Йиғилган ул халойиқдин сўроди.

Дер эрди: – Вайс дегон девона кўргон,
Ўзидин беҳабар мастона кўргон.

Нишони кўксина бир оқ холи,
Ўзи ҳайрон эрур шикаста холи.

Бор эрди ул йиғинда бир хизмқаш,
Онинг ҳам кўксига етган эди реш.

Дедиким: “Эй Алий! Сен на сўрарсан,
Бу ерда ҳайдари наъра урарсан?!”

Алий ул бир эр кишига қилди изҳор:
“Сўроғимдур Вайс отлиқ дилафкор”.

Алийга айди ул эри жаҳонбийн:
“Ажаб девонадур ул Вайси мискин.

Они жойи бу ерларга эмасдур,
Ўзинг гар бормасанг мунда келмасдур”.

Алий айди: “Манга айт, жойи қанда?
Алий бўлсун сени сўзингга банда! (69а).

Алий айди: “Они жўёнидурман,
Йўлуқса олдига қурбонидурман!”.

Деди: “Берай жавоб нени сўрарсан,
Агар учраса они на килурсан?”

Деди: “Ул эр десам ахборини чун,
Ўтун сотар эрди мунда туну кун.

Ўтуини ҳамиша сотар уч пул,
Бирини Ҳақ йўлига хайр этар ул.

Иккисини қилибон харжи хона,
Яна қайтиб кетарда ул девона.

Ўзини кўрсангиз бир хоксори,
Килур ҳар ким кўрон ўзларини ори.

Юрур бозорлара ул заъфарондек,
Юзини кўрсангиз барги хазондек.

Йиғилур жамъи гўдаклар қошига,
Урарлар тош олиб онинг бошига.

Оқар рухсорасидин ҳар сори қон,
Кўзи кўкка боқар ҳар ёна сарсон.

Бу ҳол ила яна қайтиб кетар ул,
Келур ҳар неча муддатларда бир йўл.

Они келгонини ҳеч киши билмас,
Юрур ҳар қайда пинҳон, ҳам кўрунмас.

Они мен келгонини хўб билурман,
Яна қайтиб кеторин ҳам билурман.

Ўзи тоғда дурур уч кун ораси,
Кўрунмас бул якинларда қораси.

Яна бордур онинг ҳам бир онаси,
Кўзи йўқтур, шолдур ҳам кўнтур яроси.

Яна бир эчкуси бордур соғар суг,
Қилур ул сутни онаси бирла кут. (696).

Эрур дойим онаси хизматида,
Агар билсанг Вайс отлик у банда”.

Алий у сўзни англаб ул бободин,
Ёниб Сиддик қошиға борди ул ҳийн.

Алий айди: “Суюнчи, эй рафиким!
Дарак бўлдики, ул ёри хақиким!”

Суюниб турдилар Сиддику Ҳайдар,
Қилиб ул эрни ўзларига раҳбар.

Чиқиб шаҳри Қарондин сурдилар от,
Ул икки авлиёи олий мақомот.

Якинлаб бордилар олий мақома,
Хабар етди магар ул хуш хирома.

Ўтурурди Вайс ул дам уйинда,
Онасиға дедиким: “Эй, волида!

Келодур икки дўстдори Мухаммад,
Абу Бакру Алий ёри Мухаммад.

Алар олдиға чиқсам, бўлса рухсат,
Якинлаб келдилар мунда бу фурсат”.

Онаси деди: “Эй, фарзанди жоним!
Алардур Ҳақ юборган меҳмоним”.

Вайс чиқти алар олдиға пешвоз,
Кўруб Вайсни ул икки олий парвоз.

Саросар ул замон тушти отидин,
Булуб парвоналар ул қоматидин.

Югуруб бир-бири бирлан кўрушти,
Талаттуфлар билан ҳолин сўрушти.

Деди Вайс: “Эй, икки бузрут азизлар!
Каминани сўраб хуш келдингизлар!”

Добон ул Вайс меҳмонин тушуруб,
Тавозъ бирла бир-бирига гапуруб. (70а).

Ўтурурлар бўлуб чун шоду хуррам,
Бу уч нурдин тўлуб ҳам жумла олам.

Туруб таъзим ила Сиддику Ҳайдар,
Дедилар: “Эй, Вайси олий ахтар!

Кетурдик биз иккимиз бир паёми,
Расулуллоҳ сизга айди саломи!

Деди, яъни ўшал шохи хирадманд,
Вайс манга икки дунёда фарзанд.

Муҳаммад онча меҳрибонлик айларди,
Муборак хирқасин сизга юборди.

Дедиким, Вайс менинг хирқамни кийсун!
Гуноҳкор умматим Ҳақдин ўтунсун!”

Бу сўзларни эшитиб Вайси бо-ақл,
Дедиким: “Эй, қосиди икки хушнақл!

Икки олам чирогидур Муҳаммад,
Мани шармандаи оламга на ҳад!

Ҳамиша орзуманди эрурман,
Нечук айтайки, фарзанд эрурман.

Они ҳар кимки кўрди бўлди асҳоб,
Ки, бўлди ҳар бириси дурри ноёб.

Мани саргашта ҳаргиз кўргоним йўк,
Даме мажлисиға ўлтургоним йўк.

Нечук лойик бўлай касби камола,
Нечук тил бирла айтай Зул-жалола.

Муҳаммад умматин ўтган гуноҳин,
Ки, тутмоғдур кулингни узрхоҳин.

Ки, ман девонаи кулгу бу халқа,
Нечук манга муносибдур бу хирқа?!

Расулulloҳ жаҳонга раҳнамодур,
Ул эрур, яъни мандин огоҳдур”. (706).

Муни деб Вайс пинҳон этди ўзни,
Деди Сиддику Ҳайдар: “Ол, бу сўзни!”

Ки, охир бўлди ул Вайси акмал,
Деди: “Айланг таваккуф, икки афзал”.

Вайс борди алардин жойи хилват,
Таҳорат устига айлаб таҳорат.

Муҳаммад Мустафони қавли бирлан,
Худога сажда айлаб жони бирлан.

Дугона ўкиди ниййат ба-ҳожат,
Охири саждада қилди муножот:

“Илоҳи, ғофиру саттор отингдин,
Муҳаммад Мустафони хурматидин.

Ижобат айла бул Вайсингни оҳин,
Бағишла уммати Аҳмад гуноҳин.

Илоҳи, хиркаи покий ҳақидин,
Вайсни сийнаи чоки ҳақидин.

Уммати Мустафони шод қилгил!
Тамуғни ўтидин озод қилгил!”

Нидо келдики, хотифдин ул Вайса:
“Бағишладимки, тўртдин бир ҳисса!”

Яна айди Вайс: “Ё Холиқи арш!
Икки тўрт маҳқуминг аслина фарш. (?)⁴.

Ўтар бўлсанг, сенинг олдингда осон,
Ва илло банданга на ҳадду на имкон”.

Яна келди нидо ул подшоҳдин:
“Кечурдим икки ҳиссасин гуноҳдин.

Ки, эмди саждадин бошинг кўтаргил,
Худони раҳматидин шод бўлгил. (71а).

Ки, колғон ёримин рўзи қиёмат,
Муҳаммад Мустафо айлар шафоат”.

Вайс айди: “Кўтармасман бошимни,
Йўлингда ўтқариб етмиш ёшимни.

Тилогон йўқ эрдим сандин, илоҳи.
Ўтарсан эмди умматни гуноҳи.

Агарчи рўсиях шармандадурман,
Бугун сандин тилогон бандадурман.

Тилабман сандин умматлар гуноҳин,
Кўтаргил номадин ёзган сиёҳин”.

Добон айтди Вайс ерга қўюб бош,
Худо ул қулга инъом айлади жош.

⁴ ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган нусхадаги рақами ўчиб кетган.

Яна келди нидо аз олами ғайб,
Зи суйи ҳазрати султони ло райб:

“Кўтар бошинг, аё, эй Вайси мискин!
Ки, ўтдим тўртдин уч хисса гунохин!”

Ижобат бўлди ул Вайснинг дуоси,
Яна бир сабзхат мужда худоси.

Юборди ул Вайс олди қўлига,
Қилиб жонин фидо Аҳмад йўлига.

Бўлуб ҳўл саждагоҳи кўз ёшина,
Хувайдо файзи субҳоний бошинда.

Туруб мардонавор илкина бир хат,
Бўлуб шоҳдин қўлига анда рухсат.

Ул икки ёрни олдига келди,
Алар ҳам ушбу кайфиятни билди.

Дедилар: “Тангри ёрлиғи бу хатдур,
Бори чиндур қачон мунда ғалатдур?!”

Дебон ул икки шоҳи олий ул-қадр,
Вайс бирла бўлуб ёрий-у биродар. (716).

Ки, кўрдилар Муҳаммад хирқасини,
Кўруб кўзлари бирла нашъасини.

Муборак бод, деб, бас, бўлдилар шод,
Ғаму кулфат бу ерда бўлди барбод.

Ки, ондин сўнграким Сиддику Ҳайдар,
Вайсга дедиларким: “Эй, биродар!

Ижозат бўлса, кетсак суйи Аҳмад,
Ки, бизга мунтазирдур ул Муҳаммад”.

Алардин эшитиб ул кутб ул-актоб,
Деди: “Эмди, борингиз икки офтоб.

Ки, ҳар вақт етсангиз ул хуш фариза,
Камина бандадин айтунг ариза”.

Дебон эъзозу хуш бирлан кузотди,
Чикиб орқаларидин йўл узотди.

Видоъ айлаб Вайсга ул икки шоҳ,
Кезардилар ба-суръат манзилу роҳ.

Ба-амри Қодиру Рабб ул-жалили,
Ки, тортди ер томурин Жаброили.

Уч ойлик йўлини уч кунда олибон,
Басе, Сиддиқ ила ул Шоҳи мардон.

Етиб борди Муҳаммадни қошиға,
Бўлуб парвона, ўргулди бошиға.

Булар Аҳмад жамолидин бўлуб маст,
Иккисини ҳуши ҳам кетди аз даст.

Йиқилдилар бўлубон онда бетоб,
Кўтардилар азизлаб жумла асҳоб.

Боқиб Аҳмад иккисин юзларина,
Олибон бошларини ҳам тизларина.

Паришон ҳол турар эрди Муҳаммад,
На бўлди, деб ҳамма ёрони Аҳмад. (72а).

Боқардилар ул икки ой юзига,
Замондин сўнг алар келди ўзига.

Туруб ул дам Абу Бакр ила Ҳайдар,
Дедиларким боқиб суйи Пайғамбар:

“Бу хатдур мунда сизга, акнун,
Тамоми лутфи ул Халлоки бечун”.

Басе, ул хатни кўрди Шоҳи мухтор,
Худодин меҳрибонлиқларни изҳор.

Дедилар: “Эй, ёр-ёрони жумла асҳоб!
Гувоҳи ҳол бўлингиз барча аҳбоб!

Басе, ул Вайс манинг фарзандим эрди,
Икки дунёда ул хурсандим эрди.

Они Тангри таоло шод этибдур,
Мани умматларим озод этибдур!

Вале, тўртдин бири рўзи қиёмат,
Иноят бўлса, ман қилғум шафоат!”.

Бу сўздин шод бўлди жумла уммат,
Кел, эмди, Собирий қил сўзни таммат. (726).

“ВАЙС УЛ-ҚАРАНИЙ” НОМЛИ НАЗМИЙ ҲИКОЯТ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

(Ушбу назмий ҳикоят “Вайс ул-Қараний” деб аталган бўлиб, тошбосмада чоп этилган. Аммо қаерда нашр этилгани кўрсатилмаган. Хаттот ва ноширнинг номи ҳам зикр этилмаган. Ҳаракатлари қўйилган насх хатида, ҳар бир саҳифада 13 байтдан китобат қилинган. Ушбу нашрнинг бир адади ЎзР ФА ШИ тошбосма асарлар фондида №16951 тартиб рақами билан сақланади. Озарбойжонча ушбу ҳикоятнинг баъзи сўзларини биз ўзимизнинг тилимизда беришга ҳаракат қилдик)

Эй кўнгул, булбул киби айла афгон,
Чунки гулдин айри душдинг бир замон.

Чархи ғаддор кўрки, манга найлади,
Кўнглум уйин йикди, вайрон айлади.

Дод алидин кима фарёд этайлик,
Чун азалдин бу эмиш оҳ нетайлик.

Ривоят шўйладир Вайс ал-Қароний,
Ул Аллоҳнинг ҳабибининг ёрони.

Ул муборак ҳам иқлими Ямаңда,
Бир кўйи бор эди анинг Қаранда.

Хумоюн манзили олий макондир,
Шарафда қудратила учондир.

Муҳаммад ҳазрати Ҳақнинг ҳабиби,
Туғулгон Маккада, бўлғони каби.

Қаранда туғилди бир хуршиди тобон,
Малак суратли, фаҳри оли инсон.

Гуруҳи авлиё ичинда маъруф,
Саросар хусни ахлоқ-ла маъруф.

Ҳабиби Мустафодан гизламиш Ҳақ,
Увайсни кўрмамиш Султони мутлак.

Демиш “Тазкир” ичинда Шайхи Аттор,
Муҳаммад-ла Увайс ҳолини, эй ёр.

Агарчи Мустафони орзуларди,
Вале, аносин кўнглин кўзлар эрди.

Бўлуб бир карра ғолиб иштиёки,
Расулнинг анга кор этди фироқи.

Аносидан олубон бир ижоза,
Деди: “Баройин ул шоҳи Ҳижоза.

Карам қил, эй ано, дастур манга бер,
Кўзум бўлсин жамоли-ла пурнур.

Неча биргаким фуркат азобин,
Кўрайин ул ду олам подшоҳин”.

Аноси дедиким: “Эй, қуррат ул-айн!
Манинг кўнглимни этарсан зайн.

Агарким, борасен тўғри қошина,
Кўруб дийдорини жонинг бошина.

Қарин ўлгач, ул хуршиди моҳа,
Этиб мандин салом ул подшоҳа”.

Заифа бечора ҳам гадо хол,
Салоти-ла салом айлади ирсол.

Деди: “Осийлара чун шафқат этар,
Унутмасин шафоатдин мани гар.

Заифам, осиям, бечорасиям,
Онинг даргоҳининг овворасиям.

Муҳаммад содиқ ул-ваъд, ал-аминдур.
Муҳаммад раҳматан лил-оламиндур.

Гар уйда бўлмас эса, бетакаллуф,
Қайтасен онда қилмасдин тавақкуф.

Агар масжидда, агар ғайри ерда,
Чу бўлмаса, равон турмагин онда”.

Аноси чунки қилди анга таъкид,
Равон бўлди Увайс султони тажрид.

Увайс эрди чу даргоҳи расула,
Адаб бирла туруб шарту усула.

Чоғуруб деди: “Ай, марди кона,
Салом ўлсун санга, ё аҳли хона!”

Ойиша қапунинг ордина галди,
Саломин лутф ила иззат-ла олди.

Деди: “Ким сен, на дерсан, надир одинг?
Бу даргоҳдин надир асли муродинг?”

Увайс айтар: “Қани ул жони олам?
Муҳаммад Мустафо султони олам?”

Ойиша айтурки: “Қайдан келурсан?
Надир одинг, на миллатдин бўлурсан?”

Деди: “Иқлимимиз бизнинг Ямандир,
Увайсдир одим, кўйим Қарандир.

Дедиким Ойиша ҳам: “Овдадир ул,
Бир оз сабр айла, ай, хазратда мақбул!”

Дедиким: “Турмаға йўқ манга дастур,
Ризойи волидам ғолиб ўлубдур.

Этиб мандин салом ул шоҳа,
Келганда дегайсиз ул подшоҳа.

Муҳиббинг, содиқинг галди Қарандан,
Шафоати-ла раҳмат ўлса сандан.

Деки, лутф этсун ул Ҳакнинг ҳабиби,
Унутмасун шафоатдан ғариби.

Ризои волидам бўлмасди қойила,
Қолардим даргоҳинда йиллар ила.

Ба-ҳаққи подшоҳи ҳаййу қайюм,
Қарамдин қилмасун мискинни маҳрум”.

Амонат сизлара, деди-ю қайтди,
Бу ҳола Ойиша ғоят севинди.

Бироздан сўнг галди овдан Муҳаммад,
Деди Ойиша: “Ё шоҳи Аҳмад!

Муҳиббинг, содиқинг галди Қарандин,
Увайс оди, ул иклими Ямандин.

Сафар заҳматларин чекиб келди мискин,
Сизи кўрмасдан кетди зору ғамгин.

Эшитди, Ҳазрати Саййид севинди,
Ва лекин кўрмагонига куйинди.

Деди: “Кўрдингми, ё Ойишаи сад?!”
Дедиким: “Кўрдим, эй Султони Аҳмад!”

Кўзини Ойишанинг ўпди ул шох,
Дедиким: “Нури айнайн, боракаллоҳ!”

Дўниб, бас, масжида борди Муҳаммад,
Ҳабибуллоҳдир ул Султони Аҳмад.

Деди асҳоба ул хосони Аҳмад:
“Маним кўзларими қилинг зиёрат!

Иноят-ла Худонинг лутфи эрди,
Кўзим Вайсни кўрган кўзларни кўрди!”

Эшитубон сафо касб айладилар,
Ҳаққа кўп-кўп шукрлар айладилар.

Яна қайтиб Увайс уйина галди,
Яна қанча риёзат бирла турди.

Саҳардан кечгача соим эди ул,
Кечалар субҳгача қоим эди ул.

Ибодатлар қилурди содикона,
Ёнарди ишқ ўтига ошиқона.

Дам бўлар, уч кеча-кундуз емасди,
Унутарди, очикдим ҳам демасди.

Ибодат доим анга одат эрди,
Малак каби ғизоси тоат эрди.

Туя кутарди бориб ул ёбонда,
Ҳамиша ёлғиз бўларди онда.

Йирок бўлганди халкиндан жаҳоннинг,
Яқин бўлганди Ҳаққа жони онинг.

Шу хилда қилди мадҳи Вайсни Аҳмад,
Ки, бўлди ишқи кўнгулларда беҳад.

Барча асҳоблар ошиқ бўлди жондан,
Хабар сўрмоққа бошладилар ондан.

Деди асҳоб: “Ай, маҳбуби Борий!
Сизи кўрмади Увайс ал-Қароний”.

Деди: “Кўрмага бизи саъй этди,
Насиб бўлмади мискин келди-кетди...”.

Дедилар: “Чунки келди, чекди захмат,
Нечун кўрмади, кетди... надир ҳикмат?!”

“Қари ҳол онаси бор, икки кўзсиз,
Риоят қилур анга кеча-кундуз.

Ижозат бермаган турмаға анга,
Онинг чун турмаган галинжа манга”.

Онинг ҳақида кўп сўз деди Аҳмад,
Набийлар сарвари шоҳи Муҳаммад.

Ки, айларди малак каби ибодат,
Ҳамиша одат эрди анга тоат.

Малак каби этуб тасбиҳни доим,
Турарди субҳ бўлгунча шўйла қоим.

Иккинчи кеча қилурди рукуъни,
Кузатиб субҳгача роҳи хушуъни.

Учинчи кечада қилурди сажда,
Урарди саждаси ичинда важдда.

Сўнг жумлалар ҳашр бўлгунча охир,
Бўлажак ҳар кишининг ҳоли зоҳир.

Мақомин биладур ҳар киши анда,
Дўзахда кимиси, кими-да бандда.

Мақоминда туриб ул Шоҳи кавнайн,
Муҳаммад шоҳи қоба қавсайн.

Боқарди ҳар ёнга ҳасратла Аҳмад,
Дея: “Қайда бўлар Вайси мужаррад?”

Хитоби иззат қилар: “Ё ҳабибим!
На истарсан, аё олий насибим?”

Деяр: “Вайсни тиларман, ё илоҳий!
Деярки Ҳақ: “Эй, ду олам подшоҳи!

Мани кўрмак, сани кўрмак на ҳожат,
Маним мақсудим ё хубби саодат.

Мани кўрмак сани кўрмак кабидир,
Манга тоат санга итоат кабидир.

Маним қулларима қилмоға иршод,
Сани яратдим, ай, Султони уббод!

Санинг чун яратдим ҳар наким бор,
Вале, Вайсни маним чун этдим, эй ёр!”

Бу янглиғ биз келайлик ўз ҳолимиза,
Яна бошлай қолайлик аҳволимиза.

Бас, охир Мустафо султони кавнайн,
Нубувват буржи ҳам коба қавсайн.

Жаҳондин қилгани вақт интиқоли,
Ғолиб бўлиб Ҳақнинг шавки жамоли.

Қилиб мажмуъи аҳволи васийят,
Висоли Ҳаққа қилғонида нийят.

Наким бор эса ул ҳолатда лозим,
Васийят қилди ул султону ҳоким.

Хилофат амрини берди Атиқа,
Насихат қилди Сиддиқи Садиқа.

Деди: “Қилубон ислома риоят,
Эдуб нафсинг киби халқа саодат

Ҳақкинг амрини гатуруб ерина
Деди: ай, султони бари саҳоба!

Муборак кийим киярди ҳазратингиз,
Кима вермакдирир ул ниятингиз”.

Деди лутф ила ул султони анфаъ:
“Ки, Вайса лойикидир ул мураббаъ!

Ҳақкинг амрила мавт экандур манга,
Умар ила Али борсунлар анга.

Увайса мандан айласун саломи,
Юз уруб сўйлангиз бу каломи.

Карамдан умматима ҳиммат этсун,
Ҳузури Ҳақдан арзи ҳожат этсун.

Қариндошлик ҳақкин элтуб ерина,
Дурушсун умматим осийларина.

Ғанийдир марҳамат этсун фақира,
Қўймосун кетмага нори саъира.

Чун, Ҳаққа азм айлади Аҳмад,
Ёнуб йиқилди асҳоби Муҳаммад.

Яқолар чок эдубон дўкдилар ёш,
Қўюб бошлара тупроқ дўкдилар ёш.

Қўйдилар манзилина моҳтоби,
Мунаввар этдилар жисма туроби.

У дамда чок ўлуб ғамдан юраклар,
Фалакларда қаро гийди малаклар.

Жигарлари даҳи гирёну бирён,
Бас, ул жони ярина қувди ёрон.

Бас, ондан сўнгра Форук ила Ҳайдар,
Расулинг амрила ул икки ар.

Қилуб бунларда, фарёду фиғонлар,
Кедарлар йўллара ул икки жонлар.

Олуб гирён, бир ён айлаюб ох,
Элитурлар чу шахри Кўфая рох.

Салом айладилар, бас, муслимийна,
Ҳамма жам ўлдилар Кўфа жомеъийна.

Расулунг мавтини чунки билардир,
У халқинг жонина дардила ўқдур.

Чун, ул бир замон ёнмоқ-ёқилмоқ,
Паришонлиқ ва кўнгиллар йиқилмоқ.

Бас, ондан муслимийна фахри асҳоб,
Хитоб айлади Умар ибни Хаттоб.

Деди: “Кимсана бормидир Ямандан,
Муродим борки, сўрам они ондан”.

Бас, ондан тўғри галди бир пора инсон,
Дедилар: “Биз Яман аҳлимиз, эй жон!”

Буюрингиз биза сўзунг гўралим,
Анга кўра сиза жавоб бералим”.

Деди: “Билурмисиз онда биров бор,
Оди Вайс ал-Қароний тожи сарвар!?”

Дедилар: “Ё Амир ал-муслимийн, бор,
Вале сўрашга йўк онда миқдор.

Дева кутар ябонда бир далидур,
Эл ичинда ади белгули эмасдур.

Иши доим дева кутиб-кузатмак,
Берарлар ахшомин бир пора емак.

Кимин қайғуси ёр, кимга аноси,
Ёрим емак дурур онинг ризоси.

Бош очик, ёланг аёк бир арабдур,
Сиза сўрмаклик они кай ажабдур!

Сабаб надир анга толиб ўлурсиз,
Ёхуд кимдирки, ул они сўрарсиз.

Умар айтарки, улдур ҳожатимиз,
Анга етишмоқ дурур муродимиз.

Расулulloҳ ул султони Аҳмад,
Муҳаммад Мустафо султони Аҳмад.

Вафот этдикда ул шоҳи рисолат,
Анга уч хирқасин қилди васиййат.

Деди: борсун анга Форуку Ҳайдар,
Бизим шундан муродимиздир ул ар.

Йўлбошчи олдилар ул дам амирайн,
Равон ўлди ул икки қуррат ул-айн.

Икки маҳбубга бўлди инояти Борий,
Эришдилар Қаран кўйина бори.

Суруб онда аробадан тушдилар,
Увайсинг ёнина ул дам кирдилар.

Кўрарлар ул муборак зоти мақбул,
Дедилар: “Истармисан бу ерда манзил.

Вале, ай Худодан халқа раҳмат!
Қабул айла Муҳаммаддан васиййат.

Қабул эт хирқаи кийгил эгнингга,
Рисолат ҳукми-ла галдик ёнингга:

Деди: “Ҳақдан диласун умматими,
Қабул этсун маним васийятими!”.

“Ки, ман бу иззата лоиқ эмасман,
Бу манзил аҳли бўлган эмасман”.

Демишди Мустафо султони мухтор,
Соғ алинда онинг оқ доғи бор.

Умар айдик: “Ай, султони мардум!
Муборак алиинг бир оч, кўрайим”.

Алин очиб, чу кўрдилар они.
Ҳақиқат билдилар Вайс ал-Қароний.

“Ҳабибуллоҳнинг амрина мутеъ бўл,
Гунаҳкор умматина сан шафеъ бўл.

Деди: “Бас, мунтазир бўлунг бироздан,
Ки, Ҳазрата арзи ҳожат этай ман”.

Бас, олиб хирқаи борди канора,
Тазарруъ айлади Парвардигора.

Деди: “Ё раб, қарам қил лутфунг ила,
Гунаҳкор умматин манга боғишла!”

Хитоби иззат эрди анга Ҳақдан:
“Боғишладим неча минг осийни ман!”

Увайс айтар: “Қарам қил, ё илоҳий!
Боғишла жумладан аҳли гуноҳи!”

Агар боғишламассан умматини,
Илоҳий, нега кейай хилъатини.

Яқин эди, бу ҳол ичинда аҳаб,
Деди Умара ул маҳбуби аҳаб.

Увайс айтди, ажаб нолиди оҳ,
“Бағишларди ҳамма осийни Аллоҳ!

Дариғо, келдинг, эй Умар, бу дамда,
Осий уммат ажаб қолди на дамда.

Ҳоло, қутилди кўпи, қолди ози,
Улар учун Расул этсун ниёзи”.

Киубон хиркаи қилди дуои,
Олубон умматини Мустафойи.

Видоъ этуб, бас, дўндилар онлар,
Соғ-осон уйларига галди онлар.

Йена галдик биз аҳволи Вайса,
Қаран халкина маълум бўлди эса.

Қаран аҳли бунга ҳурматлар этди,
Ҳамма одамларни у ҳам ҳурмат этди.

Аноси ҳам Ҳақ амрина гетди,
Ҳамон дам, ул диёрни тарк этди.

Зарурий лозим ўлди анга ҳурмат,
Этар бўлди ҳама халқ анга иззат.

Қочубан Кўфая борди Қарандан,
Чу билдилар, кўнгул кўтарди ундан.

Ки, ондан сўнгра кўрмадилар они,
Ки, бўлди олам ичинда ниҳони.

Рижоли ғайба қоришди бас ондан,
Туриб онлар ичинда қилди сайрон.

Гал, эмди, тингла бу сўздан яна сан,
Деяйлик Вайснинг аҳволин, эй жон.

Галалик йена аҳволи Увайса,
Кўрайлик қиссаи сўзи на эса.

Магарким, хосси маҳбуби илоҳи,
Дева жуниндан урилмиш кулоҳи.

Дикаркан ул кулоҳни бандан хос,
Ўкур ҳар игна учун минг ихлос.

Карамдан бағишлар Илоҳим уммат,
Ҳар игнаси чун минг осий уммат.

Осилмишдир шўйла аршдан ул тож,
Нечаси они кўрмага муҳтож.

Расулulloҳ чу мадҳин айлар они,
Эмас мадҳина ҳожат айлар они.

Онинг ҳар киши билмас васфи ҳолин,
Худо билур онинг васфи камолин.

Кеча-кундуз неча кун соим эди,
Кечалар субҳача, ул қоим эди.

Бўлгайсан Вайс каби аҳли тажрид,
Бўлгайсан Ҳақ ёнинда аҳли тавҳид.

Ўқиганни, тинглаганни, ёзганни,
Раҳматинг-ла ёрлиқоғил, ё ғаний!

ЗАВҚИЙ ҚАЛАМИГА МАНСУБ НАЗМИЙ ҲИКОЯТ

(Ушбу назмий ҳикоятнинг охириги бандида Завқий таҳаллуסי ишлатилган. Ҳикоятнинг хоразмлик моҳир шоир ва хаттот Орзу Урганжий қўли билан кўчирилган нусхаси мавжуд)

Насли одам бўлди пайдо, аввало, кудрат учун,
Ҳақ туфайли халқ этиб эрди бари Аҳмад учун,
Деб эди “Қолу: бало!” руҳинг сани меҳнат учун,
Бир дуо айланг мени расвойи бир ғурбат учун,
Қоба қавсайноға борғон курби Онҳазрат учун.

Бордилар меърожға бир кун Расули мужтабо,
Қоба қавсайно-у ав-адноға борди Мустафо,
Маҳрами асрордин Аҳмадга билдирди Худо,
Олдилар уммат гуноҳини тилаб, айлаб дуо,
Ҳақ таолодин талаб айлаб дуо уммат учун.

Умматимдин тинди кўнглим деб келиб меърождин,
Айлайн бир дам фароғат деб даме дуррождин,
Келди бир ояти азоб нозил бўлуб Ваҳҳобдин,
Умматинг аҳволидин олғил хабар арбобдин,
Оҳ, деб қилди Расулуллоҳ ғами уммат учун.

Деди: эй Тангрим, у кунда ёрлиқаб эрдинг манга,
Тавба қилдим, эй Худоё, мағфират қилғил манга,
Тоғ ичинда бор эрур ул эр берур ёри манга,
Тўрт ёриға бокиб, деди дуо қилсун манга,
Ул дуойи хайр қилсун Тангриға уммат учун.

Еткурунг аввал паёмим, сўнгра хирқамни мани,
Умматимдин тинмади кўнглум, дуо қилсун ани,
Тоғ ичиндадур ул эрни, бил, мақоми маскани,
Вайс дерлар одини, улдур Худони маҳрами,
Юбориб Вайса ридо-у хирқани нисбат учун.

Олдилар ул дам ридо-у хирқани йиглаб ҳамон,
Ким қачон топғаймиз ул эрни дебон ғайрат билон,
Кўз очиб юмғанча, дедилар, Қаран сори Яман,

Тоғ ичинда бир каро кийган кишин айлаб гумон,
Бердилар анга салом оллида кўп иззат учун.

Вайс онларға боқиб деди на янглиғ эрсиз,
Гар хабар берсак маконимиз Мадина шахримиз,
Қиссамиз дуну дароз, биз тўрт расулни ёримиз,
Ҳақ таолодин тилаб уммат гуноҳин олингиз,
Вайс бўдилар равон боғлаб белин хизмат учун.

Чун таҳорат тоза айлаб, солди хирқа эгнига,
Ҳув дебон бўлди равон кийди амома бошиға,
Очликдин боғлабон сангги қаноат белиға,
Чикдилар “Ё Ҳаййи доно!” деб Муножот тоғина,
Ўқидилар онда ду ракъат намоз ҳожат учун.

Қўл кўтариб деди: Тангрим, сан мани додимға ет,
Бандаи бечорадурман оҳи фарёдимға ет,
Ул Муҳаммад ҳурматидин, эй Худо, додимға ет,
Сан ерурсан Холиқи арзу само, додимға ет,
Келди хотифдин нидо берай санга шафқат учун.

Келди шул вақт нидоёе: Вайс, на матлаб санга,
Вайс дедилар: Муҳаммад уммати матлаб манга,
Ул гунаҳкор осийларни юз тутубдурман санга,
Ҳақ таоло деди: ё дўстим, берай нисфин санга,
Вайс куллийсин гуноҳини тилаб уммат учун.

Деди: эй Тангрим, қиёмат кун кўруб авбошни,
Қиз ано, ота ўғулға бокмағай кардошни,
Осмон сори боқиб тўқди кўзидин ёшни,
Олдилар шул дам муборак қўллариға тошни,
Ҳамма тишин айлади нобуд Онҳазрат учун.

Бўлди шул дам ғулғула тушди тўққуз афлок аро,
Сафларида ростлик қолмай малаки саммок аро,
Барча махлуқот йиғлаб қўйди бошин хок аро,
Гўё, бўлди қиёмат, ўт тушуб хошок аро,
Осийларға қил карам, ё раб, ғами кулфат учун.

Келди шул вақт Вайсга раҳмат этти,
Икки ҳиссасин гуноҳини бу кун раҳмат этти,
Қолғони бир ҳиссасин тошга қиёмат кун утти,
Ким Муҳаммад уммати бўлса опи раҳмат этти,
Ман азалда халқ қилиб эрдим борин раҳмат учун.

Дарғахинга бош қўйуб келдим Худо умид этиб,
Куллийсин ўтгин гуноҳин қўймағил навмид этиб,
Очиб эрди боби раҳматни Худойим лутф этиб,
Келди шул вақтда Расулни тўрт ёрони этиб,
Вайс бўлдилар малул айлаб дуо уммат учун.

Вайс онларга боқиб, деди: аё шоҳи араб,
Бесабриқ қилдингизлар, кўп эди ҳақдин талаб,
Бериб эрди икки ҳиссасин гуноҳин ҳукми раб,
Қолғони бир ҳиссасини ҳам олур эрдим тилаб,
Қойтинг эмди, бизни ҳам уммат десун рағбат учун.

Ёндилар ул тўрт ёрони Расули инсу жон,
Келдилар шул дам муборак борғоҳиға ҳамон,
Қиссаларни қилдилар чун Ҳазрат оллида баён,
Вайсга қилди дуо Пайғамбари охир замон,
Кулли асҳоб деди омин уммата раҳмат учун.

Қўл кўтариб йиғлади шул вақт муножота Расул,
Қолғони бир ҳиссасин ҳаққида кўп эрди малул,
Келди шул дам Жабраили некном айлаб нузул,
Оманар расул дегон оят юборди жузви кул,
Деди Раббим: халқ этибман лойиқи жаннат учун.

Ғар Худо деса банда лутфиға афғандасан,
Чун Муҳаммад умматим деса на янглиғ бандасан,
Вар на юз қайтарса сандин, не ажаб шармандасан,
Нух фалак амрингда юрса боз охир бандасан,
Қахридин кўрқуб, уммидим лутфидин раҳмат учун.

Завқийи дилхастаам келдим муборак равзанга,
Бандаи бечорадурман раҳм қил бу ҳолима,
Юз қаро келдим оқарғой деб маборак равзанга,

**Бир тарахдум айлабон солғил назар аҳволима,
Равзанга суртуб қаро бўлгон юзим шафқат учун.**

“ХОРАЗМ ТАРИХИ ВА УНДАГИ ЗИЁРАТГОҲ ЖОЙЛАР” НОМЛИ ҚЎЛЁЗМАДАН ПАРЧА

Бисмиллохир раҳмонир раҳим

ЎЗР ФА ШИ қўлёмалар фондида сақланаётган № 7700 тартиб рақамли қўлёммага шартли равишда “Хоразм тарихи ва ундаги зиёратгоҳ жойлар” деб ном қўйилган. Унда Увайс Қараний ва унинг зиёратгоҳи ҳақида ҳам сўз юритилади.

(46 а) бетда:

Кел, эй сокий, санга қилдим ишорат,
Хароб ўлғусидур охир иморат.

Хароб ўлғон чу кўрдинг бу калаъи,
Бўлубдур барча вайронликда котий.

Ўт ул вайроналарни кўзга илмай,
Етуш мақсад сариға шак қилмай.

Югур “Хув” деб, қўюб юз тоғ сори,
Юрурсан тоғ аро боғ-роғ сори.

Кўнгул маъмурин сан этгил иморат,
Бориб Вайс ул-Қаранни кил зиёрат.

Худонинг бандаи марғубидур ул,
Расулulloҳнинг махбубидур ул.

Демишлар Ҳак расули бешаку зан:
“Ли-анний важадту нафс ар-Раҳмон мин қибал Яман!”.

Эрур ушбу ҳадиси бо-башорат,
Ки Султон ал-Увайсийдин иборат.

Ладуний илм дарёсиға ғарқоб,
Эмиш ул баҳр аро бир дурри ноёб...

Китобда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хирқаларини Увайс Қаранийга бериб юборганлари, кейин Ҳазрати Умар ва Алиларнинг Увайс олдига борганлари, кейин Увайснинг муножот қилганлари натижасида “Сулсони уммат” (Уммати Муҳаммадийнинг учдан икки қисми) бағишланганлиги ривоят қилинади. Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меърожга чиқиб, Мусо алайҳиссалом Бурхни тилаганларидек, дўст тилаб, Увайсни олганлари айтилади. Шунинг натижаси ўларок, кейинчалик ул зоти шариф хирқаларини юборганлари баён қилинади. Кейин:

Увайс йўлга солиб гумроҳларни, (496)
Ҳидоят айлади бериҳларни.

Ки бир кун бир тарафга борур эрди,
Жамоат издиҳомин йўлда кўрди.

Қилиб қаҳқаҳа кулуштилар бориси,
Бўлуб гофил жавони ҳам қариси.

Бориб кўрди аълосини кўрай деб,
Буларни ҳақ сорига қайтарай деб.

Кўрар бир масхара, боз онда сағбон, (50а)
Итин ўйнатуб айтур неча хузён.

Онинг сўзиға одамлар куларлар,
Булар ҳам маҳмил хузёнин дерлар.

Қараб турмиш эрди ул марди огоҳ,
Тутуб сағбон сақолидин баногоҳ.

Дедиким: “эй Увайс, ушбу замони,
Саволимни жавобин қил баёни.

Итим қуйруқи яхшиму саққолинг?
Мунга бергин жавоб, қўй қилу қолинг”.

Увайс айдик: “Ҳоло, билмон они,
Манга маълум эмас ул ҳол замони.

Сақолимни юборгин қўлдин эй кул,
Бўлубдур бу саволинг манга мушкул”.

Деди сағбонки: “Очмасанг йўлимни,
Сақолингдан айирмасман қўлумни.

Увайс айди бу бир сирдир, бир мастур,
Манга чунки бу дам зоҳир эмастур.

Ўшал кунким қиёмат бўлса ногоҳ,
“Увайс яхши бандам”, деса Аллоҳ.

Расул айтса: “Увайсдур умматим хўб,
Они қилмоқ шафоат манга марғуб”.

Саққолим бўлғуси ул кунда марғуб, (506)
Йўқ эрса, ондин итинг куйруғи хўб.

Худо бирла расулға тушмаса жой,
Бўлур унда Увайснинг ҳолиға вой!”.

Бу сўз айтибон бир сайҳа урди,
Увайс оёқига барча бош урди.

Қилиб ихлос иродат айладилар,
“Алар барин валий бўлди”, дедилар.

Шундан сўнг “Хоразм тарихи ва ундаги зиёратгоҳ
жойлар” китобида ҳозирда Беруний тумани худудида
жойлашган Увайс Қараний зиёратгоҳини зиёрат этиш
тўғрисида мана булар зикр этилади:

Десанг бўлса мундоғ қадри олий,
Зиёрат қилғон эл қолғайми холи.

Чикиб тоғ узра кўргил гунбазидин,
Талаб кил хожатинг бўлса ўзидин.

Демагил қабри эрмас мунда зохир,
Валийлар руҳидур хар ерда ҳозир.

Ки ихлос ила қилсанг истионат,
Муродинг сари айларлар каромат.

Онинг равзаси деб қилсанг зиёрат,
Битарсан мақсадинг сори ишорат.

Агар ибрат ила қилсанг наззора,
Ки ҳар бир зарраи ҳоки кубора.

Онинг бир зарраси Султон Увайси,
Билиб бўлмас Худонинг дўсти қайси.

Агар ҳар ерга борсанг ул шарафнок, (51а)
Қуддом одоби бирла қўй бо-идрок.

Хусус, ул ерга бузруглар мозори,
Эмас холи валийлардин ғубори.

Бор ихлос ила ул гумбазға нозир,
Увайс бўлғусидур олдингда ҳозир.

Бориб киргил ўшал гумбазда зори,
Булокин нур кўзингдан айла жори.

Гуноҳингдан десанг Астағфируллоҳ,
Муъожотинг қабул этгуси Аллоҳ.

Чикиб тоғ устина ёд эт Худони,
Ки то бергай жамъи муддаони.

Валийлар хобгоҳидур ўшал тоғ,
Зиёрат қилмагонлар бўлғуси доғ.

Кўнгилда зикри Ҳакни айла жорий,
Зиёрат қил бориб Бобо Чинори.

Кезиб тоғ устида ёд эт Худони,
Зиёрат қил бориб Занги атони.

Ўшал тоғ узра кўб сунъи илоҳий,
Кезиб ол ондин ибрат гоҳ-гоҳи.

Агар бўлғум десанг ибрат шиори,
Қил ул тоғ қибласи сори гузори.

Зиёрат айласанг Занги бобони, (516)
Оларсан бегумон файзи Худони.

Кўнгилда қўйма ваҳми қолу қилни,
Зиёрат қил бориб Шайхи Жалилни.

Эрул ул шайхи маҳбуб илоҳий,
Билинг тоғ остида онинг хобгоҳи.

Кўрурсан онда бузруклар мазорин,
Кўзингга сурма қил хоки ғуборин.

Эрур ул файзи раҳматдин тўла боғ,
Тутубдур барча атрофин баланд тоғ.

Бўлур зойирларинг тоза руҳи,
Етар файзи илоҳийдин футуҳи.

Худо ёди бирла кўздин тўқуб ёш,
Улуғлар остониға уруб бош.

Қилиб холи ўзина ўзлигинин,
Қутилмоқ яхшидур оғир юкидин.

МУЗАФФАР ХҶЖА КИРОМИЙНИНГ “РИЁЗ УЛ-ВОСИЛИЙН” АСАРИ ҲАҚИДА

Музаффар хўжа Киромийнинг “Риёз ул-восилийн” асари “Тазкират ул-авлиё” (Фаридиддин Аттор)нинг назмий қилингани бўлиб, форс тилида ёзилган. Ёзилган йили: (1229/1813-14)

Бу китоб 1901-йили Муҳаммад Юсуф Махзум Гурланий ибн Муҳаммад Вафо эшон Мархумий қўлида кўчирилган. Бу нусха чиройли настаълиқ хатида китобат қилинган: ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, №862. Яна бир нусха №6640 тартиб рақамида сақланаётган бўлиб, уч устунга ажратилиб 1266-йили кўчирилган.

Асарнинг “Хоразм таърифи” бобида Хоразмдаги улуғ ва машҳур зиёратгоҳлар ҳам таърифланади. Исми Махмуд ота (Исмомут ота), Султон Увайс Қараний, Шайх Нажмиддин Кубро, Пахлавон Махмуд ва муаллифнинг устози Пиримхўжа эшон таърифлари берилган.

Марқади Султон Увайси Қаран
Буда дир он буқъа чу бевахму зан.
Сарвари хайли ҳаммаи тобиъийн,
Буда жабал равзай он нозанийн. (24 б).

Умар ва Алининг Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг муборак хирқаларини келтирганлари, Увайс Қаранийнинг уммат ҳаққига дуо қилганлари ҳамда Ҳазрати Умарнинг Увайс Қаранийга танга (дирам) берганларида олмаганликлари қисқача тарзда 16 байтда зикр қилинади.

Атторнинг асари назми бошланганида ҳам Увайс Қараний зикрини шундай сифатлар билан бошлайди: (37 а)

“Зикри он қиблай тобеъин, қудвай орифийн, зубдаи комилийн, сархайли ошиқийн, саромади восилийн, он офтоби ниҳон ва ҳам нафаси раҳмон, қутби жаҳон, бар гузидаи ал-Малик ал-Мустаъон ва он гавҳари самини аданий ва Суҳайли Яманий, аъний, Ҳазрати Султон Увайс Қараний раҳматуллоҳи таоло алайҳи, аз руҳи шарифаш мадад “.

144 – байтда Киромий Атторнинг Увайс Қаранийга бағишлаган бобнинг назмий баёнини берган. Бунда 8 та

“Ҳикояти Султон Увайс” деган ҳикоячаларга бўлинган. Киромий Увайс Қаранийнинг увайслик хислатини мана бу тарзда ифодалайди:

Баъзи валийро шуда муршид расул,
Ботини у ботини вайро қабул.
Карда баса тарбияташ менамуд,
Токи шавад восили ҳаййу вадуд.
Буда аз он жумла Увайси Қаран,
Гарчи надидаанд олониййатан.
Лек мушоҳид шуда бо-чашми дил,
“Сойрун филлоҳ” шуда муттасил.
Рутбаи улёи валоят ҳамийн,
3-он шуда у ҳўбтари тобиъийн.
Фазли илоҳийст диҳад ҳар киро,
Хоҳад аз карами худ Худо. (346)

Мазмуни: Баъзи валийларга Расул-Пайгамбарнинг ўзлари муршид бўладилар. Ул зотнинг ботинлари унинг ботинини қабул қилади. Мана шу тарзда кўплаб валийларни тарбият қилганлар, то ўшал валийлар Ҳайй, Вадуд сифатли Аллоҳ таолога восил бўлмишлар. Шулар жумласидан бирлари Увайс Қаранийдир. Агарчи ошкоро Пайгамбар алайҳиссаломни кўрмаган бўлсаларда, лекин дил кўзлари ила мушоҳада қилолганлар. Шу тариқада “сайрун филлоҳ” мақомига етишганлар. Валийликнинг энг олий мартабаси мана шунақа бўлади. Шунинг учун ҳам Увайс Қараний тобиъинларнинг энг яхшиси бўлганлар. Худой таоло ҳар кимга ўз карами ила фазли илоҳийсини бахшида айлар!

Шоир Киромий Увайс Қараний васфини қилар экан, унинг шафоатидан умид қилади ва Яратганга бу тарзда хитоб айлайди:

Ё раб, аз алтофи бу Вайси Қаран,
Шофиъи уммат шуда сирру алан.
Соз Киромийи ҳазинро аз он,
Фирқаки ёбанд аз оташ амон.

Мазмуни: Эй, Парвардигор! Увайс Қаранийнинг лутфи карами билан ошкорою ниҳонда умматга шафоатчи бўладилар.

Шундай экан, маҳзун Киромийга ҳам ана ўша шафоатга ноил бўлиб, оташи дўзахдан омон қоладиган гуруҳлар қаторидан жой бергил!

Шоир Киромий шундан сўнг Увайс Қараний ҳаётидан олинган янги ҳикояни бу тарзда зикр қилади:

Бир куни бир кимса Увайс Қаранийга Низор исмли одам 30 йилдурки, ўзига мозор қазиб, кафанларини ҳам ёнига қўйиб, ўша ерда кеча-кундуз оху воҳ қилиб, ибодат айлаб ётибди, дебди.

Увайс Қараний унинг мозорига бориб, “Эй кимса, Эй Низор, сен бу икки бутни (мозор ва кафанни) синдиргил. Сен мана шу икковига боғланиб қолиб, Худога ибодат қилишдан чалғимокдасан. Сен 30 йилки Худодан жудо бўлибсан, дебди. Низор Увайснинг нафаси баракотидан ўзининг офатини англаб, дилига оташи ҳасрат тушиб, қаттиқ наъра тортиб (оҳ деб) жон берибди. (35а).

Гуфт касе орифи биллоҳ шуд,
Бар ҳама шай воқифи огоҳ шуд.
Жойи саломат ҳама бошад бадон,
Яъни, мужаррад шавад аз ғайри он.
Неки ба-сурат шавад узлат нишин,
Дар дилаш андешаи дунё пасин.
Дар ҳақи вай: “Дев маъал воҳид” аст,
Ҳамроҳи шайтон шуд не обид аст.
Банда ҳамон аст дилаш бо Худо,
Бошад, дар диле мешавад мосиво. (35а).

Мазмуни: Бир киши орифи биллоҳ бўлибди, барча нарсалардан огоҳ экан, десалар, билгинки, у ҳамма нарсадан, Аллоҳдан ўзга барча нарсалардан саломат бўлган бўлиши лозим. Суратда у узлат нишин, узлатда, хилватда, чиллада ўтирган бўлса-ю, дилида паст дунё ўй-хаёли бўлса, унинг ҳақида мана бу ҳадиси шариф ворид бўлган: “Шайтон битта инсон билан ҳамроҳ бўлур”. Унингдек шайхга шайтон ҳамроҳ бўлган, у ҳаққоний обид эмас. Ҳақиқий банда шулки, унинг дилида Худо бўлмоғи керак, дили мосиводан, Худодан ўзгадан холи бўлмоғи даркор!

“ХАЗИНАТ УЛ-АСФИЁ” АСАРИДАН ПАРЧА

Мавлавий Гулом Сарвар Лоҳурий: “Хазинат ул-асфиё”, II-жилд. -Кониपुर: “Навол кишвар” матбааси, 1894. 118-121бетлар. (ЎзФАШИ тошбосмалар фонди, инв.№ 11296.)

Ҳазрати Жаноби Рисолатмаоб алайҳис солатул маликул ваҳҳобнинг саҳобаларидан сўнг авлиёulloҳлар сардафтарининг аввали Сухайл Яманий Увайс Қаранийдир.

Унинг фазилати шулки, у Ҳазрати Набавий соллаллоху алайҳи васалламнинг жонбоз ошиғи бўлган. Ул зотнинг пуранвор дийдорларини кўрмасдан, ул Шоҳи Рисолатнинг хизматларига ҳозир бўлмасдан исломга мушарраф бўлди.

Яхшилар қаймоғи бўлмиш Фаридуддин Аттор “Тазкират ул-авлиё”да айтадилар: Ҳазрати Хотам ун-нубувват алайҳиссалом муборак юзларини Яман тарафга қилардилар ва (шунда) марҳамат қилганлар: “Албатта, мен Раҳмон нафасини Яман тарафдан топаяпман!”. Яъни, “Раҳмат насимини Яман томондан топаман!”. Яна Хожаи анбиё алайҳиссалом айтганлар: “Ҳақ таоло қиёматда етмиш минг фариштани Увайс Қараний суратида яратур. Токи улар орасида у жаннатга кетур. Ҳеч ким уни танимас”.

“Сафинат ул-авлиё”нинг соҳиби айтади: “Унинг номи Увайсдир. Нажд (Нажжад) аҳлидан бўлади. Қаран эса бир қабиладир, у ўша қабилага мансубдир. У икки сабаб билан Ҳазрати Шоҳирисолат хизматларига ҳозир бўлмаган. Биринчиси шулки, заифа онаси бор эди. Мудом унинг хизматида ҳозир бўларди. Кейингиси эса шулки, ҳол ғалабасининг комиллигидандир. Ишққа мағлуб эди у. Ҳалол қувват ҳосил қилиш учун туябонлик қиларди. Топган нарсасини ўзига ва онасига сарфларди.

Нақлдулки, Уҳуд жангида Онҳазрат соллаллоху алайҳи васалламнинг муборак тишлари шаҳид бўлди (синди). Пайғамбарнинг тишларидан қайси бири шаҳид бўлганлигидан унинг хабари бўлмади. Ночор муҳаббат ғалабаси билан ҳамма тишларини синдирди.

Нақлдулки, Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалату вассалом Амир ал-мўминийн Умар ва Али разийаллоху анҳумога вафотларидан аввал васият қилгандилар:

“Мендан сўнг мураккаъм (чопоним)ни Увайс Қаранийга олиб боринглар ва унга топширинглар. Менинг саломимни етказинглар. Умматим ҳаққига дуои мағфират қилишини, айтинг. Зеро, умматим ҳаққига қилган унинг дуоси макбул бўлажак. Уни Яманда туя боқувчилар орасидан топурсизлар”.

Бас, Ҳазрати Расули макбул вафот қилдилар. Амир ал-мўъминийн Умар ва Али разийаллоху анхумо Қарани шариф қабиласига бордилар. “Эй аҳли Нажд, сизнинг орангизда Увайс номли шахс борми?” деб сўрадилар. “Бир девона бор, халқдан узлатдадир, Аруна водийсида (туялар) сутин соғиб юради”, дедилар. Бас, ҳар икки ҳазрат Аруна водийсига бордилар. Уни намозда кўрдилар. Фаришталар туяларини боқиб юрибди. Олдиларига бордилар. Ҳазрати Увайснинг қулоғига қадам овози эшитилди, бошин саждадан кўтарди (ва намозни тезда тугатди) Ҳар иккала мўъминлар амири унга салом бердилар.

– Алайкум ассалом, эй Расулаллоҳнинг асҳоби ва аҳбоби!

Бас, олдига ўтирдилар. Пайғамбар алайҳиссалом мураккаъсини бердилар. Уммати Муҳаммадийнинг мағфирати учун дуо сўрадилар. Ҳазрати Увайс мураккаъни улардан олди ва юзини ерга қўйди. Муножот қилди: “Илоҳи, уммати Муҳаммадийнинг ҳаммасини менга бағишламагунча Муҳаммад алайҳиссалом мураккаъсини киймасман! Чунки, бу ишни Сенинг ҳабибинг менга топширган”. Шунда: “Сенга неча юзлаб одамларни бағишладим”, деган овоз келди.

– Ҳаммасини ҳоҳлайман! – деди.

Овоз келди:

– Неча минглаб одамларни сенга бағишладим.

Шунга ўхшаш суҳбат бир неча бор такрорланди. Охирида Илоҳий иршод зарлари тўкилди: “Бани Рабиъ ва Музар (қабиласи) кўйларининг юнги ададича уммати Муҳаммадийнинг гуноҳларини сенинг шафоатинга бағишладим!”.

Ҳазрати Увайс бул башоратни топиб, мураккаъни кийди. Умар ва Али разийаллоху анхумоларни бу ҳолдан огоҳ қилди.

Баниъ Рабиъ ва Музар Кўфада сонсиз-саноксиз кўйларига эга қабила эди. Ҳақ таоло набавий мураккаъдан ва Увайс Қаранийнинг дуоси барокотидан мусулмон умматини Рабиъ ва Музар кўйлари юнгича мағфират даражасига эриштирди.

Ҳарам ибн Жинон раҳматуллоҳи алайҳи айтадилар: Увайс Қаранийнинг шафоат даражасини эшитиб, Кўфага бордим. Уни изладим. Иттифоқо, уни Фирот дарёси канорида учратдим. Кийимларини юваётган экан. Танидим. Салом бердим. Саломимга жавоб бердилар. Қўлини олиб ўпишни ҳоҳладим. Унинг заиф ахволлигини кўриб тоқат қилолмасдан йиғлаб юбордим.

У “Аллоҳ сени яхши кўрсин, эй Ҳарам. Сени нима сабаб менинг олдимга келтурди ва мени қандай танидинг”, деди.

Мен дедим:

- Қандай килиб менинг исмимдан огоҳ бўлдинг?
- Руҳим сенинг руҳингни таниди. Ишқ шаробидан маст бўлганлар арвоҳи бир-бирларини таниюрлар.
- Агар ижозат бўлса, сиз билан бир неча вақт бирга бўлсам, – дедим.

У шундай деди:

- Бор, Худо билан, зикри Худо билан бирга бўл!
- Менга ишга ярайдиган бир васият қилинг, – дедим.

У бундай насиҳат қилди:

- Ухласанг, ўлимни ёстигинг остида деб бил. Турсанг, ўзинга маҳлиё бўлма. Зеро, отанг ўлди. Одам ва Ҳавво, Нуҳ ва Иброҳим, Мусо ва Довуд ҳамда Муҳаммад алайҳим ас-солату вассаломлар ўлдилар. Расулуллоҳнинг халифалари Абу Бакр ва Умар ҳам вафот қилдилар.

Мен унга дедим:

- Аллоҳ сизга раҳм қилсин, Умар ҳам ўлдими?!
 - Ҳақ таоло менга хабар берди, Умар ҳам ўлди, – деди.
- Шул гапларни айтиб, турди-ю кетди. Шундан сўнг аниқласам, Умар разийаллоху анху шаҳид бўлган экан.

Нақдурки, бир вақт Ҳазрати Увайс уч кун таом топа олмади. Тўртинчи кун уйдан чиқди. Йўлда тилло динор ётганлигини кўрди. Олмади. Юзини сахрога бурди. Дарахтларнинг баргларини емоқчи бўлди. Биёбонга келганида, бир қўй оғзида тоза нон (янги ёпилган) олиб, унинг ёнига келиб турди. Увайс дилида: “Бу қўй эгасининг нонини кўтариб келгани аниқ. Оғзидан олиб ейишим раво бўлмайди”, деб ўйлади. Қўй тилга кирди:

– Мен Худо бандаларидан бир бандаман. Бул нон сенгадир.

Увайс нонни оғзидан олган эди, кўй орқасига қайтиб кетди.

“Кашф ул-махжуб” соҳиби айтадилар:

Увайс Қараний умрининг охирларида Амир ал-мўъминийн Али каррамаллоҳу важҳаҳу хизматларига келди. Али Муртазо билан Муовия ибн Абу Суфён ўртасида юз берган Сиффин жангида Алига мувофақат қилиб шаҳодатга эришди.

Вафотидан сўнг асҳоблари унга қабр қазини хоҳладилар. Ярим қазган эдилар, катта харсанг тошга етдилар. Тошни олган эдилар, муҳайё қилинган лаҳад чиқди. Кафан тўқимокчи бўлудилар, жомадониди, одамзот қўлида тўқилмаган кафан пайдо бўлиб қолди. Уни ўша кафанга солиб, ўша қабрга дафн қилдилар.

Ҳазрати Увайс Қаранийнинг вафоти аввалги қавлга кўра, учинчи ражаб ойи 32-ҳижрийдир. Имом Абдуллоҳ Ёфиийнинг “Равзат ур-раёхийн”даги қавлига кўра, 37-йилдадир. “Мухбир ул-восилийн” соҳиби ва бошқа уламоларнинг гапига кўра эса 39-ҳижрий йилдир. Чунки Сиффийн жанги шунда бўлган.

Муаллифдан:

Он Увайсий набий, шайхи замон, маҳбуби Ҳақ,
Сарви бўстони валоят, навули боғи Яман.
Мешавад аз дил ба-қавли мухталиф васлаш аён,
Аҳли дил рафт аз заминун, рафт маҳбуб аз заман.

Мазмуни: Ул Пайгамбар алайҳиссаломнинг Увайси, замона шайхи, Ҳақ таолонинг маҳбуби, валоят – авлиёлик бўстонининг сарви, Яман боғларининг яп-янги гулидир. Ҳар хил гаплар сабабли дилдан унинг вафоти аён бўлди! Заминдан аҳли дил (авлиёлар) кетди, замондан маҳбуб кетди.

МАСНАВИЙ:

Шоҳи даври замон, Увайси Қаран,
Гули боғи Яман Увайси Қаран.
Рафт чун аз жаҳон ба иззу жалол,
Гашт зоҳиду “ҳабиб” соли висол.
Нез соли висоли он масъуд,
Шуд аён аз хирадқи, “ҳодий” буд.
Шуд аён ҳам ба фарҳату шодий,
Иртиҳолаш зи зоҳиду “Ҳодий”.
Нез бо ихтилофи аҳли жаҳон,
Гуфт сарвари ҳабиб шуд зи жаҳон.
Аввали авлиё аст зоти у,
Соли тарҳили у зи аввал жу.
Мадҳи у суфий, вале гуфтам,
Соли тарҳили у закий гуфтам.
Рехлатий он валийи Ҳақ раҳбар,
“Ҳодийи воҳид” аст, эй Сарвар.
Рафт чун аз жаҳон ба-дор чунон,
Рехлаташ “ҳодийи адиб” бихон.
Аҳли ҳол аст зоти у ҳама ҳол,
Ҳосил ояд зи ҳол соли висол.

Мазмуни: Увайс Қараний – замон даврининг шоҳи. Увайс Қараний – Яман боғининг гули. Иззату шараф билан жаҳондан кетди. Зоҳид ва ҳабиб (парҳезгор ва дӯст) йили “висол йили” бўлди. Ўшал масъуд-бахтли зотининг висол йили бир зотдан аён бўлишича, “ҳодий” бўлди. Шоду хуррамликда яна унинг рехлат қилиши “зоҳиду ҳодий”дан ҳам аён бўлди. Яна аҳли жаҳоннинг ихтилофига кўра “жаҳон”дан “ҳабиб” бўлди. Унинг зоти авлиёларнинг аввалидир, шунинг учун унинг рехлат йилида “аввали”дан изла. Унинг мадҳи суфийдир. Лекин унинг рехлатини “закий” деб айтаман. Ўшал Ҳақ валийси, раҳбарнинг рехлатин “ҳодий-у бир”дир, эй Сарвар! Дор ул-бақога жаҳондан шундоқ кетдики, рехлатини “ҳодийи адиб” деб ўқигин. Унинг зотида аҳли ҳолнинг барча ҳолати бор. “Ҳол”дан эса висол йили ҳосил бўлади.

“ТАЗКИРАИ МУҲАММАД БОҚИР” АСАРИДАН ПАРЧА

“Тазкираи Муҳаммад Боқир”. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв.№ 1846. 17а-18а бетлар)

У тобеъийлардандир. Унинг туғилган жойи Қарандирки, Ямандаги бир мавзеъдир.

Гоҳ-гоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Яман тарафга юзларини буриб: “Мен Раҳмон нафасини Яман тарафдан топаяпман!” дердилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам (яна) марҳамат қилганлар: Қиёмат кунда Худой таоло 70 минг фариштани Увайс суратида яратади. То Увайс улар орасида Арасот майдонига келади. Ҳеч бир яралмиш унинг қайсилигини билмайди. Зеро, у дунёда халқдан мастур (яширинган) эди, охиратда ҳам мастур бўлади.

Яна Расул алайҳиссалом айтганлар: Увайсга Рабиъа ва Музар қўйлари юнги ададича қиёматда шафоат қилиш (хукуки) берилур.

Айтадиларки, кунда туя боқарди. Унинг ҳақини онасига харж қиларди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Форук ва Муртазо (р.а.)ларга дедилар: “Сизлар Увайсни кўрурсиз. У сочи ўсган бир йигитдир. Чап бикинида ва қўл кафтида бир танга (дирам) миқдорида оқлик бор. Аммо у песликдан эмас. Уни топсангиз, унга менинг саломимни етказинг. Қадамингизни унинг қадамига қўйинг (яъни, яқинлашинг ва айтганларидан чикманг). Менинг вафотимдан сўнг муракқаъмни унга етказинг. Форук ва Муртазо (р.а.) Онсарвар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан сўнг унинг ёнига келдилар. Увайс намозда эди. Одам ҳаракатини сезиб, намозни қисқа қилди. Форук салом берди, у жавоб олди. Форук “Номингиз нима?” деб сўради.

–Увайс, – деди.

– Қўлингизни кўрсатинг, – деди.

Кўрсатганди, Пайғамбар (с.а.в.) айтган аломатни кўрди. Уни бўса қилиб, Форук деди:

– Бизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Ушбу муракқаъни унга беринг”, деб васият қилганлар. Шунингдек, бизни дуо қилар экансиз.

Увайс деди:

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган кимса, эҳтимол, бошқа одам бўлса.

Форуқ деди:

– Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сизнинг нишонингизни айтган эдилар.

Увайс:

– Мураққаъни менга беринг, дуо қилайин, – деди.

Мураққаъни олиб узоқроққа кетди. Юзини ерга қўйиб (яъни, сажда қилиб), деди:

– Бул мураққаъни токи, уммати Муҳаммадни менга бағишламагунча киймайман. Пайғамбаринг буни менга ҳавола қилган! Форуқ ва Муртазодек зотлар элчи бўлиб келган.

Хитоб келди:

– Неча минглаганини сенга бағишладим!

У қабул қилмай турди. Икки саҳобаи киром бетоқат бўлдилар-да, Увайснинг олдига келдилар. Увайс деди:

– Оҳ, нимага келдингиз?! Мураққаъни киймай турганимда, умматнинг ҳаммасини менга бағишлаган бўларди.

Бас, мураққаъни кийди. Форуқ “Бизнинг ҳаққимизга дуо қилинг”, деди. Увайс “Ташаҳхудда “Аллоҳуммағфир лил-мўминийна вал-мўминот” (“Эй Аллоҳим, мўмину мўминаларни мағфират қил!”) дейман”, деди. Форуқ ва Муртазо қайтмоқчи бўлиб турганларида, Увайс олдида олов (?) пайдо бўлди. У ердан қочдилар ва Кўфага келдилар.

Шундан сўнг Увайсни ҳеч ким кўрмади. Фақат Ҳарам бин Ҳайён (р.а.) кўрган. У айтади:

Умар (р.а.) Увайсга: “Менга ҳадис ривоят қилинг” деди. “Мен муҳаддис эмасман”, деди Увайс. Умар (р.а.): “Унда бир оят ўқиб беринг”, деди. Увайс: “Аъзуз Биллаҳи Минашшайтонир рожийм” деб зор-зор йиғлади. (Кейин) оят ўқиди: Шундан сўнг Увайс шундай фарёдлар қилдики, унинг ақли зойил бўлдимикин, деб ўйладилар.

Айтурларки, умрида ҳеч кечаси ухлмасди. Бир кечани “Бу қиём кечаси” деб, бошқа кечани “Бу рукуъ кечаси” деб, яна бир кечани “Бу сажда кечаси” деб номлаб олганди.

Умрининг охирида Сиффийнда Амир ал-мўминийн Али (к.в.)га мувофақат қилиб (жангда) ўлдирилди.

Ёлғиз яшаганди, шаҳид ўлиб кетди!

Ҳарам ибн Ҳайён тобиъийлардан бўлиб, тариқат улуғларидандир. Тариқат муомаласида томм (комил) насибаси бор эди. Асҳоби киромлар билан суҳбат курганди. Увайсни зиёрат қилишни қасд қилган. Қаранга борган. Увайс у ердан кетган эди. Ноумид бўлиб, Ҳарам Маккага қайтиб келди. Увайснинг Кўфада эканлигидан хабар топиб, Кўфага келди. У ердан ҳам топа олмади. Ҳарам у ерда биров яшаб қолди. Кейин Басрага қайтди. Йўлда Увайсни Фирот дарёси қирғоғида таҳорат қилаётганини кўрди. Унга салом берди. У эса: “Ва алайкум ас-салом, эй Ҳарам ибн Ҳайён!”, деб жавоб олди. Ҳарам унга “Мени қандай қилиб танидингиз?” деди. Увайс: “Рухим сенинг руҳингни таниди”, деди.

Бир муддат мулоқот қилдилар. Увайс Ҳарамни кузатиб шу ерда қолди.

Билгинки, бир қавмлар бўладики, уларни Увайсийлар дейлади. Уларни ёнларига олиб парвариш қилиш учун пирга ҳожат бўлмайди... Бу улуғ муомаладир. У ерга етиш кимга насиб қиларди! Бу улуғ давлатдир. Аллоҳ кимни хоҳласа, мана бу (давлат)ни унга ўзи ато қилур.

“МАЖМУЪ УЛ-АВЛИЁ” АСАРИДАН ПАРЧА

(Али Акбар Хусайний Урдистоний. “Мажмуъ ул-авлиё”.
ЎзР ФА ШИ кўлёзмалар фонди, инв. № 1333. 626-65а бетлар).

Тобиъийнлар яхшиси, орифлар қаймоғи, дину миллат шамъининг офтоби Суҳайл Яманий – Увайс Қараний разийаллоху анху аҳли тасаввуф машойихларининг улуғларидандир. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам замонларида бўлганлар. Онсарвар соллаллоху алайҳи васаллам унинг ҳаққида деганлар: “Мен Раҳмон нафасини Яман тарафдан топаяпман!”.

Аммо, Хайр ул-башар (Пайғамбаримиз алайҳиссалом) суҳбатидан мамнун бўлган. Икки сабабдан: Бириси, ҳол ғалабаси. Бошқаси, онасининг ҳаққи.

Ғариб хабарларда келгандурки, қиёматда Хожаи анбиё соллаллоху алайҳи васаллам жаннатда ўз қасридан чиқарқанлар. Бировни излаётгандек бўларкан. Покиза хитоб келади: “Кимни излаяпсан?”. “Увайсни...”, дерканлар. Нидо келади:

– Ранж тортма. Дунёда уни кўрмадинг, бу ерда ҳам кўрмайсан.

Ривоят қилинган, қиёмат кунида Ҳақ таоло 70 минг фариштани Увайс суратида яратади. Улар орасида Арасот майдонига келади ва беҳиштга киради. Ҳеч бир яралмиш уни таний олмайди. Илло, Аллоҳ ҳоҳлаган кимсалар билур: “Авлиёий тахта кубойи. Ло яърифухум ғойрий” (Авлиёларим куббам остидадирлар. Уларни мендан бошқа ҳеч ким танимагай).

Ҳикоятда келишича, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларга айтдилар: “Қарандан Увайс номли мард бор. Эртага қиёматда ҳам у Рабиъа ва Музар қўйлари миқдорича умматимдан неча одамларни шафоат қилур”. Кейин юзларини Алига буриб дедилар: “Сизлар уни кўрарсиз. У ўрта бўйлик, сочлари ўсган, чап бикинида бир дирам миқдорида оқлик бор. Кўл кафтида ҳам шундай. Қачон кўрсангиз, унга саломимни етказинг. Айтинг, умматимга дуо қилсин”. Амир ал-мўъминийн Умар (р.а.) Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам вафотларидан сўнг Маккага келдилар. Амир ал-мўъминийн

Али (р.а.) у билан эдилар. Хутба орасида: “Эй аҳли Нажд, ўрнингиздан туринг”, дедилар. Аҳли Нажд ўринларидан турдилар. “Қарандан биров борми?”, дедилар ҳазрати Умар. Улар: “Ҳа бор!”, дейишиб, икки кишини кўрсатдилар. Ҳазрати Умар (р.а.) улардан Увайснинг хабарини сўрадилар. Улар шундай дейишди:

– Увайс номли бир девона бор. Обод ерларга келмайди ҳам, ҳеч ким билан суҳбатлашмайди ҳам. Одамлар еган нарсани емайди. Ғаму шодликни билмайди. Одамлар кулганида, у йиғлайди. Одамлар йиғлаган вақтда у кулади. Умар: “Уни кўришни истайман”, дедилар. “Сахрода туялар ёнидан топасиз”, дейишди.

Икки Амир ал-мўъминийн (р.а.) уни излаб бордилар. Унинг ёнига келдилар. Уни намозда топдилар. Намоздан фориг бўлгунча ўтирдилар. Унга салом бердилар. Унга кафт ва бикинини кўрсатди. У маълум бўлди. Ундан дуо сўрадилар. Пайғамбар саломини унга етказдилар. Умнат ҳаққига дуо қилишини васият қилганликларини ҳам. Бир муддат унинг олдида бўлдилар. То: “Ранж чекдингиз, энди, қайтинглар. Қиёмат яқиндир. Унда менга бир дийдор бўлурки, қайтишга, юз ўгиришга иложим бўлмас. Шунинг учун қиёмат йўлига тайёргарлик кўрурман”, деди Увайс. Улар Қаран аҳли ёнига қайтиб келдилар.

Увайснинг ҳурмати ва ҳолати халқ орасида машҳур бўлиб кетди. Шунингдек, “Кашф ул-махжуб”да ва бошқа китобларда мазкурдир.

Келтирибдурларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилаётганларида саҳобалар демишлар: “Эй, Аллоҳнинг расули, сизнинг бу мураккаънингизни кимга берайлик?!”. Ул зот: “Увайс Қаранийга беринг!”, деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан сўнг Форук ва Муртазо (р.а.) Кўфага келдиларда, у ердан Увайсни сўраб-суриштирдилар. Уни топдилар. У деди: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мураккаъсини менга беринглар, токи дуо қилайин!”. Улар мураккаъни унга бердилар. “Кийиб, дуо қилинг”. У: “Сабр қилинг, токи, ҳожатимни сўрайман”, деб, озроқ улардан узоқлашдилар. Ўша мураккаъни қўйиб, саждага бош қўйдилар. У деди: “Бу мураккаъни киймасман, токи Мухаммад

алайҳиссаломнинг ҳамма умматини менга бағишлагайсан. Пайғамбар алайҳиссалом бу ерга (яъни, менга) ҳавола қилибдилар (жўнагибдилар). Расул соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Форук билан Муртазо ўз ишларини қилиб бўлдилар. Энди, сенинг ишинг қолди. Ҳотифдан овоз келдики: “Сенга учдан бирини бағишладим!”. У деди: “Ҳаммасини ҳоҳлайман!”. Яна овоз келди: “Яна бир ҳиссасини бағишладим, муракқаъни кийгин!”. У деди: “Ҳаммасини ҳоҳлайман”. Шуни айтди-ю, шу хилда эшитди. Саҳобаларнинг сабри қолмади, то нима ишлигини қараш (билиш)га интилдилар. Увайс уларни кўриб деди: “Оҳ, нимага келдингиз... Агар бу хилда келмаганингизда, муракқаъни, то уммати Муҳаммадийянинг ҳаммасини сўраб олмагунимча киймаган бўлардим”.

Форук уни биринчи кўрганида туя жунидан бўлган шолчани ёпиниб олган ҳолда, боши очик, оёқ яланг кўрган эди. Ўн саккиз минг оламнинг бойлигини ўша шолчанинг остида кўрди. Ўзидан ва халифалигидан кўнгли қолди ва деди: “Ким менинг бу халифалигимни бир бурда нонга сотиб олади?”, деди. Увайс деди: “Буни ақли йўқ одамгина сотиб олади. Сотиб нима қиласиз. Отиб уринг, токи ким ҳоҳласа олсин. Олиб-соттишга нима ҳожат?!”. Умар (р.а.) бисёр йиғлади ва халифалигини топширмоқчи бўлди. Саҳобалар жамоаси фарёд урдилар: “Сиз Сиддикдан қабул қилиб олдингиз. Кўпгина мусулмонларнинг ишлари зое бўлмасин. Бир кунлик адолат минг йиллик ибодат билан тенг”.

Ўшанда Увайс муракқаъни кийдилар. Айтадиларки, Рабиъа ва Музар қабилаларининг кўйлари юнги миқдорича Муҳаммад алахиссалом умматлари бу муракқаъ барокотидан бағишланур.

Кейин Форук деди: “Эй Увайс, нимага Пайғамбар алайҳиссаломни кўришга келмадингиз?”. У: “Сизлар кўрдингизми?” деди. Улар: “Ҳа, кўрдик” дейишди. У деди: “Сизлар фақат ул зотнинг пешоналарини кўрдингиз. Агар кўрган бўлсангиз, айтингчи, ул зоти шарифнинг қошлари бир-бирига пайваста эдими ё йўқми?!”. Ажабланарлиси, улар аниқ айта билмадилар. Увайс деди: “Сизлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дўстларимисиз”. Улар: “Ҳа” дейишди. У деди: “Агар дўстлик дуруст бўлганда эди, ул зотнинг тишлари шаҳид бўлганида, ўша кунда мувофакат ҳукми, тақозоси бирла

Ўз тишларингизни синдирган бўлардингизлар. Зеро, дўстликнинг шarti мувофиқликдадир”. Ўз тишларини кўрсатди. Қанча тишлари синдирилган эди. “Мен, – деди у, – ул зотни суратда кўрганим йўқ. Аммо, мувофақат учун тишларимни синдирдим. Зотан, мувофиқлик диндандир”. Ҳар икки зотнинг (Форуқ ва Муртазо) қалби юмшади, билдиларки, адаб мансаби бошқача мансаб экан. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни кўрмаса ҳам, бир пастда қанча нарсани ўргатишга улгурди...

Бу ҳарфларни ёзувчиси айтади: Ҳазрати Хожа Увайс Қараний ўзининг муборак тишларини Онсарвар соллalloҳу алайҳи васалламга мувофақат қилиш учун синдирган эди. Воқеа одамлар орасида шундай шухрат топдики, ҳар ким ўшал тобиъи хос (Увайс Қараний) авлодидан бўлса, ўша кундан бошлаб, то қиёматгача туғилиб ўсганларнинг оғзида тишлари бўлмас экан. Тиш билан қиладиган ишларни тишсиз ҳам гўзал ва мукаммал бажарар эканлар. Бу гап ўта қизиқарли бўлиб, доим менинг хотирамда муҳрланиб қолган ва миямда айланиб юрар эди: “Бу иш бўлиши мумкинми? Ёки бу бўлмағур гапми?!”. Тасодифан, бу фақирнинг йўли Бухорога тегишли Парканадаги Нусхат мавзесига тушди. Увайс Қаранийнинг ўша ерда яшайдиган фарзандларидан бир жамоаси бор экан.

Ишончли ва улуғ одамлар уларнинг насаблари ҳақиқийлигига гувоҳлик бердилар. Аниқ кўрдимки, уларнинг оғиз тишларидан бирортаси йўқ эди. Хом нўхатни завқу шавқ билан тановул қилар эдилар. Ундан ҳам қаттиқ нарсалар бўлса, ўйланиб ўтирмасдан еяверар эдилар. Шуларни мушоҳада қилиб, гап-сўзларнинг тўғрилигига ишончим мутлақо қомил бўлди.

Рабиъ бин Хайсум (р.а.) айтадилар: “Увайсни кўрай, деб бордим. Бомдод вақти эди. Намоздан фориг бўлдилар-да, тасбиҳга машғул бўлдилар. Сабр қилдим, токи, кўришиб кетаман. Тасбиҳдан сўнг дарҳол пешин намозини ўқидилар. Шундай қилиб, уч кеча-кундуз намозу тасбиҳотдан бўшамадилар. Еб-ичмадилар ҳам, ухламадилар ҳам. Тўртинчи куни сездимки, андак кўзлари илинди. Дарҳол Ҳақ таолога муножот қилиб айтдики: “Эй, бори Худоё! Кўп ухлайдиган кўздан ва кўп ейдиган қориндан Сендан паноҳ истайман!”.

Ўзимга ўзим: “Бу менга етади!” дедим, уни ташвишга қўймасдан, орқага қайтдим.

Айтадиларки, умр бўйи ухламаган эди. Ҳар кечани: “Бу қиём кечаси... бу рукуъ кечаси, мана буниси сажда кечаси”, деб ўша кечаларни қиёмда, рукуъда ёки саждада ўтказар эди. Унга дедилар: “Эй Увайс, шундай узун кечаларда саждада бош қўйиб ётишга тоқатинг (имконинг) етадими?”. У деди: “Ҳануз бир марта: “Субҳона раббийал аъло”ни айтиб улгурмасимдан кун чиқиб кетади. Ахир уч марта тасбиҳ айтиш суннат-ку! Шунинг учун ҳам осмон аҳлига ўхшаб ибодат қилишни хоҳлайман!”.

Нақлдурки, Увайс деганлар: “Ҳар ким уч нарсани дўст тутса, дўзах унга гардани томиридан ҳам яқин бўлади. Биринчиси, яхши таом ейишни. Иккинчиси, чиройли кийим кийишни. Учунчиси, бойлар-бадавлатлар билан ўтиришни.

Ривоят қилинганки, у Али ибн Абу Толиб (к.в.)га мувофақат қилиб, унинг душманларига қарши жангга чиқди. Сиффин жанги кунларида шаҳидлик мартабасини топди. Гўзал яшади, гўзал вафот қилди.

Мавлоно Бадриддин Нақшбандий Шаҳрандий “Каромат ул-авлиё” китобида “Шарҳ ус-судур”дан нақл қилганки, Ибн Асокир Ато Хуросоний йўлида ривоят қилган: Увайс вафот қилганида унинг хуржунида дунё кийимларидан бўлмаган бир мато топдилар. Икки киши қабр қазийш учун борганида қабр топдилар. Қайтиб келиб айтдилар: “Биз қабр қазийш учун борганимизда, тошлоқ ерда қазилган яп-янги қазилган тайёр қабр топдик”. Кўтардилар, Қаран шохини ўша икки кийимлик матога кафан қилдилар ва ўша тайёр қабрга қўйдилар. Сўнг қарасалар, қабрдан ҳеч бир асар топмадилар.

Имом Аҳмад бу қиссани зуҳд борасида Абдуллоҳ ибн Саламадан ривоят қилган. Мазкур ривоятнинг охирида бундай келган: “Биримиз биримизга айтдикки, агар қайтиб борсак, Увайснинг қабрини дарҳол топамиз. Қайтиб ҳам бордик. У ерда қабр аломатини топмадик”.

Хожа Увайс Қаранийнинг шаҳид бўлиши 37-ҳижрий санада юз берди. Раҳматуллоҳи алайҳи.

“САФИНАТ АЛ –АВЛИЁ” АСАРИДАН ПАРЧА

Мухаммад Дорошукух Ҳанафий. Ҳиндистон: Кониपुर:
“Навол кишвар” матбааси, 1884.

Ҳазрати Увайс Қараний (р.а.)
(30-31 бетлар)

Унинг исми шарифи Увайсдур. Аҳли Нажддан бўлган. Қар(а)н у зот мансуб бўлган қабиланинг номидир. Ҳазрати Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам уни “Хайр ат-тобийийн” (Тобийинларнинг яхшиси) деб мактаганлар. Ул зот Пайғамбар соллalloху алайҳи васалламнинг замонларида бўлганлар. Лекин икки сабабга кўра ул Жанобга хизмат қилмаганлар. Биринчиси, унинг қари оналари бор эди. Яна ҳол ғалабаси эди. Ул зот туя боқиб, унинг ҳақини ўзига ва онасига нафақа қилар эди. Жангда тишлари синган Расулulloх соллalloху алайҳи васалламга мувофақат қилиш учун тамом тишларини синдирган эди, зеро қайси тишлари сингани маълум эмасди. Пайғамбар соллalloху алайҳи васаллам васият қилган эдиларки, менинг хирқамни Увайсга етказинг, айтингки, умматимга дуо қилсин.

Амир ал-мўминийн Умар (р.а.) халифалик даврида ё Али (р.а.) даврида муборак хирқани Увайсга етказилди. Умматга дуо қилишни хоҳладилар. Айтдиларки, унинг дуоси сабаб Ҳақ таоло Рабиъа ва Музар қабилалари қўйлари юнгича (31-бет) арабда ҳеч бир қабила қўйлари уларниқичалик эмасди, Пайғамбар соллalloху алайҳи васаллам уммати бахшида қилинди. Ул зотнинг вафоти кайфияти “Шавоҳид ан-нубувват”да шундай зикр қилинадикки, Озарбойжонга ғазот қилишга борганида реҳлат қилдилар. Асҳоб қабр қазиишни хоҳладилар. Тошликка етиб қабрини шу ерда қазидилар. Лаҳадни тайёрлаб, кафан қилиш учун унинг жомадонидан шундай кийимлар топдиларки, инсон боласи тикмаган эди. Ўшандан кафан қилдилар ва ўша қабрга дафн қилдилар.

“Қашф ал-махжуб” соҳиби ва “Тазкират ал-авлиё” соҳиби шундай келтирадиларки, Увайс Қараний Амир ал-мўминийн Али (р.а.) олдиларига келиб, унга мувофақат қилиб, Сиффинда то шаҳид бўлгунча уруш (ҳарб) қилдилар. Унинг вафоти тарихи

биринчи қавлга кўра, 22-ҳижрий йили Ражабнинг 3-ида, иккинчи қавлга кўра эса 37-ҳижрий йилда вафот қилган. Имом Абдуллоҳ Ёфиъий (р.х.) “Равзат ар-раёҳин”да ҳар икки қавлни зикр қилган.

“АШЪАТ АЛ-ЛАМАЪОТ” АСАРИДАН ПАРЧА

Мавлоно Муҳаддис Абдулҳаққ ад-Дехлавий ўзининг “Мишкот ал-масобих” деган асарга ёзган шарҳи “Ашъат ал-ламаъот” деган китобининг тўртинчи жилдида “Увайс ал-Қараний зикри” бобида бундай ёзадилар:

Қаран “қоф” ва “ре” ҳарфларининг фатҳаси билан Яман шаҳарларидан биридир. Қарнки Нажд ахлининг мийқоти (ҳажда эҳром боғлайдиган жойлари) бўлиб, у “ре”нинг сукуни билан ёзилади. Аллома Жавҳарий “ре”ни ҳаракатлик қилиб хато қилган. Увайс Қараний унга нисбатдир. Зероки, ул зот боболаридан бири Қаран ибн Румон ибн Ноҳия ибн Муродга нисбат қилинган. “Қомус” соҳиби шундай деб ёзган.

Амир ал-мўъминин Ҳазрати Умардан ривоят қилинади: Жаноби Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб айтдилар: “Сизларга, Сизларнинг олдингизга бир киши Яман тарафдан келади. Уни Увайс деб номланади, айтилади”.

У зотнинг онаси бўлганлиги учун Ямандагина яшаб ўтди, яъни, онасига меҳрбонлик қилиб, хизматларини қилиб, Яманни тарк қилмади, ҳатто Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам хузурларига ҳам бормади.

“У зотда барс-песлик касали бор эди”. “Бас, шундан кейин, Худога дуо қилди, у касалликдан шифо топиб, касалликни (Аллоҳ) кетказди”. “Магар, динор ёки дирҳам миқдориди ўша оқликдан қолди”.

Бошқа бир ривоятда бу ҳам ўз дуоси сабаблик қолди. У зот айтдиларки: Худовандо, ўша касалликдан менинг жасадимда бир нарсани кўйгин, токи ўша сабабли сенинг неъматингни ёд қилиб турайин.

“Бас, сизлардан қайсингиз у кишига йўлиқса, у сиз учун истиғфор қилсин, яъни, у зотнинг истиғфорини талаб қилинг”.

Бошқа бир ривоятда бундай келган экан: Ҳазрати Умар айтадилар: Жаноби Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан эшитдимки, айтардилар:

“Албатта тобиъинларнинг (саҳобаларни кўрган кишилар тобиъин дейилади) яхсиси бир кишидирки, унга Увайс дейилади. Унинг фақат онаси бор ва унинг барс-песлик касали ҳам бор (яъни, сизлар у кишини шў нарсалар билан таниб оласизлар). Бас, (у билан учрашсанглар) унга айтингларки, сиз учун истиғфор айтсин.

Бу ҳадиси шарифни Имом Муслим ўз китобларида зикр қилганлар.

Мана шу ҳадисдан маълум бўладики, аҳли хайрдан ва яхши, улуғ зотлардан ўз ҳақкига дуо олиш, агарчи дуо олгувчи дуо бергувчидан афзал бўлса ҳам нақадар улуғ иш экан. (Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга тобиъиндан дуо олишга буюряптилар).

Баъзи уламолар айтадиларки, Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гапларни Увайснинг дили хушнуд ва шод бўлишлиги учун айтганлар. Зероки, у зот оналарининг хизматларида бўлиб, унга яхшиликлар қилиб, Ямандан чиқиб кетолмай, Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларидан узоқда бўлдилар. Шунга диллари ғаш ва қайғуда эди. Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу ғашликни кетказиш учун ушбу сўзларни айтдилар.

Яна шу ҳадисдан маълум бўлдики, Увайс тобиъинларнинг афзали экан. Бу ерда унинг улуғ фазилати ва зоҳир камолоти кўриниб турибди. Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан нақл қилинганки, тобиъинларнинг афзали Саид ибн Мусаайб (р.х.) деган бир аллома зотдир. Бу маърифати улум, яъни, шариат ҳукмларини кўп билишлик эътибори билан бўлиб, бунда ҳеч хилоф йўқ. Чунки, Увайснинг афзалийят ва яхшилиги Аллоҳ олдида савобнинг кўплиги биландир.

“Қомус”да айтилинадикки, Увайс ибн Омир тобиъинларнинг саййидларидан, бунга юқорида ўтган ҳадис мазмуни ҳам далил бўлади.

Билгинки, Увайс Қараний разийаллоҳу анҳу шаънларида жуда кўп хабарлар ва ривоятлар келган. Буларни Имом Суютий ўзининг “Жамъ ал-жавомеъ” деган китобида зикр қилган. Уни биз ҳам зикр қилдик, гарчи, гапимиз, китобимиз узун бўлиб кетса ҳам. Зеро, авлиёларнинг зикри бўлган пайтда Аллоҳнинг раҳмати ёғилади.

Имом Суютий ривоят қиладилар: Асир ибн Жобир айтди, Ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб разийаллоҳу анҳунинг олдиларига Яман аҳлидан келган гуруҳ келганларида улардан сўрадилар:

– Аё, сизларнинг ораларингизда Увайс ибн Омир борми?

Шу пайт Увайс уларнинг олдиларига келди. Ҳазрати Умар сўради:

– Аё, сен Увайс ибн Омирмисан?

– Ҳа, мен Увайс ибн Омирман, - деди.

Яна сўрадилар:

– Сен Қаран шахрининг пастроғи Муродий қабиласидан бўласанми?

– Ҳа мен шу жойданман.

Яна сўрадилар:

– Аё, сенда песлик касали бўлиб, шундан соғайиб, магар бир дирҳам миқдорича жойи қолганми?

– Ҳа, шундай бўлган, – деди.

Яна сўрадиларки:

– Аё, сенинг онанг ҳам борми?

– Ҳа, бор, – деди.

Ҳазрати Умар айтдилар:

– Менга Пайғамбари Худо айтдилар: “Сизларнинг олдиларингизга Яман аҳлининг гуруҳлари орасида Қаран шахрининг пастироғи Мурод қабиласидан бўлган Увайс ибн Омир деган бир киши келади. Унинг пес касали бўлиб, шундан бир дирҳам миқдоридида қолиб, қолгани яхши бўлган бўлади ва унинг онаси ҳам бор, у онасига ҳамиша яхшилик қилади ва агар Худога дуо қилса, албатта, Худо унинг дуосини ижобат қилади. Эй Умар, агар қодир бўлсанг, ундан истиғфор талаб қилгин”. Шундай экан, эй Увайс, мен учун истиғфор айтгин.

Увайс айтди:

– Мен сизга истиғфор айтайми, ё Амир ал-мўъминийн!?

Ҳазрати Умар айтди:

– Албатта, мен учун истиғфор айтгин?

Бас, Увайс Умар (р.а.) учун талаби истиғфор қилди. Умар Увайсга айтди:

– Энди, қаерга боришни хоҳлайсан?.

Увайс деди:

– Кўфа шахрига бораман.

Ҳазрати Умар сўради:

– Аё, сени Кўфа шаҳрига омил, водий қилиб қўйиш учун бир нарса, (бир қоғоз) ёзиб берайми?.

Увайс:

– Бундан одамларнинг энг ифлоси бўлганим яхшироқ, – деди.

Келаси йили Яманнинг улуғларидан бир киши ҳажга келди ва Умар (р.а.) билан мулоқот қилди. Ҳазрати Умар Увайснинг ҳолидан сўради. У киши айтди: “Мен ниҳоятда кийим либослари эскирган, ғоят фақир бир девона олдидан ўтгандим (ўша зот бўлсалар керак)”. Ҳазрати Умар у кишига Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.)нинг муборақ ҳадисларини айтиб берди. Бас, ўша киши ҳаждан келиб, Увайс олдига борди ва Увайсдан истиғфор талаб қилди. Увайс у кишига қараб: “Сиз менинг ҳаққимга истиғфор қилинг, ахир яхши, улуғ сафардан келаяпсиз”, деди. У киши деди: “Ҳазрати Умар менга шундай ҳадисни айтиб бердилар”. Бас, шундан кейин у учун Аллоҳдан истиғфор талаб қилди. Шу воқеадан кейин одамлар у зотни ким эканлигини билдилар ва унинг ҳол ҳақиқатини (яъни, авлиё эканлигини) сездилар. Увайс эса у жойдан – Ямандан (шухрат истамаганлиги учун) чиқиб кетдилар.

Бу гапларни Ибн Саъд “Табақот” номли китобида, Абу Аъвона ва ар-Руёний ва Абу Наъим “Хулия” китобида ва Имом Байҳақий “Далойил” китобларида ривоят қилганлар.

Бошқа бир ривоятда Асир ибн Жобирдан бундай келадик, у зот айтадилар:

Кўфада бир муҳаддис бор эди, бизга ҳадис айтар эди. Бир куни ҳадис айтиб бўлганидан кейин ҳамма одамлар тарқалишиб уй-уйларига кетдилар. Фақат бир жамоъа, бир гуруҳ жойларида қолган. Улар орасида бир киши бор эди. Шундай сўзлар айтар эдики, мен ҳеч кимдан бундай чиройли сўзларни эшитмаган эдим. Мен унинг олдига бормоқчи бўлиб турсам, уни йўқотиб қўйдим (яъни, кетиб қолганини билмай қолибман). Эртаси куни у билан ўтирганлардан сўрадим:

– Сизлар кеча бундай-бундай сўзларни гапириб ўтирган кишини танийсизларми?

Улар орасида ўтирган бир киши:

– Мен танийман, у Увайс Қаранийдир, – деди. Мен айтдим:

– Унинг турадиган жойини ҳам биласанми?

– Ҳа, биламан, – деди. Шу иккинчи куни мен у киши билан бирга бордим ва эшигини тақиллатдим. Хужрасидан чикиб келди. Мен сўрадим:

– Эй биродар, нимага бизнинг олдимизга бугун чикмадинг?

У деди:

– Яланғочлик (мени чиқишдан тўсди). Чунки, одамлар масхара қилиб дилини ранжитган эдилар. Мен айтдим:

– Мана чодир, либосни олгил ва кийгил.

У деди:

– Қўйгин, чинки одамлар бу жомани менинг танимда кўрсалар менга озор етказдилар.

Унинг то кийгунигача муболага қилиб, илтимос қилдим. У кийиб одамлар олдига чиқди. Шунда одамлар: “Бу кийим билан кимни алдадинг”, деб сўзлашни бошладилар. Увайс менга:

– Ана кўрдингми, нима деяпдилар”, - деди. Мен одамларга қараб:

– Сиз бу кишидан нима хоҳлайсизлар ва нима учун унга бунчалик озор берасизлар, ахир одамзот гоҳо ялонғоч бўлади, гоҳо жомапўш, деб уларнинг тилларидан қаттиқ ушладим.

Илохнинг тақдири билан (ҳаж арафасида) Кўфа ахли Умар (р.а.) олдиларига бордилар ва уларнинг орасида Увайсни масхара қилиб юрадиган бир кимса ҳам бор эди. Шунда Ҳазрати Умар улардан: “Аё, сизнинг орангизда Қаран ахлидан бир киши борми?”, деб сўради. Увайсни масхара қилиб юрадиган ўша кимсани олиб келдилар. Бас, Ҳазрати Умар Пайғамбари Худонинг Увайс шаънида айтган ҳадисини айтиб берди ва эшитдимки, ҳозир Увайс Кўфага ташрифи қудум қилган эканлар, уни биласанми, деди. У киши:

– Ундай киши бизнинг орамизда йўқ ва сиз айтгандай зотни билмаймиз.

Ҳазрати Умар:

– Тўғри, шундай-шундай сифатли, яъни, хор ва хароб киши борми? – дедилар. У киши деди:

– Бизнинг орамизда Увайс номли бир кимса бор, уни масхара қилиб юрамиз.

Ҳазрати Умар унга:

– Сен у зотни топ, албатта, мен уни топиб дуосини олганингни кўрай, – деди. Укиши юртига кайтиб келиб, ўз уйига ҳам кирмасдан, тўғри Увайснинг олдига борди. Увайс хайрон бўлиб:

– Аё, бу одатинг (яъни, мени хурмат қилишинг) нима сабабдан?!

У киши айтди:

– Мен амир ал-мўъминийн Умар (р.а.)дан сизнинг таърифингизни эшитдим, у зот сиз ҳақингизда ажойиб гапларни айтдилар. Эй Увайс, мен сизни масхаралар, беадабликлар қилгандим, кечиринг ва менинг гуноҳимни кечиритишни Аллоҳдан сўранг (яъни, менинг ҳаққимга истиффор айтинг).

Увайс деди:

– Ҳа, айтаман, башарти Ҳазрати Умардан эшитган гапларингни ҳеч кимга айтмайсан.

Шундан кейин у киши ҳаққига дуолар қилди.

Бу хабарларнинг ровийси Асир айтади:

Шундан кейин Увайснинг ҳоли ҳаммага маълум бўлди (яъни, унинг авлиё эканини билдилар).

Буни Ибни Асокир “Тарих” китобида ривоят қилган.

Бошқа бир ривоятда Яҳё ибн Саъиддан, у киши Саъид ибн Мусаййабдан, у киши Ҳазрати Умар ибн Хаттоб (р.а.)дан ривоят қилинади. Ҳазрати Умар деганлар:

Бир куни Жаноби Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам мени “Ё, Умар!” деб чақирдилар. Мен: “Лаббайка ва саъдайка (хизматингизга тайёрман)”, деб ёнларига бордим ва гумон қилдимки, ишга юборсалар (яъни, бир иш буюрсалар). У зот марҳамат қилдилар:

“Эй Умар, (яқинроқ кел ва эшитгил), менинг умматимнинг ичида бир марди (бир кимса) бўлади. Уни Увайс дейдилар. Унга бир бало етади. Бас, дуо қилгани сабабли Худо ўша балодан узоклаштиради, магар, ён-белида озгина қолади. Ўшани кўрганида ҳар доим Худой аъза ва жаллани ёд қилади. Агар сен, (эй, Умар!) у билан мулоқот қилсанг, унга мендан салом айт ва ундан ўзингга дуо қилишлигини сўра, зероки, у Парвардигорига карим (яъни, унинг буйруқларини бажаришда саховатли) ва у зотнинг наздида буюқдир. Агар Аллоҳга дуо қилса, албатта дуосини қабул қилади. Ва қиёматда Рабиъа ва

Музар кишлокларидаги қўйлар сингари одамларни шафобат килади”.

Шундан кейин уни Пайғамбарим алайҳиссалом ҳаётлик пайтларида излаб, суриштирдим топа олмадим. Яна Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) халифалик даврларида ҳам излаб топа олмадим. Кейин ўзимнинг халифалик давримда уни излаб, одамлардан суриштирар эдим. Бир куни унинг шаҳридан келганлардан сўрадим:

– Аё, Қаран шаҳрининг Мурод кабиласидан сизнинг орангизда Увайс номли киши борми?

Қаран кавмидан бир киши туриб айтди:

– Эй, Амир ал-мўъминийн! У менинг амакимнинг ўғлидир. Сиз бир хор ва забун, бир девона киши тўғрисида сўраяпсизки, у сиз сўраганчалик улуғ эмас (яъни, сиздек улуғ зот уни сўрашга арзитайди).

Ҳазрати Умар ҳикоясини давом килдириб, дедилар:

Мен унга: “Сени у зот ҳақкига ҳалок бўлгувчилардан кўраяпман (яъни, у зотни ҳурмат қилмаяпсан, сенинг ҳолингга вой!)”, дедим.

Шу сўзни айтиб турганимда ногоҳ бир туя пайдо бўлди, устида бир кўҳнажома – эски кийимларни кийиб олган бир киши ўтирарди. Менинг дилимга шу киши Увайс бўлса керак, деган гумон тушди. Унга қараб:

– Сен, эй Худонинг бандаси, Увайс Қараниймисан” – дедим. У: “Ҳа” – деди. Мен айтдим:

– Сенга Аллоҳнинг пайғамбари салом айтган эдилар.

У айтди:

– Эй, Амир ал-мўъминийн! Жаноби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳнинг саломи бўлсин. Ассалому аълайка. Мен унга: “Жаноби Расулulloҳ сен менинг ҳақкимга дуо қилишлигингни буюрган эдилар” – дедим (у эса ҳақкимга дуо килди).

Шундан кейин мен у билан хар йили ҳаж арафасида учрашиб турдим. Мен унинг ҳол-аҳволидан сўрардим, у эса менинг ҳол-аҳволимдан сўрар эди.

Бу ривоятни Абул Қосим Адулаъзиз ибн Жаъфар ал-Ҳазакий ўзининг “Фавойид” китобида ва Хатиб Бағдодий ва Ибн Асокир ўзларининг “Тарих” китобларида ривоят қилганлар.

Бошқа ривоятда Ҳасан Басрийдан келадик, у зот айтадилар:

Ҳаж мавсумида аҳли Қаран келганларида Амир ал-мўъминийн Умар (р.а.) улардан сўрадилар:

– Аё, сизнинг орангизда Увайс номли кимса борми?!

Улар орасидаги бир кимса туриб деди:

– Эй, Амир ал-мўъминийн! Ундан нима хоҳлайсиз, у шундай бир кимсаки, одамлар орасига чикмай (уларга аралашмай) вайроналарда юради.

Ҳазрати Умар дедилар:

– Хўп, унга мендан салом айт ва яна айтгинки менга бир учрашсин.

Бас, шундан кейин у киши Ҳазрати Умар буйруғини унга етказди. Кейин Увайс Ҳазрати Умар олдига ташрифи қудум қилдилар. Ҳазрати Умар уни кўриб:

– Сен Увайсмисан, – дедилар.

Увайс:

– Ҳа, мен Увайсман, эй Амир ал-мўъминийн! – деди.

Ҳазрати Умар дедилар:

– Сенинг оқлик песлик касалинг бормиди, дуо қилгандинг, уни Аллоҳ кетказди ва яна дуо қилгандинг, ундан бир озгинисини қолдирди.

Увайс деди:

– Ҳа, эй Амир ал-мўъминийн! Лекин ундан сизга ким хабар берди?!

Ҳазрати Умар:

– Менга Пайғамбари Худо саллоллоху алайҳи васаллам хабар бердилар ва яна айтгандиларки, сендан сўрайман то менинг ҳақимга дуо қилгайсан.

Кейин Увайс Ҳазрати Умар ҳаққига дуо қилди ва деди:

– Эй, Амир ал-мўъминийн! Сиздан хожатим шулки, менинг ҳолимни (яъни сирларимни) яширсангиз (ҳеч кимга билдирмасангиз ва менга изн беринг юртимга қайтсам ва ором олсам.

Бас, у зот ҳамиша одамлардан пинҳон бўлиб, (ўзларининг авлиёликларини ҳеч кимга билдирмай) юрди ва охир умрида Наҳованд деган жойдаги кофирлар билан бўлган жангда ўлдирилиб, шаҳид бўлди. Буни Ибн Асокир ривоят қилган.

Саъид ибн Мусайибдан ривоят келади: Ҳазрати Умар Минода минбарга чиқиб нидо қилдики: “Эй, аҳли Қаран!”. Бас, бу қавмнинг ёши улуглари олдинга чиқдилар ва “Биз, эй Амир ал-мўъминийн, нима буюрасиз?!” дедилар. Ҳазрати Умар дедилар:

– Аё, Қаранда Увайс номли киши борми?.

Уларнинг олдидаги бир қари кимса деди:

– Бизнинг орамизда Увайс номли киши йўқ, магар бир девона киши борки, ҳамиша биёбон чўлларда юради, у ҳеч ким билан улфат ҳам бўлмайти, суҳбат ҳам қилмайти.

Ҳазрати Умар:

– Шу кимсани истайман, агар Қаранга борсангизлар, уни истаб топинглар ва менинг саломимни етказинг ва, айтингки, Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга у билан башорат қилганлар ва саломимни етказ, деб буюрганлар.

Қачон у қавм Қаранга етдилар, уни қидирдилар ва бир қумлоқ чўлдан топдилар. Кейин унга Ҳазрати Умарнинг ва Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саломини етказдилар. Увайс дедики: “Амир ал-мўъминин мени ва менинг номимни машҳур қилиб қўйди”. Ассалому аъла Росулиллаҳи соллоллоҳу алайҳи васаллам ва аъла олиҳи (деб Расули акрамнинг саломларига алик олдилар). Ҳайрон ва ғамгин биёбонга юз тутдилар. Кейин то Ҳазрати Али (р.а.)нинг олдиларига келгунча ундан ҳеч қандай нишона бўлмади. У зотнинг олдиларида ғазотга чиқиб, Сиффин жангида ҳалок бўлиб, шаҳид бўлдилар. Буни ҳам Ибн Асокир ривоят қилган.

Ибн Муъовиядан ривоят қилинади: Умар ибн Хаттоб (р.а.) олдиларига келган Кўфа гуруҳидан сўрадилар:

– Аё, сиз Увайс ибн Омир ал-Қаранийни танийсизми?.

Улар:

– Биз яхши танитаймиз, чунки у Кўфада масжидга мулозамат қилиб ибодат қилгувчидир, ундан ҳеч ташқарига чикмайди. Лекин унга озор бериб, масхара қилиб юрадиган амакисининг ўғли бор.

Кейин Кўфа аҳли билан келган кишилар орасидан амакисининг ўғли туриб айтди:

– Эй, Амир ал-мўъминийн! Увайс сиздек зот сўрайдиган мартабада эмас. Сиз шуни яхши билингки, у одамларнинг энг забуни-камтарроғидир ва у менинг амакимнинг ўғли ҳамдир.

Шунда Ҳазрати Умар дедилар:

– Вой, сенинг холингаки, сен унинг ҳақида ҳалок бўлдинг!

Бас, Ҳазрати Умар Увайснинг шаънларида ворид бўлган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини айтиб берди ва деди:

– У ерга борганинга, менинг саломимни унга етказгин!

Шундан кейин Увайснинг кимлиги, қандай зот эканлиги машҳур бўлиб кетди. Шухрат истамаган Увайс қайсидир тарафга кетиб, йўқ бўлиб кетди.

Бу ривоятни Абу Яъло ва Ибн Мунда ва Ибн Асокир ўз китобларида келтирганлар.

Ибн Аббос разийаллоҳу аънҳумо ривоят қилади:

Ҳазрати Умар (р.а.) ўн йилгача Увайс Қараний аҳволини одамлардан сўраб суриштирган эди. Ҳатто бир йили ҳаж мавсумида айтдики: “Эй, аҳли Яман! Сизлардан қайсингиз Мурад қабиласидан бўлса, ўрнидан турсин”. У қабиладан бўлганлар ўринларидан туриб, қолганлар ўтирдилар. Ҳазрати Умар:

– Аё, сизнинг орангизда Увайс борми?

Шунда бир кимса деди:

– Эй, Амир ал-мўъминийн! Биз ундай кишини танимаймиз, лекин, менинг бир муродзодам борки (яъни, бир авлоддан бўлган кишилар), уни Увайс, дейишади. У сиз сўрагандан кўра хорроқ ва заифроқдир (яъни, сизнинг сўрашингизга арзимади). Ҳазрати Умар:

– У ҳам Ҳарамдами (яъни, ҳажга келганми)? – деб сўради. У киши:

– Ҳа, келган, қавмнинг туяларини Арофот водийсида ўтлатиб юрибди.

Уни шу билан таниса бўлади, деб Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Али икки эшакка миниб излаб кетдилар ва водийга борсалар, бир киши туриб намоз ўқияпти, кўзларини саждагоҳга қаратган ҳеч нарса билан иши йўқ. Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Али кўриб: “Биз ахтариб юрган киши албатта шудир”, – деб турдилар. Увайс уларнинг сўзларини эшитиб қолиб, намозни енгил ўқиб, тезда тугатди ва у иккиси Увайсга салом бердилар. У радди салом қилиб: “Ва аълайкуму-с-саламу ва раҳматуллоҳ”, деди. Улар сўрадилар:

– Эй, Худо сени раҳмат қилсин, номинг нима?

У деди:

– Номим Абдуллох, яъни Аллохнинг кули.

Али Муртазо (р.а.) дедилар:

– Биламанки, еру осмондаги ҳар жон Аллохнинг бандасидур. Каъба ва Макка шаҳрининг парвардигорига қасам ичиб, сендан сўрайманки, сенга онанг қандай ном қўйган.

Увайс деди:

– Мендан нима истайсизлар, менинг исмим Увайс ибн Муроддир, яъни, Мурод авлодиданман.

Икки улуғ зот унга чап биқинингни кўрсатгин, дедилар. Биқинини кўрсатган эди, дирҳам миқдориди окликни кўрдилар. Дарров Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Али у окликни ўпдилар ва айтдиларки:

– Жаноби Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам бизга ўзларининг саломларини сенга етказишлигимизни ва сен бизнинг ҳақимизга дуо қилишлигингни сўрашлигимизни, буюрган эдилар.

Увайс деди:

– Менинг дуоим бутун ер юзидаги мусулмонлар, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, барчаларига бўлади.

Улар дедилар:

– Ҳозир бизга махсус дуо қилгин!

Бас, улар учун ва бошқа мўъмин-мўъминалар учун ҳам дуо қилди. Ҳазрати Умар унга:

– Сенга Худонинг ризқидан бир нарса ё унинг атосидан бир нарса берайми?! – деди. Увайс деди:

– Икки жомам янги, оёғимда ковушим яхши, тўрт дирҳамим ҳам бор. Шу етарли, йўқолса, оларман. Ҳар ким бир жумъага етказса, бир ойга ҳам етказади. Ҳар ким бир ойга етказса, бир йилга ҳам етказади (яъни, қаноат қилиб еса, ичса, кийса бир йилга ҳам етади).

Шундан кейин туяларини қавмга берди-да, бир томонга кетди. Ундан кейин ҳеч ким уни кўрмади.

Бунни Ибн Асокир ўз “Тарих” китобида зикр қилган.

ЮСУФ ТОВАСЛИЙНИНГ “ХИКМАТЛАР НАЗМИ” КИТОБИДА УВАЙС ҚАРАНИЙ ВАСФИ

Увайс Қараний Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ишқи билан ёниб юрарди. Кўнглига тугиб қўйгани, орзуси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак жамолини кўриш эди. Бу ишқ ила кунлар ўтиб борарди. Бир кун онасига: “Онажоним, рухсат этсангиз, Мадинага бориб, суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак юзларини кўрсам, зиёрат қилсам”, деди. Увайс Қаранийнинг онаси ўғлининг бу гапига хайрихоҳ бўлиб: “Бир шарт билан рухсат бераман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни фақат хонаи саодатлари (муборак уйлари)дагина зиёрат қиласан”, деди. Ошиқи Расул Увайс Қараний: “Онам рухсат берди”, деб Мадина томон йўлга тушди. Бир неча кун юриб, Мадинага етиб келди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларини сўради. Кўрсатдилар, хонаи саодатнинг эшигини тақиллатди. Ичкаридан Ҳазрати Ойша волидамиз: “Ким у”, деб овоз бердилар. “Бу мен Увайсман, Яманнинг Қаран қишлоғидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни зиёрат қилгани келдим”, деди. Ҳазрати Ойша волидамиз: “Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кетдилар, ўша ерга борсанг кўрасан”, дедилар. Увайс Қараний: “Ох, боролмайман, онам фақат шу ергача рухсат берган”, деб айтди. Ҳазрати Ойша волидамиз: “Эй, Аллоҳнинг қули! Ўзинг кимсан?”, дедилар. Увайс Қараний: “Отим Увайсдир, Яманнинг Қаран қишлоғиданман, чўпонлик қиламан. Суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни зиёрат қилгани онамдан шу ергача рухсат олгандим. Демак, кўриш насиб бўлмабди”, деб келган томонига қайтиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжиддан қайтиб келиб: “Ё Ойша, бу ерга Увайс келдими?! Мени бу дунёда кўриш унга насиб бўлмайди. Аллоҳ уни имтиҳон қилмоқда. Онасига бўлган итоатининг қай даражада эканлигини билмоқчи”, дедилар. Увайс Қараний онасининг олдига келди, бўлиб ўтган ишни афсусланиб, оҳ чекиб тушунтирди. Йўл азоби ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни кўра олмаганидан сарғайиб сўлди. Онаси: “Қайғурма ўғлим. Қайғурма! Сен мени мамнун этдинг. Аллоҳ

сени мамнун этади. Суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни у дунёда кўрасан, шафоатига эришасан”, деди. Увайс Қараний онасига бўлган садоқати ва итоатида қатъий турди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга васият қилиб: “Бу хирқамни Увайс Қаранийга беринглар”, дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хирқани саодатини Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Али (р.а.) Яманнинг Қаран кишлоғига келиб, ўзлари унга топширдилар.

“НАСОИМУЛ-МУҲАББАТ”ДА УВАЙС ҚАРАНИЙ ВАСФИ

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” китобида Шайх Увайс Қараний ҳақида ёзиб ушбу нақлни келтиради:

Шайх Увайс Қараний – [Оллоҳнинг пайғамбари айтган: Увайс Қараний эҳсон ва меҳрибонлиги билан тобиинларнинг яхшисидир]. Гоҳ-гоҳ Хожаи олам с.а.в. муборак юзин Яман сори килиб дер эрдиким, [Мен худонинг нафасини Яман томонидан туймоқдаман]. Бировнинг васфиким, онинг вассоффи Хожаи Коинот бўлғай ва нафаси нафаси раҳмон бўлғай, васф қилмоқ бағоят беодоблик бўлғай. Ҳам Хожаи Коинот с.а.в. буюрубтурким, тонгла қиёмат куни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло етмиш минг фаришта Увайс сурати била яратқой. То ул аларнинг орасида аросотға кириб, беҳиштга борғай. То ҳеч ким маълум қилмағай. Тенгридин ўзгаки, ул қайси биридурки, ул дунёда барча халқ кўзидин ёшурун Тенгри таолоға қуллук қилур эрди. Қиёматда доғи Тенгри таоло ани барча номаҳрам кўзидин маҳфуз тутқай.

Нақлдурки, ҳазрати Рисолат с.а.в. оламдин ўтарда асҳоб разиёллоҳу таоло анҳум сўрубдурларким, сизнинг мураққаб кимга ҳаволадур? Дебдурларки, Увайс Қаранийға берсунлар ва десунларки, манинг умматимни дуо қилсун! Ҳазратдин сўнгра Форук ва Муртазо разиёллоҳу таоло анҳум Қўфаға бориб, Яман элидин сўруб, Қаранда Увайсни топтиларким, тева кутуб юрур эрди. Мураққани топшуруб, уммат учун дуо истидьо қилдилар ва бу маънида сўз кўпдур. Шарҳи била билайин деган киши “Тазкиратул-авлиё”ни ўқисун. Онинг ҳолатини тамом битиса, яна бир бошқа китоб битимак керак.

Ухуд урушида Пайғамбар с.а.в.нинг муборак тиши шаҳид бўлгонин эшитиб, мUTOбаат учун ўттуз икки тишин ушотти. Ҳар биринки, ушотур эрди, дер эрдиким, шояд бу тиш эмас эрди экин. Яна бирни ушотур эрди. То мундоқ қилиб, барча тишларин ушотти. Ва ҳазрати Рисолат с.а.в.ни кўрмабдур эрди ва ул Ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи билан кўрмабдур эрдилар. Маъною руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин ҳар кишинингки, бу тоифадин зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи они тарбият қилгон бўлса, они Увайсий дерлар.

МУХАММАС (Аҳмаджон Умматий)

Шафоат қил, аё Султони Вайс, бу сийна чокингни,
Ғариқи баҳри исён бўлғон ушбу дарднокингни,
Келибман юзима суртарга бул кун гарди хокингни,
Куторғил водийи журми гунаҳдин бу ҳалокингни,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Надомат бирла келдим қурбатингни Ҳаққа ном англаб,
Худонинг ҳазратида соҳиби иззи эҳтиром англаб,
Муҳаммад умматиға шафқатингни субҳу шом англаб,
Тилаб журмимни Ҳақдин, ўзими расвойи ом англаб,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Қўлим холи, тилимда сураи Ёсин-Таборақ бор,
Гунаҳ бўйнимда-ю оғзимда Қуръони муборақ бор,
Ғубори дарғаҳингдин бошим узра тожи торақ бор,
Лабимда тавба-ю лаҳмимда истиғфор лаклак бор,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Муҳаммад хирқасин эгнингға солиб умматин олдинг,
Манингдек неча минг осийни дўзах ўтидин юлдинг,
Жабал узра оёқ-ёланг юриб Ҳақ хизматин килдинг,
Қўзингдин ашки гулгун оқизиб Тангриға ёлбординг,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Набийлар маҳрами асрори ҳайи зул-минан дерлар,
Машойихлар орасинда сани кутби эран дерлар,
Умам ичра муборақ исмингиз Вайсул Қаран дерлар,
Адашқон осийлар ҳодийси саҳройи миҳан дерлар,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Аё шаҳбози қудсий, ломакон жавлонгаҳинг эрмиш,
Демишлар жаннат ул-фирдавс хоки дарғаҳинг эрмиш,
Муҳаммад Мустафо ботинда ёри ҳамраҳинг эрмиш,
Икки олам кўзига тўтиё хоки раҳинг эрмиш,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Этак силкиб, икки оламга билкул мосиводурсан,
На айтай васфинги бошдин аёк нури Худодурсан,
Муҳаммад умматиға мушфиқи ҳам раҳнамодурсан,
Азалда уммати Аҳмадға ёри ошнодурсан,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Валийлар ичра санингдек соҳиби инъоми карам йўқдур,
Санинг зойирларинг кўнглунда кайғу-ю ситам йўқдур,
Бошим қабрингга кўйдим энди армону алам йўқдур,
Муборак турбатинг қилдим зиёрат манда ғам йўқдур,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Фироқингда кийиб қаро, чок айлабон доҳан,
Сафо-ю Марва ҳажрингда жарасдек айлабон севан,
Етушмай мақдаминг замзамға бўлди йиғламоқлик фан,
Ҳажарга тийралик етди қайғунгда топмайин маскан,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Анодин бўлдингу уйқуни кўзингга ҳаром этдинг,
Ишодин субҳғача кеча қаддин баркиём этдинг,
Ўтуб тўққуз фалақдин қоба қавсайно хиром этдинг,
Кўтариб қўл тамоми осийлар ишин тамом этдинг,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Малойикларға солдинг ғулғула кўп нолишинг бирла,
Гуноҳи уммати Аҳмадни ювдинг кўз ёшинг бирла,
Қутординг дўзах ўтидин борини айтишинг бирла,
Демак, инсон хатодур, нури Ҳақсан турмушинг бирла,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Кўтарман остонангдин бошимни то ҳаётим бор,
Сиғинам руҳинга, Тангридин уммиди нажотим бор,
Ва лекин журми исён касратидин кўп уётим бор,
Нечук қон йиғламай олдимда мезону сиротим бор,
Келибман восита айлаб Худоға руҳи покингни.

Налар бошимға келтурди ҳавойи нафси бадкешим,
Сирот ал-мустақимдин урди бул хирси бад андешим,
Қочиб содиқлардин, бўлди шайтони лаин хешим,

Хатар олдимда кўп, билмон нечук бўлғай манинг ишим,
Келибман восита айлаб Худога руҳи покингни.

Қилиб тавба, уриб даргоҳинга йиғлар бошин Умнат,
Ошурди кўп надомат бирла кўкдин нолишин Умнат,
Қаро кўздин оқизди нола бирла қон ёшин Умнат,
Мадад сан қилмасанг, билмон нечук айлар ишин Умнат,
Келибман восита айлаб Худога руҳи покингни.

“ТУҲФАТ УЛ-ОБИДИН” АСАРИДАН ПАРЧА

(Бу Котибий мухаммаси бўлиб, халқ орасида машхур бўлган “Тухфат ул-обидин” номли китобга киритилган)

Тиларман истионат, ё, эранлар шоҳи султони!
Хужуми ғам биландур ҳолиму дийдами гирёни,
Ҳидоят оламида сиз эрусиз қутби раббоний,
Мудом турбатингиздин барқ урармиш нури раҳмоний,
Келиб Вайсул Қаран исминг валоят моҳи тобони.

Сенинг мадҳингда гўё эрди доим ул Расулуллоҳ,
Муроқабада таважжух сен саридур ул Расулуллоҳ,
Куни асҳобларға бокиб айди ул Расулуллоҳ,
Келур раҳмат насимиким Ямандин ул Расулуллоҳ,
Ки бордур анда бир шоҳи валоят абди раҳмоний,

Дили ботинда бир-бирдин топиб файз андаким Ҳазрат,
Саҳобалар мулоқий бўлмагандин қилдилар ҳасрат,
Бериб Форук бирла Муртазоя хирқатин Ҳазрат,
Кийиб Вайсул Қаран умматларим учун қилиб ғайрат,
Шафоат айласун деб ул Расули шоҳи инсоний.

Олиб рухсат Расулдин икки ёрон йўлга тушдилар,
Яман мулку манзилларин катъ айлаб етушдилар,
Яман одамларидин жойи маъвосин сўрашдилар,
Сўроғлаб Армна водийсидаким топиб кўришдилар,
Расулуллоҳ саломин дедилар ул икки ёрони.

Саломдин сўнг Расулуллоҳ муборак хирқасин берди,
Икки ёрон Расул сўзиниким арзига етқурди,
Мақомоти шафоатдан неча турлук хабар берди,
Ҳамоно бу муждадин гўё танига тоза жон берди,
Бўлиб ишқ ўти ғолиб кўзда ёши дурри ғалтони.

Муборак хирқани ул икки ёрон илгидин олди,
Бениҳоят тараҳҳум бирла они кифтиға солди,
Бўлиб Мусо сифат ул дам Муножот тоғига борди,
Гуноҳкор уммат учун Тангри даргоҳига ёлборди,

Ки ўзликдин чиқиб, топди мақоми курби субҳони.

Эранлар ичра камдур зохирида чун бу янглиғ иш,
Муборак хирқани эгнига олиб истабон бахшиш,
Тамоми осий умматға қилиб авфу ато кўшиш,
Илохий, гумоним то қилмасанг баҳри карам жўшиш,
Карам баҳрини ғаввоси, аё, эй гавҳари кони.

Кириб жунбушга ул дам баҳр аро токи Худованди,
Деди: йўктур севикли кулларимда сенга монанди,
Тила ҳар нечаким, недур сенинг кўнглунгни хурсанди?
Дединг: бу осий уммат бу кулингни орзуманди,
Деди: уч ҳиссасин бердим сенга бахш айладим они.

Бу алтофи илохийдан бўлиб маст акли соғ эрди,
Муҳаббат шавкидин ул икки кўз гўё булоғ эрди,
Ки бокий мондасин айлаб ўтин олмоққа чоғ эрди,
Вале, бу икки ёрон фурқатидин дилда доғ эрди,
Ки қолмай сабру тоқат бордилар ул икки ёрони.

Дединг онларга боқиб, эй ёронлар, бу нечук ишдур?
Бу умматларни ҳолиға ажаб бошимда ташвишдур,
Малойик зумрасида охи афғонимга шўришдур,
Ки бу қолган гуноҳкорлар учун жонимда койишдур,
Булар борганларига бўлдилар эрса пушаймони.

Бу ориф хизматила ул Расул кўнглини тиндурдинг,
Муборак тишларингни дўстлик йўлида синдурдинг,
Расулulloх фироқида жафо бошингга индурдинг,
Бериб рухсат икки ёрни фироқ отиға миндурдинг,
Салом айтиб Расулulloхни айлаб шоди хандони.

Қачондурким Худо бирла муҳаббат созини туздинг,
Замони олмайин рухсат фароғат уйини буздинг,
Узун кеча қиём узра турибон тонгни отқуздинг,
Бўлиб Фард ишқида, шавкида ғайридин кўнгул уздинг,
Эрурсан арбаин қуддуси-ю ҳам хони султони.

Тамоми дардманду аҳли ҳоҷат қиблагоҳисан,
Менингдек бир неча афтодалар пушти паноҳисан,
Неча йўлдан адашган бандаларнинг раҳнамосисан,
Тотибон рутбаи аъло, эранлар подшоҳисан,
Менинг ҳолимға раҳм эт, ё улуснинг шоҳи султони.

Жанобингга кишиким бош урибдур баҳраманд ўлди,
Топиб мақсуд комин икки олам аржуманд ўлди,
Ки ҳар ният қилур ул ниятидин сарбаланд ўлди,
Шифо бахш айладинг онларга аҳли дардманд ўлди,
Карам айлаб қўлим тутқил эранлар шоҳи султони.

Бу мискин Котибийни яхши йўлларга далолат қил,
Бошидин даф этиб турли балоларни каромат қил,
Бўлиб ҳолимға ҳомий, баҳри ғамда истионат қил,
Тамоми аҳли авлодим балолардан саломат қил,
Мадад қил икки оламда эранлар шоҳи султони.

МУҲАММАД СИДДИҚ РУШДИЙНИНГ “ТАЗКИРАТУЛ АВЛИЁИ ТУРКИЙ” АСАРИДА УВАЙС ҚАРАНИЙ ВАСФИ

Куйида 1780 йили ёзилган Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Тазкиратул авлиёи туркий” асаридан “Увайс Қараний зикри”нинг баъзи нақлларини ҳавола қиламиз (Қўлёзманинг асл нусхаси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети адабиёт тарихи музейи фондида №14583 рақами остида сақланади)⁵.

Ул офтоби пинҳон ва ул ҳамнафаси раҳмон, суҳайли Ямани султон Увайс Қараний раҳматуллоҳи алайҳ, Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) айтибдурлар: - Увайс Қараний хайрут – тобиин би эҳсон – Увайс Қараний менинг тобеъларим ичида тобиинларнинг хўброқларидиндур. Ул кишиники, раҳматан лил-оламин (с.а.в.) тавсиф килур бўлсалар, мендеклар тилидин ситойиш килмоқ нечук рост келмағай.

Гоҳи-гоҳи Расул (с.а.в.) юзларини Яман тарафига қилиб ўлтурур эрдилар. Ва айтур эрдилар: “Инни ложат нафасу-р-Раҳмон мин жониби-л-Яман” – Яман тарафидин раҳмат насими димоғимга келадур”. Ва яна хожа анбиё алайҳиссалом айдиларким, қиёмат куни Ҳақ таъоло етмиш минг фариштани Увайс суратида халқ килур, то Увайс улар орасида Аросатга борур.

Увайс Қараний бу дунёда куббаи нуроний, яъни осмон остида Ҳақ таъолога ибодат килур ва ўзин халқдин йироқ тутар эрди. Охиратда ҳам ғайрнинг кўзидин маҳфуз қолур: “Паноҳим пардаси ичра висолим давлати бирла парвариш топқон бандаларим бордур. Мандин ўзга киши уларни танимаслар”. Ҳадиси шарифда келибдурларки, Ҳазрати хожа анбиё (с.а.в.) беҳиштда ўз мақомларидин чиқарларким, гўё бир кишини талаб қилғойлар. Хитоб келурким: “Эй Муҳаммад, кимни издарсан?”

Айтурларким:

– Увайсни изларман.

Нидо келурким:

⁵ Бизга ушбу маълумотларни тақдим қилган филология фанлари номзоди, доцент И.Останақуловга ўз миннатдорчилик билдирамиз.

– Бехуда ранж тортмағил, чунончи аввал дунёда кўрмадинг, мунда ҳам ани кўрмагингдур, - дегайлар.

Хожа анбиёи алайҳиссалом айтурлар:

– Илоҳи, ул не ерда бўлурлар?

Фармон келурким: “Муктадир ихлос ва ростлиқ мақомида кудратлиқ подшоҳнинг хузурида бўлур”.

Айтурларким:

– Ул мени кўрмасму?

Фармон келурким:

– Кишики, мени кўрса, сени кўрмагувсидур.

Ва яна хожа анбиё (с.а.в.) айдиларким:

– Менинг умматимда бир киши бўлгувсидур, киёмат куни Рабъайи Мисрийнинг кўйларининг мўйлари ададида шафоат килгувсидур.

Айтибдурлар, араб диёрида ҳеч қабила бу икки қабиладек молдор бўлмас. Саҳобалар сўрадилар:

– Бу банда не ерда бўлур?

Айдилар:

– Бандаидур Ҳақ таъолонинг бандаларидин.

Яна сўрдиларким:

– Биз ҳам Худонинг бандалариданмиз. Анинг оти недур?

Дедиларким:

– Увайсдур.

Сўрдиларким:

– У не ердадур?

Айттиларким:

– Куръон деган китобда бўлур.

Яна сўрдилар:

– Ё расулуллох, сизларни кўрубдурму?

Айдилар:

– Йўк.

Айдилар:

– Ажаб ошиқки, сизнингдек маъшукнинг хизматиға етибдур, дийдорингизга мушарраф бўлмабдур!

Айдилар:

– Икки сабабдин менинг дийдорим давлатиға етмабдур:

Бири улким, ишқ шиддати муҳаббат ғалаботи ўз ихтиёриға кўймади, иккинчи улким, менинг шариатим ҳурматини сақладиким, бир волидаси бордур, нобино ва мўъминаи

кўхонасоллуқдин (кексалиқдан) суст бўлгон. Увайс кундуз элнинг теvasини боқиб, андин топқон муздини волидаси бирла ўзига сарф килур.

Сўрдиларким:

– Биз ани кўрармизму?

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхуга боқиб айдиларким:

– Сен ани ўз вақтингда кўрмассен. Умар ва Али розияллоху анхумо ани кўрарлар.

Увайс пурмўй кишидур, чап ёни ва долусида руфия чоғлиқ нечанд оқ ғарав бордур, мараздин эрмас. Вақтики, ани топсангизлар мандин анга салом етказинглар. Ва айтингизларким, менинг умматимга ва менга дуо қилсун.

Ва яна хожа анбиёи алайҳи ва-саловати ва саллам айтибдурларким, “Авлиёлардин ҳақ таолоға ёвуқроғлари махфий тақво қилувчилардур”.

Саҳобалардин баъзилари айдилар:

– Ё расулуллоҳ, бизнинг орамизда андоғ киши маълум эмасдурлар.

Айдилар:

– Бир теvачи кишидур Яман диёрида ани Увайс дерлар, тақво ишида анинг таъбиятидин ташқари қадам қўймангизлар.

Келтурубдурларким, Хожаи Анбиё (с.а.в.)нинг оламдин интиҳолари ёвуқ етти эрса, сўрдиларким:

– Ё расулуллоҳ, бу ҳиркаи мўътабар – жандани киймакка буюрурсиз, кимга бергаймиз?

Айдиларким:

– Увайс Қаранийга берингизлар.

Чун Фориг ва Муртазо розияллоху анхумо ҳазрати расул (с.а.в.) вафотидин кейин Кўфага келдилар. Форук розияллоху анху хутбалари аросида нидо қилдиларким:

– Ё аҳли Нажд, қуму! Эй Нажд халқи, қўпингизларким, сизлардин савол қилурман.

Ҳамма ўринларидин қўпгилар. Форук розияллоху анху сўрдиларким:

– Сизларни орангизларда Қаран деган кентдин ҳеч киши бормудир?

Айдиларким:

– Бордир.

Бир неча кишини Умар розияллоху анхунинг олдилариға келтурдилар.

Форуқ розияллоху анху улардин Увайс хабарин сўрдилар.

Улар дедилар:

– Биз андоғ кишини билмасмиз.

Форуқ розияллоху анху айдилар:

– Соҳиби-Шаръ⁶ (с.а.в.) менга анингдин хабар берибдурлар. Бехуда сўзни демаслар ва магарким сизлар ани танимас бўлмиш бўлғайсизлар.

Бир киши кўпиб айди:

– Амир-ал-муъминин, ани издарга арзир эрмас. Ва билмасмиким, девонадур ва ё ахмоқдур, халқдин қочар.

Форуқ розияллоху анху айдилар:

– Мен ани издарман. У не ерда бўлур?

Айдилар:

– Ғазига чўлида тева боқар. Оқшом бўлса, келур. Биз анга нон берурмиз. Нонни олур. Улар кент оросида юрмас ва киши бирла суҳбати чиқишмас ва халқ егани ул емас, ғамни, шодликни билмас. Халойик кулсалар, ул йиғлар, эл йиғласа, ул кулар.

Форуқ розияллоху анху айдилар:

– Биз ани издаб борурмиз.

Андин кейин Форуқ ва Муртазо розияллоху анхумо ўшал ерга издаб бордилар. Кўрдиларким Увайс намозға машғулдур. Ҳақ таъоло фаришталарни бюрубдурларким, теваларини боқарлар, чун Увайс одамий қадамнинг асарини билди эрса, намозни мухтасар қилди ва салом берди. Ва Форуқ розияллоху анху кўптилар ва салом қилдилар. Увайс жавоб берди. Форуқ айдилар:

– Отинг надур?

Айди:

– Увайс.

– Ўнг қўлингни кўрсатгил.

Қўлларини кўрсатди. Ул оқлареки, пайғамбар (с.а.в.) нишон бериб эрдилар, биайниҳи кўрдилар. Дарҳол сўрдилар ва айдилар:

⁶ Шариат соҳиби, яъни Муҳаммад алайҳиссалом.

– Эй Увайс, Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) сенга салом еткурди ва айтдиким: “Менинг умматимга дуо қилсун”.

Увайс деди:

Эй Форук, мусулмонларга дуо қилмоқга сиз авло ва лойикдурсизким, ер юзида сиздин азизроқ банда йўқдур.

Форук айдилар:

– Бу ишни мен қилолмасман. Аммо сиз пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларини бажо келтургансиз.

Увайс айди:

– Эй Умар! Яхши тааммул қилғилким, мендин бўлак бўлғай, яъни мен на киши бўлғайманки, Расули худо менга ҳадя юборибдурлар, мендин дуо тилагай?!

Умар розияллоху анху айдилар:

– Пайғамбар (с.а.в.) сизга башорат бериб эрди.

Увайс деди:

– Расули худо берган жандани бергилким, дуо қилайин.

Жандани бердилар ва айдиларким:

– Кийгил!

Увайс айди:

– Сабр қилсангиз то мен аввал ҳожатманд ва андин кейин жандани кийгумдур.

Увайс кўпуб, бир ҳилватга борди ва ул жандани олдига кўйди, бошин саждага кўйиб айди:

– Илоҳо, бу жандани киймасман, то ҳамма уммати Муҳаммаднинг гуноҳини мағфират қилмагунча ва бенга бахшаш қилмагунча. Пайғамбаринг бу жандани менга ҳавола қилибдур. Расулинг ва Форук ва Муртазо ҳамма ўзларини қутқардилар. Эмди иш сенинг карамингга қолибдур.

Хитоб келдиким: “Неча минг-мингни сенга бахшиш қилдим”. Неча дафъа бу муножотни қилур эрдилар, бу хитобни эшитур эрдилар.

Вақтики, Увайс таъхир топти, буларда сабру таҳаммул қолмади ва аста Увайсни издаб қошлариға бордилар. кўрдиларким муножот қилар. Қачонким, Увайс буларни кўрди эрса бир оҳ тортти. Айдиким:

– На ишқа келдингизлар? Агар Сизлар келмасангизлар эрди тамом уммати Муҳаммаднинг гуноҳини тилаб олмагунча, жандани киймас эрдим. Сабр қилсангиз керак эрди. Қачонким ҳазрати Умар Увайсни кўрдиларким, кўҳна палос эғнида, бош-

оёқ ўн саккиз минг олам шодлигин ул кўхна палос ичра топибдур. Ҳазрати Умар ўзларидин халифаликларидин кўнгил кўтардилар ва кичқирдиларким:

“Бормудурким, мандин бу халифаликни бир нонга олғай?”

Увайс айдилар:

– Эй Умар, ақли йўқ кишимудурсан? Не истарсан?! Ташлағил то ҳар кишига лозим бўлса олгусидур. Олмоқ ва сотмоқ иши бу ерда сифмайдур.

Саҳобалар фарёд ва фиғон билан айдиларким:

– Эй Умар, бу халифалик низому олам ишини ҳазрати Абу Бакр Сиддиқдин сизга қолиб, улардин қабул қилиб эрдингиз. Нега минг мусулмонлар ишини зоёе қилмағайсизким, бир кунлук адлингиз минг йиллик ибодатдин зиёдадур.

Ондин кейин Увайс жандани кийдилар ва айдилар:

– Бу ҳирқа баракотларидин Робиъа ва Мисрий қабиласининг тева ва гала қўйларининг миқдорича уммати Муҳаммаднинг гуноҳларини ўттилар.

Бу воқеалар мазмунидин мўъминларга гумон бўлғайким, Увайс ҳазрати Умардин мартабалари зиёда бўлғай. Андоғ эмасдур. Аммо Увайснинг иши тажаррид эрди, яъни худодин ўзгадин кўнгил узмак. Ҳазрати Умар ҳаммада комил эрдилар. Хоҳиш қилдилар, тажаррид ҳосил қилғайлар. Мундин лозим келмадики, ҳазратнинг мақом-мартабалари Увайсдин кам бўлғай. Чунончи, хожа анбиёи (с.а.в.) кечаларда юруб, бевазанлар⁷ эшикин қоқар эрдилар ва айгур эрдилар: “Муҳаммадни дуода ёд қилғил”.

Андин кейин Муртазо хомуш турдилар. Ва Форук айдилар:

– Эй дарвиш, на учун кутиб турмадингиз, то хожани саллоллоху алайҳи ва салламни кўргай эрдингиз?

Увайс айди:

– Волидам ризоси учун эрта қайтиб эрдим...

⁷ Бева-зан – бева хотин

МУНДАРИЖА

Такдим.....	3
Ул кишининг насаблари.....	6
Ул кишининг туғилишлари.....	7
Ул кишининг ибодатлари.....	10
Ул кишининг вафотлари.....	11
Ул кишининг макбаралари.....	14
Султон Увайс бобомизнинг ўқиган намози.....	18
Ул кишининг Пайғамбар (с.а.в.) айтган саловат қасидалари.....	19
Ошиқларнинг раиси Увайс ал-Қароний(қ.с.)нинг авродидан бир қисм.....	22
Меърожнома (Аҳмаджон Умматий).....	24
Собир Сайқалий қаламига мансуб назмий ҳикоят.....	59
“Вайс ул-қараний” номли назмий ҳикоят.....	74
Завкий қаламига мансуб назмий ҳикоят.....	87
“Хоразм тарихи ва ундаги зиёратгоҳ жойлар” номли қўлёзмадан парча ..	91
Музаффар хўжа Киромийнинг “Риёз ул-восилийн” асари ҳақида.....	96
“Ҳазинат ул-асфиё” асаридан парча.....	99
“Тазкираи муҳаммад боқир” асаридан парча.....	104
“Мажмуъ ул-авлиё” асаридан парча.....	107
“Сафинат ал –авлиё” асаридан парча.....	112
“Ашъат ал-ламаъот” асаридан парча.....	113
Юсуф Товаслийнинг “Ҳикматлар назми” китобида	
Увайс Қараний васфи.....	124
“Насоимул-муҳаббат”да Увайс Қараний васфи.....	126
Мухаммас (Аҳмаджон Умматий).....	127
“Тухфат ул-обидин” асаридан парча.....	130
Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Тазкиратул авлиёи туркий”	
асарида Увайс Қараний васфи.....	133

Илмий-оммабон рисола

Ҳамидулла Аминов, Жўрабек Юсупов

УВАЙС ҚАРАНИЙ

Муҳаррирлар: ДИЛОРОМ БОБОХОНОВА
БЕКҚУЛ ЭГАМҚУЛОВ

Бадий муҳаррир: МУҲАББАТ ХОЛМУРОТОВА

Техник муҳаррирлар: НЕЪМАТУЛЛОҲ АМИНОВ
ҚУРБОНБОЙ САПАЕВ

Компьютерда саҳифаловчи: АДОЛАТ ЮСУПОВА

Мусаҳҳих: ШЕРАЛИ ЮСУПОВ

Босишга ружсат этилди 10.05.2011 й. да. Бичими 60x84 ¹/₃₂. Таймс
гарнитура. Офсет босма. Шартли 8.75 босма тобоқ. Адади 2000 нусха.
Буюртма: № Баҳоси шартнома асосида.

«TEZKOR PRES-PRINT» босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 21^а – уй.

Китобни улгуржи сотиб олувчилар учун телефониимиз: +99897 494-42-52

+99897 491-07-87

Фикр ва мулоҳазаларингиз учун электрон манзилиимиз: al_beruniy87@mail.ru

hberuniy@mail.ru

